

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА  
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й  
Қўлланма**

**“ILM – ZIYO ZAKOVAT” нашриёти**

**Тошкент – 2019**

**УЎК:821.131.32-03**

**КБК:75.26201**

**Х39**

**Хидоятова Д.А.**

Мактабгача педагогика / ўқув-услубий қўлланма/ – Тошкент, “ILM – ZIYO ZAKOVAT” нашриёти. 2019. – 136 б.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма мажмуа сифатида Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази илмий-методик Кенгашининг 2019 йил 3 январдаги 1-сонли йиғилишида маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

Ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, мактабгача таълим вазирлигининг 11-қ-қ /,1-қ-қ билан тасдиқланган мактабгача таълим муассаса тарбиячилари касбий қайта тайёрлаш курси ўқув режаси асосида тайёрланган.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма мактабгача таълим тизими кадрлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари “Мактабгача педагогика” модулини бериш жараёнида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, унда назарий ва амалий материаллар, ҳар бир мавзу асосида топшириқлар ва ҳар бир мавзу бўйича тестлар тақдим этилади. Шунингдек, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курс тингловчиларининг битирув малака ишларини ёзишда ва педагогика йўналишидаги олий ўқув юртлари талабалари учун ушбу курсни мустақил ўқиб ўрганишда ҳам амалий қўлланма вазифасини бажаради.

**Такризчилар: Г.Женпесова,**

Низомий номидаги ТДПУ “Мактабгача таълим методикаси” кафедраси доценти, п.ф.н.

**О.Махмудова,**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим методикалари” кафедраси доценти.

**ISBN 978-9943-5859-8-0**

© МЧЖ “Ilm – ziyo zakovat” нашриёти. 2019.

## Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Янги шароитлардан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021-йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этади.

“Мактабгача педагогика” модулининг ишчи дастури мактабгача таълим муассасаси тарбиячисини қайта тайёрлаш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси учун мактабгача таълим педагогикаси мазмун ва моҳиятини очиб беради.

“Мактабгача педагогика” курси назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилишга мўлжалланган.

Назарий машғулотларда педагогиканинг назарий-методологик асослари, миллий педагогиканинг моҳияти, мактабгача таълим педагогикаси, тарбиячи ва унга қўйилган ҳозирги замон талаблари, мактабгача ёшидаги болаларнинг ривожланиши ва тарбияси, болалар жамоаси. бола шахсини шакллантиришнинг муҳим шарт-шароитлари, ақлий тарбия ва таълим, ахлоқий тарбия, эстетик тарбия ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда педагогиканинг назарий-методологик асослари, миллий педагогиканинг моҳияти, мактабгача таълим педагогикаси, тарбиячи ва унга қўйилган ҳозирги замон талаблари, мактабгача ёшидаги болаларнинг ривожланиши ва тарбияси, болалар жамоаси. бола шахсини шакллантиришнинг муҳим шарт-шароитлари, ақлий тарбия ва таълим, сенсор тарбияси, меҳнат тарбияси, болаларда ватанга муҳаббатни тарбиялаш тажрибаси ўргатилади.

**“Мактабгача педагогика” модули бўйича соатлар тақсимоти**

№	Мавзулар номи	Умумий соат	Жами аудитория соати	Назарий	Амалий	Кўчма машғулот	Мустақил таълим
2.1.1	Педагогиканинг назарий-методологик асослари. Миллий педагогиканинг моҳияти	6	4	2	2		2
2.1.2	Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мавзуси, услубияти ва баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни	4	4	2			
2.1.3	Тарбиячи ва унга қўйилган ҳозирги замон талаблари	4	4	2	2		
2.1.4	Мактабгача ёшидаги болаларнинг ривожланиши ва тарбияси	6	4	2	2		2
2.1.5	Болалар жамоаси бола шахсини шакллантиришнинг муҳим шарт-шароитлари	4	4	2	2		
2.1.6	Ақлий тарбия ва таълим	4	2	2			2
2.1.7	Жисмоний тарбия	2	2		2		
2.1.8	Ахлоқий тарбия	4	2	2			2
2.1.9	Эстетик тарбия	2	2	2			
2.1.10	Меҳнат тарбияси	2	2		2		
2.1.11	Мактабгача ёшдаги болаларни ўйин фаолияти	2	2		2		
2.1.12	Болалар боғчасида педагогик жараёни ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари.	2	2		2		
2.1.13	Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги	2	2		2		
	<b>Жами:</b>	<b>42</b>	<b>34</b>	<b>16</b>	<b>18</b>		<b>8</b>

# **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-мавзу. Педагогиканинг назарий-методологик асослари. Миллий педагогиканинг моҳияти**

**РЕЖА:**

1. Педагогика ижтимоий-сиёсий фан сифатидаги тарихи.
2. Педагогика фанининг асосий вазифалари ва категориялари.
3. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси.
4. Педагогика фанлари тизими.

**1. Педагогика ижтимоий-сиёсий фан сифатидаги тарихи.**

Педагогика (юнонча *paidagogike* бўлиб, *paidagogos* “бола” ва “етаклайман”) ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан. Педагогика ижтимоий фанлар тизимига кирувчи фан саналиб, ёш авлод ҳамда катталарни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш, унга таълим бериш муаммоларини ўрганади.

Педагогика фани шахсни ривожлантиришнинг икки муҳим жиҳати – уни ўқитиш ва тарбиялашга асосий эътиборни ҳаратганлиги боис дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назарияси фаннинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Таълим ўз моҳиятига кўра умумий ва махсус каби турларга ажратилади. Умумий таълим ҳар бир шахснинг камол топиши ҳамда у томонидан ҳаётий фаолиятни ташкил эта олиши учун зарур бўлган маълумотларни беришга йўналтирилади. Умумий таълим асосида ўзлаштирилган маълумотлар келгусида шахснинг касбий тайёргарлигини таъминлашга имкон берувчи махсус таълим олиши учун асос бўлади. Махсус таълим – ўзида мутахассислик хусусиятларини намоён қилиб, шахсга муайян касбий фаолиятни ташкил этиш борасида назарий билимларни бериш асосида амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим, шунингдек, турли даражадаги таълим дастурларини амалга оширишига кўра мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим каби турларга бўлинади.

Тарбия назарияси – педагогиканинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, тарбия жараёни мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари, уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёнидир.

Ижтимоий тарбия ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик ва жинсий тарбия каби йўналишларда ташкил этилади.

Ижтимоий тарбия ва унинг босқичлари. Инсониятнинг яшаш учун курашиш ва турли табиий офатлардан ҳимояланиш йўлида олиб борган ҳаракатлари тарбия ғояларининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган.

Ибтидоий жамоа тузумида одамларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаёт кечириши сабабли болаларга тирикчилик ўтказиш йўлидаги фаолият (ўсимлик мевалари, илдизларини териш, ҳайвонларни овлаш)ни ташкил этиш борасидаги тажрибаларни ўргатиш гуруҳ аъзолари томонидан бирдек амалга оширилган. Билимлар, аксарият ҳолларда, меҳнат ва ўйин жараёнларида ўзлаштирилган. Меҳнат фаолиятини ташкил этиш жинсий ҳарактерга эга бўлганлиги боис ўғил ва қиз болаларни тарбиялашда ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланган.

Оила, хусусий мулк ва давлатнинг пайдо бўлиши ижтимоий тарбия мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг содир этилиши, қулдорларнинг пайдо бўлиши олиб келди. Айнан мана шу даврдан тарбия жамиятнинг ижтимоий талаб ва эҳтиёжлари асосида йўлга қўйила бошлади. Эркин фухароларни тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмуни ва воситалари борасидаги фикрлар Демократик, Платон ва Аристотелларнинг асарларида муҳим ўрин эгаллаган. Мутафаккирларнинг асарларида ушбу фикрлар мустақил педагогик назария сифатида эмас, балки фалсафий ҳарашлар ёки жамиятни ташкил этиш лойиҳасининг муҳим компоненти тарзида баён этилган. Ушбу даврда табиий-ижтимоий фанлар тизими шаклланиши учун бошланғич асослар қўйилди.

Қулдорлик тузумида эркин бўлмаган кишилар (қуллар)нинг ҳақ-ҳуқуқлари чекланганлиги боис тарбия тизими фақатгина қулдорлар, уларнинг фарзандлари учун хизмат қилган.

Қулдорлик тузуми ўрнида шаклланган феодал тузумда педагогик ғоялар феодаллар манфаатини ифода эта бошлади. Мазкур давр педагогик жараёни ташкил этишда диний ғоялар етакчи ўрин эгаллаши билан тавсифланади. Ижтимоий ҳаётда диний муассасалар (Ғарбда черков, Шарқда эса масжидлар)нинг роли оша бориб, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари асосан шу масканларда ташкил этилди. Гарчи дунёвий ғояларни илгари суриш, илмий назарияларни яратиш ва тарғиб этишнинг дин пешволари томонидан қораланиши каби ҳолатлар ҳам кўзга

ташланган бўлса-да, аммо савдо-иқтисодий алоқалар кўламининг кенгайиши, табиий офатларга ҳарши кескин чора кўриш эҳтиёжи илмий билимларнинг ривожлантириш ҳаётий зарурият эканлигини исботлади. Инсоният тарихидан мустаҳкам ўрин олган Шарқ Уйғониши деб ном олган тарихий жараён айнан феодал тузуми – ўрта асрлар даврида содир бўлди. Шарқда буюк алломалар - Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райқон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Ғарбда эса Т.Мор, Т.Кампанелла, Э.Роттердамский, Ф.Рабле, М.Монтень ва бошқалар томонидан ҳар томонлама ривожланган, руҳий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, антик дунё ва буржазия даври ютуқлари асосида илмий билимларни ўзлаштира олган шахсни тарбиялаш ғояси илгари сурилди ва пухта асослаб берилди.

Савдо, хунармандчилик ва мануфактура негизида ривожланиб бораётган ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш йўлидаги амалий ҳаракатлар бу борадаги муваффақият мураккаб техникани бошқара оладиган шахсни шакллантириш эвазига ҳал этилиши тасдиқлади. Мазкур даврда илғор, прогрессив педагогик ғоялар илгари сурилди. Аксарият ғоялар мазмунида билим олишга нисбатан ижтимоий тенгликни қарор топтириш борасидаги қараш ўз ифодасини топди.

Айнан шу даврда педагогика фани асослари муайян тизимга солинди ва илмий жиҳатдан асосланди. Бу ўринда педагогика фани ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган мутафаккирлар: Ғарбда - Я.А.Коменский, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо, Ф.Гербарт, В.В.Дистервег, К.Д.Ушинский, А.С.Макаренко, В.А.Сухомлинский, Шарқда И.Ибрат, С.Сиддиқий, А.Шакурий, С.Айний, А.Авлоний, А.Фитрат, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, М.Абдурашидов, М.Беҳбудийлар шахсга таълим бериш ва уни тарбиялаш борасидаги қарашларни янда бойитдилар ҳамда таълим тизимига илм-фан, техника янгиликларини тадбиқ этиш, ўқитишни янги тизим (изчил, узлуксиз, асосланган) асосида ташкил этиш каби ғояларни илгари сурдилар.

Собиқ Шўро даврида педагогика фани мазмунан илм-фан, техника ва технология ютуқлари асосида бойиди, таълим муассасалари тизими шакллантирилди, шунингдек, ҳар томонлама (гармоник) ривожланган шахсни шакллантириш назарияси асосланди. Бироқ, мазкур назария ғояларини амалиётга тадбиқ этишнинг пухта асосланган механизми яратилмади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, ривожланиш ва тараққиёт йўли демократик, инсонпарвар ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишдан иборатлиги эътироф этилиб, “таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш” давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан



бири дея белгиланди. Асосий эътибор юксак маънавий ва ахлоқий талабаларга жавоб берувчи, юқори малакали кадрларни тайёрлашга қаратилди.

Республикада таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мазмун ҳамда йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” каби меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган.

Демак, мавжуд шароитда педагогика фани баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлашга йўналтирилган ижтимоий ҳракат истиқболлари, бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини ўрганади.

**Педагогика фанининг вазифалари.** Педагогика фани шахсни шакллантиришдек ижтимоий буюртмани бажариш асосида жамият тараққиётини таъминлашга алоҳида ҳисса қўшади. Педагогика фани мақсади ва вазифаларининг белгиланишида ижтимоий муносабатлар мазмуни, давлат ва жамият қурилиши, унинг ҳаётида етакчи ўрин тутувчи ғоялар моҳиятини муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар ҳамда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш шароитида мазкур фан юксак маънавий ва ахлоқий талабаларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялаш тизимини ишлаб чиқиш, миллий истиқлол ғояси асосида таълим ва тарбия назариясини ижодий ривожлантириш вазифасини ҳал этади. Мазкур жараёнда қуйидаги вазифаларни бажаришга эътибор ҳаратилади:

✚ Маънавий ва ахлоқий талабаларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараённинг моҳиятини ўрганиш.

✚ Шахсни ҳар томонлама камол топтириш қонуниятларини аниқлаш.

✚ Ижтимоий тараққиёт даражасидан келиб чиққан ҳолда ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизими тажрибасини ўрганиш асосида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш.

✚ Таълим муассасалари ҳамда уларда фаолият олиб бораётган педагоглар фаолияти мазмунини асослаш.

✚ Илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва амалиётга жорий этиш.

✚ Педагогларни педагогика назариясига оид билимлар ҳамда таълим-тарбия усуллари билан қуроллантириш.

✚ Таълим-тарбия бирлиги ҳамда ижтимоий тарбия йўналишлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш.

✚ Ўқитиш ҳамда тарбиялаш жараёнининг самарали технологияларини яратиш.

✚ Оила тарбиясини муваффақиятли ташкил этиш юзасидан оналар учун илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Педагогика фанининг асосий категориялари.** Бизга яхши маълумки, ҳар бир фан ўзининг таянч тушунчалари, қонуниятлари, тамойиллари, қоидалари тизимига эга. Айнан мана шу ҳолат унинг фан сифатида эътироф этилишини кафолатлайди. Фаннинг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча категория деб аталади. Педагогика фанининг асосий категориялари шахс камолотини таъминлаш, таълим ва тарбия самарадорлигига эришишга ҳаратилган жараёнларнинг умумий моҳиятини ёритади. Энг муҳим категориялар сирасига куйидагилар киради: шахс, тарбия, таълим (ўқитиш, ўқиш), билим, кўникма, малака, маълумот, ривожланиш.

**Шахс** – психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамият аъзоси.

**Тарбия** - муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

**Таълим** –ўқувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

**Билим** – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.


**Кўникма** – шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

**Малака** –муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

**Маълумот** – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

**Ривожланиш** – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

**Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси.** Ижтимоий тарбия моҳиятини илмий жиҳатдан асослаш маълум педагогик ҳодисанинг муайян вазиятларда намоён бўлиш қонуниятларини билишни тақозо этади. Бизга маълумки, педагогик ҳодиса мураккаб тузилмага эга бўлиб, унинг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун бир қатор фанларнинг имкониятларига таянилади. Ана шу нуқати назардан педагогика фани билан куйидаги фанлар ўртасида яқин алоқадорлик мавжуд:



✚ **Фалсафа** – шахс ривожланиши жараёнининг диалектик хусусиятлари, муайян педагогик ғоя, қараш ҳамда таълимотларнинг фалсафий жиҳатлари каби масалаларни таҳлил этишга имкон беради.

✚ **Иқтисод** – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, ўқув биноларини куриш, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника ва замонавий технологиялар билан жиҳозлаш каби масалаларнинг иқтисодий жиҳатларини англашга хизмат қилади.

✚ **Социология** – ижтимоий муносабатлар мазмуни, уларни ташкил этиш шартлари хусусида маълумотларга эга бўлиш асосида таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш учун имконият яратади.

✚ **Этика**- шахс маънавиятини шакллантириш, унда энг олий инсоний сифатлар, ахлоқий онг ва маънавий-ахлоқий маданиятни тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи назарий ғояларни педагогик жараёнга татбиқ этишда алоҳида ўрин туттади.

✚ **Эстетика** – шахс томонидан гўзалликнинг ҳис этилиши, унга интилиши, шунингдек, унда эстетик дидни тарбиялашда муҳим йўналишларни аниқлашга хизмат қилади.

✚ **Физиология**- ўқув-тарбия жараёнида болаларнинг физиологик, анатомик хусусиятларини инобатга олиниши учун бошланғич асосларни беради.

✚ **Гигиена** – ўқувчиларнинг саломатлигини муҳофазалаш, уларнинг жинсий жихатдан тўғри шакллантиришда назарий ва амалий ғоялари билан ёрдам беради.

✚ **Психология** – шахсда маънавий-ахлоқий, рухий-интеллектуал, ҳиссий-иродавий сифатларни таркиб топтириш учун замин яратади.

✚ **Тарих** – педагогика фани тараққиёти, таълим-тарбия жараёнларининг динамик, диалектик хусусиятларини инобатга олиш, шунингдек, халқ педагогикаси ғояларини келгуси авлодга узатиш учун йўналтирилади.

✚ **Маданиятшунослик** – ўқувчиларда инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият асослари ҳақидаги тасаввурни шакллантириш, уларда маданий хулқ-атвор хислатларини таркиб топтириш учун хизмат қилади.

✚ **Тиббий фанлар** – шахснинг физиологик-анатомик жихатидан тўғри ривожланишини таъминлаш, унинг организмида намоён бўлаётган айрим нуқсонларни бартараф этишга амалий ёндашув, шунингдек, нуқсонли болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш муаммоларини ўрганишда кўмаклашади.

**Педагогика фанлари тизими.** Шахс камолотини таъминлаш, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний жихатдан ривожланишига эришишда турли ёш давлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос жихатлари, шунингдек, боланинг физиологик, психологик ҳолатини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис яхлит педагогик жараён муайян туркумни ташкил этувчи педагогик фанлар томонидан ўрганилади. Улар қуйидагилардир:

❖ **Умумий педагогика** – мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш масалаларини ўрганади.

❖ **Мактабгача таълим педагогикаси** – мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жихатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

❖ **Бошланғич таълим педагогикаси** – бошланғич синфлар ўқувчиларини тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг ўзига хос психологик ҳамда физиологик хусусиятларини тадқиқ этиш, шунингдек, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жихатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

❖ **Коррекцион (махсус) педагогика** – ривожланишида турли психологик ва физиологик нуқсонлари бўлган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганади.

Ўз навбатида коррекцион педагогика таркибига махсус педагогика ва психологиянинг турли соҳалари киради. Улар қуйидагилардир:

Сурдопедагогика ва сурдопсихология – эшитиш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

Олигофренопедагогика ва олигофренопсихология – ақли заиф болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

Тифлопедагогика ва тифлопсихология – кўриш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

Логопедия ва нутқий бузилишлар психологияси – нутқи, шунингдек, моторли-ҳаракатланиш доирасида мураккаб нуқсонлар бўлган болалар (кўр, соқов ва қар болалар)ни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

**Методика** – хусусий фанларни ўқитиш хусусиятларини ўрганади.

**Педагогика тарихи** – таълим ва тарбиянинг юзага келиши, тараққий этиши, муайян тарихий даврларда етакчи ўрин эгаллаган педагогик фикрлар тараққиёти масалаларини ўрганади.

**Педагогик технология** – таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.

**Педагогик маҳорат** – бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади.

**Таълимни бошқариш** – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда истиқболларини белгилаш масалаларини ўрганади.

**Ижтимоий педагогика** – ижтимоий муносабатлар жараёнида педагогик ғояларнинг тутган ўрни ва роли, шахсни касбий ва ижтимоий фаолиятга йўналтириш муаммоларини ўрганади.

### **Мавзу бўйича назорат саволлари:**

1. Педагогика атамасининг маъноси нима?
2. Дидактика атамасининг маъноси нима?
3. Педагогика фаниниг ривожига хисса қўшган Шарқ олимлари кимлар?
4. Педагогика фаниниг ривожига хисса қўшган Ғарб олимлари кимлар?
5. Педагогика фанининг вазифалари?
6. Педагогика фанининг асосий категориялари қайсилар?
7. “Педагогика” фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги айтиб беринг.
8. Педагогикада фанлар тизимини санаб беринг.

## **Мавзу бўйича тест саволлари:**

### **1. Педагогика атамасининг маъноси нима?**

А) инглиз тилидан олинган “ота” деган маънони англатади;

Б) француз тилида “энага” маъносини билдиради;

В)\* лотин тилида “бола етакловчи” маъносини англатади;

Г) лотин тилида “устоз” маъносини билдиради.

### **2. Педагогика фанининг методологик асоси- бу...**

А) билиб, кўникма ва малака;

Б) янги педогогик технологиялар, АКТ, интерфаол методлар;

В)\* ажодларимизнинг педагогикага оид асарлари, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий” Дастур.

Г) дарс, машғулот, семинар, конференция, форум.

### **3. “Муаллими соний” таҳаллусини олган буюк Шарқ қомусий олим ким?**

А) Юсуф Хос Хожиб;

Б)\* Абу Наср Фаробий;

В) Алишер Навоий;

Г) Абдулла Авлоний.

### **4. Қуйидаги жавоблардан билимга берилган тўғри таъриф берилган жавобни топинг.**

А) шахсинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

Б) муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

В) шахсинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

Г)\* шахсинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

### **5. Қуйидаги жавоблардан тарбияга берилган тўғри таъриф берилган жавобни топинг.**

А) шахсинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

Б) муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

В) шахсинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

Г)\* муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

### **6) Шарқда таълим-тарбиянинг илк тизими қайси асарда берилган?**

А) “Фозил одамлар шахри”;

Б) “Қобуснома”;

В)\* “Авесто”;

Г) “Маҳбуб-ул-қулуб”.

**7) Шахс бу .....**

А. \* психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамият аъзоси.

В. муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

С. муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстиришга ёрдамлашувчи.

Д. муайян фаолиятни ташкил эта олувчи.

**8) “Тарбия” атамасига берилган тўғри таърифни топинг.**

А. \*муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

В. ўқувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

С. шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Д. муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

**9) Таълим бу.....**

А. \*ўқувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

В. муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни

С. шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Д. муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

**10) “Билим” атамасига келтирилган жавоблардан мос таърифни топинг.**

А. \*шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўришида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

В. шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

С. муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

Д. ўқувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

## **2-мавзу. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мавзуси, услубияти ва баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни**

### **Режа:**

1. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мавзуси ва баҳси.
2. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади ва вазифаси.
3. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг илмий тадқиқот методлари.
4. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги ўрни.

### **1. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мавзуси ва баҳси.**

Инсон тарбияси инсоннинг ўзи каби қадимий ва кенг қамровлидир. Шу сабабли, инсонни ҳар томонлама тарбиялаш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз маърифат ва маданиятни ёш авлодга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун - қоидаларини излаганлар. Дарҳақиқат, инсоннинг маърифатлилиги ва маънавий комиллигига эришиш ишлари педагогика фани етакчилигида амалга оширилади. Демак, педагогика фани кишига ҳар томонлама тарбия бериш, ҳар бир шахсни ҳамма ёш даврларида уйғун ривожлантириш қонуниятлари тўғрисидаги фандир. Шу боис, педагогика фани инсонни ҳар томонлама тарбиялаш ҳақидаги фан бўлиб, тарбия соҳасидаги жамият талабларини амалга ошириш йўлида хизмат қилади. Мактабгача педагогика эса болага туғилганидан то етти ёшигача ҳар томонлама тарбия бериш қонуниятларини ўрганади ва боғча шароитида таълим- тарбия ишини ташкил этишнинг мазмуни, методи ва шакллари ишлаб чиқади.

Инсон тарбиясига оид қонунлар дастлаб халқ оғзаки ижодида: эртак, қисса, панднома, мақол ва матал кабиларда, кейинроқ ёзма ёдгорликларда, ҳадисларда асослаб берилган. Таълим-тарбия ишларининг такомиллашиб



боришида Шарқ ва Ғарбнинг қомусий олим ва педагогларининг ўрни каттадир. Марказий Осиёлик машҳур алломалар: Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Фурқат, Абдулла Авлоний каби жаҳон тан олган мутафаккирлар ўзларининг қатор асарларида таълим-тарбияга катта эътибор билан қараганлар. Файласуф олим Форобий ўзининг «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» асарида тарбия орқали инсонга бериладиган 12 фазилатни шарҳлаб беради. Абдулла Авлоний эса тарбия ҳақида ғоят ибратли фикрларни билдиради. «Педагогика — Абдулла Авлонийнинг ёзишича, — бола тарбиясининг фани, демакдир». «Дарс ила тарбия иккиси жон ила тан кабидир», «Дарс олувчи—билувчи, тарбия олувчи—амал қилувчидир». Бу ерда педагогика фанига қисқа ва лўнда таъриф бериб, таълим билан тарбияни эса жон билан танга ўхшатиб, уларни бир-биридан ажратиб тушуниш мумкин эмаслигини ёрқин ифодалаб берган. Авлонийнинг таъкидлашича, тарбияни ёшлиқдан бериш ниҳоятда зарур. Болага аввало, кичик ёшдан бошлаб, ота-она тарбия беради, кейин тарбия билан бутун жамо- атчилик шуғулланади, чунки бунда инсон тақдирини ҳал этилади дейди. Демак, педагогиканинг бош масаласи тарбия саналади. Тарбия жараёнида эса боланинг онги, ҳис- туйғулари шаклланади. Энг муҳими ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий муносабатларга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади.

Мактабгача таълим педагогикаси болаларнинг, ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Мактабгача тарбия муассасалари ҳам болаларни ҳар томонлама тарбиялайди. Бола ҳаётидаги илк ёш энг муҳим давр бўлиб, худди мана шу даврда боланинг жисмоний, ахлоқий, меҳнат, эстетик ривожланишига пойдевор бўлади.

## **2. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади ва вазифаси.**

“Мактабгача таълим педагогикаси” фани “Педагогика” фанининг бир қисми бўлиб, ўзининг назарий, илмий ва амалий асосларига эга. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг назарий асослари: ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилган, таълим-тарбия борасида яратилган тажрибаларга, назарий ва методик манбаларга, Ўрта Осиё ва жаҳон тан олган буюк мутафаккир олимларнинг асарлари ва таълим-тарбиянинг умумий қонуниятларига асосланади. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг миллий асослари- таълим-тарбия муаммоларини,

муайян миллатнинг миллий қадриятларини умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлаган ҳолда ҳал этиш, ҳар бир миллатнинг маънавий мероси ва миллий қадриятларига таянган ҳолда миллий тарбия масалаларини ёш авлод онгига етказиш мазмуни, усул, метод ва тамойилларини миллийлантиришдан иборат. Ўсиб келаётган ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама камол топтириш, унинг онги, дунёқараши, эътиқодини ўстириш, хулқ-атворини таркиб топтириш мактабгача педагогика фанининг долзарб муаммоларидан саналади. Ҳозирги даврда ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари маънавий бойлик, ахлоқий поклик, жисмоний мукамалликни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий фаолликни тарбиялашни тақозо этади. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади тарбиячи мураббийларнинг ўз олдига аниқ мақсад қўйиши, ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган етук шахс қилиб тарбиялаш учун ўз устида ишлаши, интилиши, изланиши, аёлларни замон талаблари асосида тарбиялаш учун тарбиянинг янги усул ва воситаларидан кенг фойдалана олиш каби тарбиячилик маҳоратини шакллантиришга қаратилади. Ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, таълим ва тарбия самарадорлигини замон талаблари асосида таъминлаш, уни дунё талаблари даражасига олиб чиқишга эришиш, ёш авлодга таълим-тарбия беришда миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниш орқали таълим-тарбиянинг моҳияти, мазмунини шакллантириш ва такомиллаштириш, мактабгача таълим педагогикаси фанининг қоида ва қонунларини халқимизнинг бой тажрибалари асосида бойитиб бориш ва унинг янги қирраларини излаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидир. Шунингдек, мустақиллик шароитида узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш мактабгача таълим педагогикаси фани олди га қатор вазифаларни қўймоқда. Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифалари эса шахсни тарбиялаш мақсадлари асосида уларнинг ёшига ва хусусиятларига қараб белгиланади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия мажмуасидан иборатдир. Бу соҳада Шарқ ва Ғарб халқлари яратган оғзаки ижодиёт, буюк мутафаккир, педагог ва олимларнинг таълим-тарбияга доир илғор фикрларини ўрганиб, таҳлил қилиб, баркамол инсонни тарбиялаш жараёнини ўрганиш биз учун жуда қимматлидир:

➤ таълим-тарбия тўғрисидаги қонун-қоида тамойил, метод ва усулларни болалар боғчалари амалий ҳаёти билан боғлаб, бўлажак тарбиячи — ўқитувчиларга ўргатиш ҳамда халқ таълимини бошқариш ва раҳбарлик масалаларини чуқур ўрганиб, бўлажак тарбиячиларни қандай тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш;

➤ мактабгача тарбия муассасаларида оила билан узвий ҳамкорликда болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ишини амалга ошириш. Бундай вазифаларда тадқиқ этиш;

➤ биринчидан, болалар соғлиғини сақлайди ва мустаҳкамлайди, жисмоний ривожланишини таъминлайди;

➤ иккинчидан, илмга қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантиради;

➤ учинчидан, Ватанга, табиатга, жонажон ўлкага муҳаббат, катталарга ҳурматни, ўртоқлик ва жамоатчилик, хайрихоҳлик, хулқ маданияти, мустақиллик, уюшқоқлик ва интизом, меҳнатсеварлик каби ижобий фазилатларни тарбиялайди;

➤ тўртинчидан, эстетик тарбияни амалга оширади.

Кейинги йилларда жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия бўйича олиб борилган илмий- педагогик тадқиқотлар мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифаларини уларнинг психик-физиологик имкониятларини эътиборга олган ҳолда белгилаш зарурлигини кўрсатиб берди. Улар болалар боғчасининг “Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастурида ўз аксини топган.

### **3. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг илмий тадқиқот методлари.**

Илмий тадқиқот ишлари таълим-тарбия самарадорлигини ошириш билан боғлиқ вазифаларни халқ таълимининг ҳамма бўғинларидаги ўқув-тарбиявий ишларни келгусида янада яхшилаш йўлларини топиш учун амалга оширилади. Илмий тадқиқот методлари (метод — лотинча йўл деган маънони англатади) орқали амалга оширилади. Илмий тадқиқот ишида олимлар педагогика, мактабгача таълим педагогикаси ва психология фанининг вакиллари, мактаб ўқитувчилари, болалар боғчалари тарбиячилари ва шунингдек, тарбия бериш амалиёти билан бевосита боғлиқ бўлган кишилар қатнашадилар.

Педагогик воқеа-ҳодисаларнинг қонуниятларини очиш ҳар хил йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Тадқиқотнинг эмпирик даражасида ҳар хил фактик материаллар йиғилади, улар тўлиқ ёритиб борилади, шунингдек воқеалар ўртасидаги объектив боғлиқликлар аниқланади, тадқиқ этилаётган воқеа қар томонлама пухта ўрганилади. Тадқиқотнинг назарий даражаси ўрганилаётган воқеанинг моҳиятини аниқлашга йўналтирилган махсус тизимлаштириш ва таҳлил усулидир. Илмий тадқиқот ишини олиб боришда қўлланиладиган мактабгача таълим педагогикаси фанининг ривожланишини таъминлайдиган илмий тадқиқот методларига қуйидагилар киради.

**Адабиётларни ўрганиш методи.** Адабиётларни ўрганиш жараёнида

миллий ва умуминсоний кадриятларни акс эттирувчи буюк мутафаккир педагогик олимларнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари таълим - тарбия борасида қабул қилинган қарорлар тадқиқот мавзусига оид дарслик, рисола ва мақолалар, педагогик, психологик тадқиқотлар, диссертациялар ўрганилади.

**Кузатиш метода.** Кузатиш - адабиётларни ўрганишдан кейин бошланадиган жараён. Кузатишда тадқиқотчи маълум педагогик ҳодисани, мақсадни кўзлаб ташкил этади. Тадқиқотчи кузатишга олдиндан пухта тайёрланади, кузатишдан кўзда тутилган мақсадни аниқлайди, унинг дастури режалари тузилади, кузатиш манзили, муддати белгиланади. Кузатиш икки турга ажратилади: қисқа ва узоқ муддатли кузатиш. Қисқа кузатиш деганда — объектнинг кундалик фаолиятидаги ўзгаришлардан маълум хулосага келиш тушунилади. Узоқ муддатли кузатиш эса мақсад — режа ва дастур асосида олиб борилади ва маълум илмий, яқуний хулосага келиш тушунилади. Кузатиш яқунларини қайд қилишда кино, видео ёзуви, телевидение ва бошқа техникавий воситалардан фойдаланиш мумкин.

**Сухбат методи.** Сухбат аниқланиши керак бўлган масалаларни ойдинлаштириб олиш мақсадида, олдиндан тузилган режа асосида ўтказилади. Сухбат яқка тартибда ҳамда жамоа тарзида олиб борилади. Сухбат болалар ҳаётининг у ёки бу воқеа- ҳодисалари тўғрисидаги қизиқишлари, тасаввурлари, мулоҳаза ва муҳокамаларни аниқлаб олишга бевосита ёрдам беради. Сухбатдан метод сифатида фойдаланишда, албатта, унинг мақсади ва режасини аниқлаб олиш керак бўлади. Сухбат методи жараёнида интервью олиш ҳам муҳим саналади. Ўринли, мантиқан юксак жавоблар ёки ноаниқ жавоблар магнит тасмасига ёзиб олинади ва таҳлил этилади.

**Хужжатларни ва болаларнинг ишларини ўрганиш.** Болалар ишларини ўрганиш илмий тадқиқотнинг асосини ташкил этади. Тадқиқотчи педагогик хужжатларни ўрганиш орқали ўрганилаётган объект тўғрисидаги ҳар хил маълумотларни билиб олади. Бунга мактабгача тарбия муассасалари мудирлари, тарбиячиларнинг режалари ва ҳисоботлари, болалар боғчаси тарбияланувчиларнинг расмлари, лой ва пластилиндан ясалган буюмлар ва шу кабилар қиради. Масалан, болалар анча илгари чизган расмларини қараб чиқиш, таҳлил қилиш, болаларга берилган топшириқларнинг қай даражада мураккаблашиб борганини аниқлаш ҳамда улар билан кейинги олиб бориладиган ишларни белгилашга ёрдам беради.

**Педагогик эксперимент** таълим жараёнига педагогик янгиликларни киритишдир. Педагогик эксперимент ёрдамида илмий фаразларнинг ишончлилиги текширилади. **Табиий эксперимент ва лаборатория**

**эксперименти** педагогик экспериментнинг асосий турлари бўлиб, улар кўпгина ишларни ўз ичига олади. Табиий эксперимент шароитида янги иш режалари, дастурлари, дарсликлар адабиётлар ва одатдаги иш режаларини бузмай туриб текширилади. Педагогик эксперимент — бу ҳам кузатиш, лекин у педагогик жараённинг ўтиш шароитларини мунтазам ўзгартириш муносабати билан махсус ташкил этилади. Лаборатория иши ҳам илмий тадқиқотнинг анча қатъий шакли ҳисобланади. Қуйидагилар педагогик экспериментнинг босқичлари ҳисобланади: Экспериментни режалаштириш — эксперимент ўтказиш ва натижаларни шарҳлаш. Экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланган режага қатъий амал қилган ҳолда олиб борилиши керак.

Шарҳлаш босқичида маълумотлар йиғилади ва қайта ишланади.

**Тажриба ўрганиш ва умумлаштириш метода.** Педагогик тажриба тушунчаси кўп қирралидир. Педагогик тажрибанинг кенг маъноси таълим ва тарбия амалиётидир. Педагогик тажрибанинг асосий мақсади — мактабгача муассасаларда олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари қай даражада амалга оширилаётганини ўрганишдир. Педагогикадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таълим-тарбия жараёнини ўрганиш, амалий ходимларнинг ижодий нашрларини назарий асосда идрок этиш ва қайта ишлаб чиқиш, яъни илғор тажрибани умумлаштириш, ёйиш катга аҳамиятга эгадир.

#### **4. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги ўрни.**

Мактабгача таълим педагогикаси фанида бир-бири билан узвий боғланган қуйидаги тушунчалар мавжуд: тарбия, таълим, маълумот. Тарбия—кишилиқ жамиятининг барча босқичларида шаклланиб, ривожланиб, ўсиб, авлоддан-авлодга ворислик вазифасини бажариб келган бўлсада, аммо ҳар бир жамиятда тарбиянинг мазмуни мақсади, вазифалари, ўзига хослиги билан фарқланади. Тарбия ижтимоий ҳаёт учун зарур ҳодиса бўлиб, ёш авлодга илмий билимлар тизимини, малака ва кўникмаларини махсус метод ва воситалар орқали режали равишда сингдириб бериш ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама шаклланган етук инсон қилиб тарбиялашни мақсад қилиб кўяди. Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш муаммолари дастлаб халқ оғзаки ижоди, педагогикаси, ёзма ёдгорликларда, пандномаларда мутафаккир ҳамда маърифатпарварлар асарларининг бош мавзусини ташкил этган. Абдулла Авлоний тарбия ҳақида гапирар экан, ҳақли равишда шундай деган эди: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё садоқат - ё фалокат масаласидир”. Демак, тарбия ва одоб Ватанга чексиз муҳаббат, имон-эътиқод, меҳр-

мурувват, ростгўйлик, адолатгўйлик, самимийлик, меҳнат-севарлик ва билимдонлик каби ғоялар воситасида шаклланиб боради. Таълим – болаларга билимни тартибли баён қилиш жараёни бўлиб, муайян кўникма ва малакаларни сингдириш, уларнинг онги ва хулқига таъсир этиш, ақлини, онгини, идрокини, дунёқаришини, эътиқодини ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир. Таълим бериш жараёнида тарбия ва маълумотнинг мақсади амалга оширилади. Таълим икки томонлама жараён бўлиб ва ўқитишни ўз ичига олади. Ўқитиш -педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир. Ўқиш - ўқувчининг билим, малака кўникмаларини эгаллашдаги амалий фаолиятидир. У ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши таъминлайди. Маълумот - асосий педагогик тушунча бўлиб, у ижтимоий ҳаёт воқеаларни объектив акс эттиради. Бу жараён кишининг табиат, жамият ва киши тафаккури тўғрисидаги умумлаштирган ижтимоий зарур билим, малака, кўникмалар тизимининг эгаллаб олиниши натижасидир. Маълумот кишининг билишга бўлган талабини таъминлаб, ундаги қобилиятларни маълум даражага кўтаради ва амалий фаолиятга тайёрлайди.

## **5. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги ўрни.**

Мактабгача таълим турли ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш билан бирга, уларни соғлом, ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади. Мактабгача таълим бола 6-7 ёшга етгунча оилада ҳамда давлат ва давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасатаридида амалга оширилади. Мактабгача таълим бола шахсини мактабгача болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ соғлом, етук, мактабда ўқишга тайёр тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди.

### ***Мактабгача таълимнинг вазифалари:***

Болаларни халқнинг бой миллий маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида ақлий ва маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш.

❖ Болаларда миллий ғурур, ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш.

❖ Мактабгача ёшдаги болаларнинг билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилишини шакллантириш, уларни мунтазам равишдаги таълим жараёнига тайёрлаш.

❖ Болалар тафаккурини ривожлантириш ўзининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш.

❖ Болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлаш.

Мактабгача таълим муассасалари ҳудудларнинг демографик, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва тугатиш қонунга мувофиқ равишда амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасалари уларнинг йўна- лишларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

❖ болалар яслиси, болалар боғчаси, болалар ясли боғчаси, хонадон болалар боғчаси, (ҳам мустақил муассаса сифатида, ҳам филиал сифатида);

❖ боғча мактаб мажмуаси;

❖ -тарбияланувчиларни бир ёки бир неча устувор йўналишларда ривожлантирадиган (тил ўрганиш, бадий-эстетик, спорт ва бошқа йўналишлар бўйича) мактабгача таълим муассасаси.

Тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишидаги камчиликларини бартараф этишни устувор равишда амалга оширувчи махсус мактабгача таълим муассасаси. Санитария-гигиена, профилактика ва соғломлаштириш тadbирлари ва муолажалари устувор равишда амалга ошириладиган соғломлаштирувчи болалар боғчаси.

Аралаш турдаги мактабгача таълим муассаси (аралаш турдаги муассаса таркибига соғломлаштирувчи гуруҳлар турлича миқдорда бўлиши мумкин). Мактабгача таълимнинг турлари ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан танланади.

### **Назорат саволлари**

1. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг яратилиши?

2. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсад ва вазифаларини изоҳланг.

3. Мактабгача таълим педагогикасининг асосий тушунчалари ва уларнинг моҳияти нимада?

4. Илмий tadқиқот методлари ва уларнинг аҳамияти.

5. Мактабгача таълим педагогикасига доир адабиётлар рўйхатини тузинг

## **Мавзу буйича тест саволлари.**

### **1. Мактабгача таълим педагогикаси мақсади нима?**

- a) болаларнинг, ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш.
- b) болаларни эстетик тарбиялаш.
- c) болаларда ўйин фаолиятини шакллантириш.
- d) \*тарбиячи мураббийларнинг ўз олдига аниқ мақсад қўйиши, ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган етук шахс қилиб тарбиялаш учун ўз устида ишлаши, интилиши, изланиши, аёлларни замон талаблари асосида тарбиялаш учун тарбиянинг янги усул ва воситаларидан кенг фойдалана олиш каби тарбиячилик маҳоратини шакллантиришга қаратилади.

### **2) Мактабгача таълим педагогикаси фанининг миллий асослари...**

a) \*таълим-тарбия муаммоларини, муайян миллатнинг миллий қадриятларини умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлаган ҳолда ҳал этиш, ҳар бир миллатнинг маънавий мероси ва миллий қадриятларига таянган ҳолда миллий тарбия масалаларини ёш авлод онгига етказиш мазмуни, усул, метод ва тамойилларини миллийлан-тиришдан иборат.

b) Ўрта Осиё ва жаҳон тан олган буюк мутафаккир олимларнинг асарлари ва таълим-тарбиянинг умумий қонуниятларини сингдириш.

c) Ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, таълим ва тарбия самарадор-лигини замон талаблари асосида таъминлаш.

d) Шарқ ва Ғарб халқлари яратган оғзаки ижодиёт, буюк мутафак-кир, педагог ва олимларнинг таълим-тарбияга доир илғор фикрларини ўрганиш.

### **3) Метод атамасининг маъноси нима?**

- a) \*йўл, усул.
- b) ўйин.
- c) дарс.
- d) машғулот.

### **4) Педагогик эксперимент — бу...**

a) \*бу ҳам кузатиш, лекин у педагогик жараённинг ўтиш шароит-ларини мунтазам ўзгартириш муносабати билан махсус ташкил этилади.

b) эксперимент ўтказиш ва натижаларни шарҳлаш.

c) янги иш режалари, дастурлари, дарсликлар адабиётлар ва одатдаги иш режаларини бузмай туриб текшириш.

d) амалий ходимларнинг ижодий нашрларини назарий асосда идрок этиш ва қайта ишлаб чиқиш.



## **5) Тарбия-бу .....**

а) \*ижтимоий ҳаёт учун зарур ҳодиса бўлиб, ёш авлодга илмий билимлар тизимини, малака ва кўникмаларини махсус метод ва воситалар орқали режали равишда сингдириб бериш ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама шаклланган етук инсон қилиб тарбиялашни мақсад қилиб кўяди.

б) педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир.

с) боланинг билим, малака кўникмаларини эгаллашдаги амалий фаолиятидир.

д) кишининг билишга бўлган талабини таъминлаб, ундаги қобилиятларни маълум даражага кўтаради ва амалий фаолиятга тайёрлайди.

## **б) “Таълим” атамасига берилган жавоблардан мосини топинг.**

а) \*болаларга билимни тартибли баён қилиш жараёни бўлиб, муайян кўникма ва малакаларни сингдириш, уларнинг онги ва хулқига таъсир этиш, ақлини, онгини, идрокини, дунёқаришини, эътиқодини ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир

б) педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир.

с) боланинг билим, малака кўникмаларини эгаллашдаги амалий фаолиятидир.

д) болаларнинг ҳар томонлама ривожланишши таъминлайди.

## **7) Ўқитиш –бу .....**

а) \*педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир.

б) болаларга билимни тартибли баён қилиш жараёни бўлиб, муайян кўникма ва малакаларни сингдириш, уларнинг онги ва хулқига таъсир этиш, ақлини, онгини, идрокини, дунёқаришини, эътиқодини ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир

с) педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир.

д) боланинг билим, малака кўникмаларини эгаллашдаги амалий фаолиятидир.

## **8) “Ўқиш” атамасига тўғри таърифни аниқланг.**

а) \*кишичининг билим, малака кўникмаларини эгаллашдаги амалий фаолиятидир. У болаларнинг ҳар томонлама ривожланишши таъминлайди.

б) болаларга билимни тартибли баён қилиш жараёни бўлиб, муайян кўникма ва малакаларни сингдириш, уларнинг онги ва хулқига таъсир

этиш, ақлини, онгини, идрокини, дунёқаришини, эътиқодини ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир

с) педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир.

д) боланинг билим, малака кўникмаларини эгаллашдаги амалий фаолиятидир.

### **9) Маълумот – бу....**

а) \*бу жараён кишининг табиат, жамият ва киши тафаккури тўғрисидаги умумлаштирган ижтимоий зарур билим, малака, кўникмалар тизимининг эгаллаб олиниши натижасидир.

б) педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир.

с) боланинг билим, малака кўникмаларини эгаллашдаги амалий фаолиятидир.

д) болаларнинг ҳар томонлама ривожланишши таъминлайди.

### **10) Мактабгача таълимнинг вазифалари?**

а) \*болаларни халқнинг бой миллий маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида ақлий ва маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш.

б) педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир.

с) кишининг билишга бўлган талабини таъминлаб, ундаги қобилиятларни маълум даражага кўтаради ва амалий фаолиятга тайёрлайди.

д) Шарқ ва Ғарб халқлари яратган оғзаки ижодиёт, буюк мутафаккир, педагог ва олимларнинг таълим-тарбияга доир илғор фикрларини ўрганиш.

### 3-мавзу: Тарбиячи ва унга қўйилган ҳозирги замон талаблари

#### Режа:

1. Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган ўрни.
2. Тарбиячи ва унинг шахсига қўйиладиган талаблар.
3. Мактабгача таълим муассасалари ходимларини тайёрлаш тизими.

**Таянч тушунчалари:** *Тарбиячи, тарбиячининг жамиятда тутган ўрни, шарқ мутафаккирлари тарбиячи тўғрисидаги фикрлари, тарбиячи шахсига қўйиладиган талаблар, тарбиячи шахсини тайёрлаш тизими.*

#### 1. Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган ўрни.

Тарбиячи ёш авлодимизни халқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тайёрлашдек муҳим, фахрли ва иш билан бирга масъулятли вазифани бажаради. Тарбиячининг сиёсий етуклиги болаларни тарбиялаш сифати учун халқ ҳамда жамият олдидаги ўз масъулиятини англашга, таълим-тарбия вазифаларини ижодий ёндашишга, ўз маҳоратини доимо такомиллаштириб бориш ва ишдаги ўртоқларини ўсишига ёрдам беради. Демак, тарбиячи аввало, билимли бўлиши, ўзи яшаб турган улкан ҳаётини билиши, табиат ва жамиятнинг қонунятларини тушуниши, ижтимоий фаол бўлиши, умумий ва мактабгача тарбия педагогикасини, болалар руҳияти ва физиологиясини эгаллаши ва болаларнинг ёш хусусиятларини билиши керак. Шунингдек, педагогик тарбиячининг ходисаларни таҳлил қилишга илмий нуқтаи назардан ёндашуви болани ҳар томонлама ривожлантириш муваффақиятини амалга оширишга имкон беради. Мустақиллик муносабати билан республикамиз раҳбарияти ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг фаолиятини юқори баҳоламоқда. Ёш авлодни комил инсон қилиб, камолот сари етаклашдаги эришган ютуқлари учун ўқитувчи ва тарбиячилар, методист ўқитувчи, катта ўқитувчи, методист тарбиячи ва бошқа шунга ўхшаш унвонлар билан тақдирланадилар. Уларга республика миқёсидаги унвонлар берилади. Халқ таълими ходимлари орасидан республика, вилоят, туман кенгашларига депутатлар сайланиш, уларга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромни билдиради. Республикамизда амалга оширилаётган туб ислохотлар бугунги кунда боғчада, академик лицей ва касб-хунар коллеж ҳамда олий ўқув юртларида шаклланаётган авлод ижобий хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларини, илмий билим асосларини, касб-хунар малака ва кўникмаларини ҳар томонлама пухта эгаллаб боришини талаб қилади. Бунинг учун ўсиб келаётган ёш авлодни билимлар билан қуроллантириш миллий қадриятларимиз, маънавияти-

мизни тиклаш жаҳон маданияти, миллий маданиятимиз дурдоналари билан таништириш, уларни жисмоний соғлом маънавий етук қилиб тарбиялашдек вазифалар қўйилди. Давлат аҳамиятига молик бундай вазифани амалга оширишда умумтаълим мактаблари билан бир қаторда халқ таълимининг бошланғич бўлими бўлган болалар боғчалари муҳим роль ўйнайди.

## 2. Тарбиячи ва унинг шахсига қўйиладиган талаблар.

Таълим тизими ривожланиши мактабгача таълим тизимида ҳам улкан ислохотларни олиб кирилишига сабаб бўлмоқда. Бу ислохотларга эса мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини олдига бир қанча вазифа ва талаблар қўйилмоқда. Бу жараёнда энди ҳар бир тарбиячи ўзини устида ишлаши ва маҳоратини ошириб бориши давлатимиз мактабгача тарбия муассасалари олдига қўйган талабларни амалга оширишнинг гаровидир. Мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларига қўйиладиган талабларга қуйидагилар киради:

- Боланинг соғлиғини сақлаш ва мустақкамлаш.
- Ақлий қобилиятини ўстириш.
- Миллий қадратимиз ва маънавиятимизнинг ғоявий-ақлий тамойилларига мос келувчи эътиқод ва қарашларини таркиб топтириш.
- Она ватанга муҳаббатини, ижтимоий фаолликни шакллантириш.
- Ёш авлодда ўртоқлик, дўстлик ҳиссини ҳалоллик ва меҳнат-севарликни таркиб топтириш.

Демак, юқорида келтирилган сифатларни таркиб топтириш ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш вазифасининг ҳамма томонларини қамраб ололмайди. Лекин тарбиячи ишларга асосланиб, болаларни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш ишини маълум бир мақсад билан самаралироқ амалга ошириш мумкин. Мустақиллик муносабати билан ўқитувчи ва тарбиячиларнинг маънавий ўсишларига ва моддий аҳамият берилмоқда. Масалан, Республикамизда 1992 йил 1 октябрни ўқитувчи мураббийлар куни деб номланиши ҳамда халқ маорифи ходимларнинг маошлари оширилиб турмушлари яхшиланиб бормоқда.

Биринчи президентимиз И. А. Каримов ўзининг *“Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати”* номли рисоласида шундай ёзади: “Тарбиячи — устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак”.

Демак, бола шахсини шакллантиришда тарбиячи алоҳида аҳамият

касб этади. Айниқса, ҳар бир боланинг шахс сифатида шаклланишида жавобгар эканлигини тақозо этади. Шунга кўра тарбиячи болаларга кундалик ҳаётда, ўйинларда, машғулотларда, биргаликдаги меҳнат фаолиятида, улар билан бўладиган муомалада, мулоқотда ибрат, намуна бўлиши болани ҳар томонлама диққат билан ўрганиши, унинг шахсий хусусиятларини, қобилиятларини билиши, педогогик назокатини намоён қилиши, болаларнинг хулқ-атвори иш натижаларини ҳаққоний баҳолаши ва уларга ўз вақтида ёрдам кўрсата олиши ҳамда оилавий аҳволи билан қизиқиши зарур ҳисобланади. Демак, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дас-тури” ғояларни амалиётга татбиқ этиш республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлаш таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган тарбиячи мураббийларнинг маънавий қиёфаси, имиджи ҳамда касбий маҳоратларига ва компетенциясига ҳам боғлиқдир.

### **3. Мактабгача таълим муассасалари ходимларини тайёрлаш тизими.**

Болани тарбиялаш ниҳоятда қийин ва мураккаб жараён бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилгандир. Хусусан, қадимги Греция ва Рим тарихидан яхши биламизки, милоддан аввалги даврларда ҳам ёш авлод тарбияси ўзининг маънавий қиёфаси ва ақлий қобилияти билан жамият аъзолари ўртасида юксак ҳурмат эҳтиромга сазовор бўлган кишилар, яъни донишмандлар зиммасига ишониб топширилгандир. Ушбу ҳолат ёш авлод тарбияси унинг ташкил этилиши мазмунини фақат шахс камолотини эмас, балки жамият тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади. Ўзбекистон Республикасида ҳам тарбиячи-мураббий кадрларни маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда. Бу борада Биринчи Президент И.А. Каримовнинг “Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз... Ўқитувчи-тарбиячи болаларимизга замонавий билим бериши учун аввало, мураббийнинг ана шундай билимга эга бўлиши керак” деб айтган фикрларини эслаш жоиз. Юқоридаги қайд этилган фикрлардан бугунги кун тарбиячиси шахсига нисбатан қўйилаётган талабларнинг нақадар муҳимлигини англаш лозим.

Демак, тарбиячи-маҳсуус педагогик, психологик ва мутахассислиги бўйича етук билимли ва юксак фазилатли шахс саналади. Шунинг учун замонавий тарбиячи мураббий қиёфасида қуйидаги фазилатларни намоён эта олиши керак. Замонавий мураббий ўзини мутахассислиги бўйича

чуқур пухта билимга эга бўлиш, ўз устида тинимсиз ишлаши керак. Тарбиячи мактабгача тарбия педагогикаси ва психология-физиология фанларининг асосларини билиш, таълим-тарбия жараёнида болаларнинг ёши ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этиши керак. Тарбиячи таълим-тарбия жараёнида самарали шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак. Тарбиячи юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи коммуникативлик лаёқатига эга бўлиш, педагогик техника, нутқ, юз, қўл, оёқ ва гавда қаракатлари, мимика, жест, пантомимика) қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олиш лозим. Тарбиячи болаларни кузата оладиган, уларни хулқи, хатти-ҳаракати сабабларини тўғри таҳлил қилиб, унга таъсир этувчи воситаларни қўллай оладиган бўлиши керак. Ёш авлодни керакли билим, малака, кўникмалардан хабардор қилиш учун тарбиячи нутқ маданиятига эга бўлиши ва унинг нутқи қуйидаги хусусиятларда акс эттира олиши керак.

- ✚ Нутқнинг аниқлиги.

- ✚ Нутқнинг иродавийлиги.

- ✚ Нутқнинг софлиги (унинг турли шева сўзларидан холи бўлиб, фақат адабий тилда ифода этиш, жаргон, (муайян касб ёки соҳа мутахассисларга хос сўзлар) варваризм (муайян миллат тилида баён этиладиган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларнинг ўринсиз қўлланилиши) вульгаризм (ҳаракат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўринли бўлмаган вазиятларда расмий нутқда сўзлаш) сўзларидан холи бўлиши ва педагогнинг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак.

- ✚ Нутқнинг равонлиги.

- ✚ Нутқнинг бойлиги (сўзлаш жараёнида мақсадга мувофиқ тарзда ҳикматли сўзлар, мақоллар, кўчирма гаплардан фойдалана олиш).

Тарбиячи ўзига юкланган вазифани бажариш учун болаларда ўша фаолиятига нисбатан қизиқиш уйғота олиши, уларнинг диққатини жалб қилиб фаоллигини ўстириш болаларни хулқини хатти-ҳаракатини реал баҳолай олиши керак. Ҳар бир фаолият учун керакли материални олдиндан тайёрлаб қўйиши янги билимни эгаллаган билимлари билан боғлай олиши ҳамда болалар эгаллаб олиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар уларнинг ёш имкониятларига мос бўлиши ва уларни аста-секин мураккаблаштириб бориши керак. Тарбиячи кун тартибини тўғри ташкил эта билиши, болалар жамоасига ундаги ҳар бир аъзони эътиборга олган ҳолда раҳбарлик қила билиши уларнинг фаолияти (ўқув, ўйин, меҳнат) мазмунли бўлиши учун керакли материаллар билан таъминлаши зарур. Болаларни руҳий ва жисмоний ҳолатини аниқлай билиши ва уни

болалар билан амалга оширадиган таълим-тарбиявий ишларида эътиборга олиши лозим. Тарбиячи кун давомида олиб борадиган таълим- тарбия ишини таҳлил қила билиши ва уни ривожлантириш йўллари топа олиши керак. Тарбиячи ота-оналар билан мунтазам равишда суҳбатлар уюштириши, учрашувлар ўтказиши, уларни болаларга таълим-тарбия бериш бўйича амалга ошириладиган ишининг мазмуни, методлари билан таништириб бориш, оила тарбиясидаги ижобий намуналардан ўзининг таълим-тарбиявий ишларида фойдаланиши мумкин. Тарбиячи болаларга нисбатан хайрихоҳ муносабатда бўлиш, ҳар бир бола учун қулай руҳий шароит яратиш, хафа бўлса овунтира олиш, хурсандчилик ва хафагарчилигига шерик бўла олиш, айниқса, кичик гуруҳ болаларига нисбатан мулойим эътиборли, қатъий, сабр тоқатли юмшоқ озгина ҳазилкаш, боланинг куч имкониятларига ишонч билан қарайдиган бўлиши керак. Агар тарбиячи болага меҳрибон бўлса, болалар билан унинг ўртасида меҳр-оқибат, ғамхўрлик муносабатлари юзага келади. Болалар тарбиясининг шахсий сифатларини билими, малакаси болаларга муносабати талабчанлигини қуйидагича белгилайдилар, кичик гуруҳ болалари тарбиячининг уларга бўлган меҳр-муҳаббатига қараб (у мени қўзичоғим “деб чақиради, мани яхши кўрадилар”) 4-5 ёшли болалар тарбиячинини болалар ҳаётини яхши ташкил этилишига қараб «Наргиза опамиз бизга эртақлар ўқиб берадилар» биз билан бирга ўйнайдилар шунинг учун мен уларни яхши кўраман. Катта гуруҳ болалари тарбиячинини ҳамма болаларга адолатлилик билан яхши муносабатда бўлиш, яхши ишларни ўргатишга, хулқига, ахлоқига қараб баҳо берадилар (у кўп нарсаларни ўргатади, машғулотларни яхши ўтади). Энг муҳими тарбиячи болаларга ишонч билан қараши, уларнинг меҳнатсеварлиги, мустақиллиги, ташаббускорлиги тўғри тақдирлаши ва мустақил фаолият кўрсатишлари учун имконият яратиш керак. Буни болалар юқори баҳолайди.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган ўрнини қандай тушунаси?
2. Тарбиячи - мураббий тўғрисида мутаффакирларимизнинг қарашларини ёритиб беринг.
3. Тарбиячи шахсига қандай талаблар қўйилган?
4. Мактабгача таълим муассасалари ходимларини касбий малакасини тушунтириб беринг.

## Мавзу буйича тест саволлари:

### 1. Нутқ хусусиятлари булар....

- a) \*Нутқнинг аниқлиги, иродавийлиги, софлиги, равонлиги, бойлиги.
- b) турли шева сўзларидан фойдаланиш.
- c) Маълумотларни аниқ етказиш
- d) Мавзунини илмий жиҳатларига аҳамият бериш.

### 2. Педагогик маҳорат – бу ...

- a) \* Таълим ва тарбиявий фаолиятда юқори даражага эришишни ва уни доимий такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи фаолият бўлиб, ҳар бир педагог фазилатида намоён бўлади
- b) Муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир
- c) тарбиячи томонидан педагогик жараённи такомиллаштириш, оптималлаштиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш омилидир
- d) Дидактик ҳамда тарбиявий жараённинг педагог томонидан самарали, маҳоратли тарзда ташкил этишдир.

### 3. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун тарбиячига зарур бўлган қобилият тизимини аниқланг?

- a) Ўқувчини тушуна олиш, уни уришмаслик, хатоларини тузатиш
- b) \* Билим, тушунтира олиш, кузатувчанлик, нутқ малакаси, ташкилотчилик, обрў орттира олиш, мулоқот қилиш, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлай олиш.
- c) Мурувватли бўлиш, инсоф билан ёндашиш, меҳрибон бўлиш, кам гапириш
- d) Қоматни тик тутиш, тактикани тўғри танлаш, равон нутққа эга бўлиш

### 4. “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур”. Тарбия ҳақидаги ушбу фикрлар муаллифи ким?

- a) Абу Наср Фаробий
- b) Алишер Навоий
- c) Умар Хайём
- d) \*Абдулла Авлоний.

### 5. Маълум мақсадга йўналтирилган инсон шахсини ривожланишини таъминловчи, махсус ташкил этилган тизим бўлиб, ўқитиш ва унинг натижасидир. Ушбу таъриф қайси тушунчага тегишли?

- a) \*Маълумот



- b) Таълим
- c) Тарбия
- d) Ривожланиш.

**6. Изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш негизида педагогга хос қандай компетентлик акс этади?**

- a) \*шахсий компетентлик;
- b) махсус компетентлик;
- c) ижтимоий компетентлик;
- d) экстремал касбий компетентлик.

**7. Педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши – бу ...**

- a) ўз-ўзини ривожлантириш;
- b) ўз-ўзини баҳолаш;
- c) \*ўзини ўз таҳлил қилиш;
- d) ўзини ўзи англаш.

**8. Бирор бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш қандай номланади?**

- a) билим;
- b) \*маҳорат;
- c) кўникма;
- d) малака.

**9. Педагогнинг педагогик жараёни ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ва бошқариш қобилияти, кўникма-малакасига эгаллиги ... деб номланади?**

- a) педагогик тажриба;
- b) педагогик ёндашув;
- c) \*педагогик маҳорат;
- d) педагогик имконият;;

**10. Нутқни тболаларга етказишда қўлланиладиган воситалар мажмуи қандай номланади?**

- a) нутқ диалектикаси;
- b) \*нутқ техникаси;
- c) нутқ структураси;
- d) нутқ фактураси.

## 4-мавзу: Мактабгача ёшидаги болаларнинг ривожланиши ва тарбияси

### Режа:

1. Мактабгача ёшдаги бола шахсининг ривожланиши.
2. Мактабгача ёшдаги бола шахси ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
3. Ривожланишнинг ёш ва узига хос хусусиятлари.

**Таянч тушунчалар:** бола, мактабгача ёшидаги бола, ривожланиши, мактабгача ёшидаги боланинг ривожланиши, омиллар, мактабгача ёшидаги боланинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар, ёш, хусусиятлари.

**“Шахс”** тушунчаси инсонга тааллуқли бўлиб, психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти- ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамиятнинг аъзосини ифодалашга хизмат қилади. Индивид шахс бўлиши учун психик жиҳатдан ривожланиши, ўзини яхлит инсон сифатида хис этиши, ўз хусусиятлари ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилмоғи керак. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида таърифланади.

### Мактабгача ёшдаги бола шахсининг ривожланиши

Малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати шахсни интеллектуал ва маънавий-ахлохий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён бўлишига эришишни назарда тутади. Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилиши ҳар бир фуқаронинг билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиши ҳамда муайян касб йўналиши бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Индивиднинг ижтимоий мавжудот сифатида шахсга айланиши учун ижтимоий муҳит шароитлари ва тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсирида индивид инсон сифатида ривожланиб боради ва шахсга айланади.

Ривожланиш шахсининг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараёндир. Моҳиятан ривожланиш оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, эски сифатлардан янги ҳолатларга ўтиш, янгиланиш, янгининг

пайдо бўлиши, эскининг йўқолиб бориши, микдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтишини ифодалайди. Ривожланишининг манбаи қарама-қаршиликларни ўртасидаги курашдан иборатдир.

Бола шахсининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир, деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вақтда инсон тирик, биологик мавжудот ҳамдир. Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг қонуниятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, шахс бир бутун мавжудот сифатида баҳоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий қонуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чунки шахснинг фаолияти, ҳаёт тарзига ёши, билими, турмуш тажрибаси билан бирга бошқа фожиали ҳолатлар, касалликлар ҳам таъсир этади. Инсон бутун умри давомида ўзгариб боради. У ҳам ижтимоий, ҳам психик жиҳатдан камолга етади, бунда болага берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ бўлса, у жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида узига муносиб ўрин эгаллайди. Чунки ривожланиш тарбия таъсири остида боради. Шахснинг фазилатларини тўғри кўриш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар жараёнида кузатиш лозим. Демак, шахсни ривожлантириши вазифасини тўғри хал этиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омиллар, шахс хусусиятларини яхши билиш зарур. Тарбия болага самарали таъсир этиши учун ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини билиш ҳамда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, ривожланиш ва тарбия ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд.

**Мактабгача ёшдаги бола шахси ривожланишига таъсир этувчи омиллар.** Фанда, индивиднинг шахс сифатида ривожланишига биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ўртасидаги муносабатни белгилашга оид мунозара кўпдан буён давом этмоқда: инсоннинг шахс сифатида, ривожланишида ижтимоий ходисаларнинг таъсири кучли бўладими, ёки табиий омиллар етакчи ўрин тутадими? Балки тарбиянинг таъсири юқоридир? Улар ўртасидаги ўзаро муносабат қандай? Фанда биологик йўналиш деб номланган нуқтаи назар етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, унинг вакиллари Аристотель, Платонлар табиий-биологик омилларни юқори қўяди. Улар туғма имкониятлар, тақдир, толе ҳар кимнинг ҳаётдаги ўрнини белгилаб берган, деган ғояни илтари суради. XVI аср фалсафасида вужудга келган преформизм оқими намоёндалари эса шахс ривожланишидаги наслнинг ролига катта баҳо бериб, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг ролини инкор этади. Хориж психологиясидаги яна бир оқим - бихевиоризм XX аср бошларида юзага келган бўлиб, унинг намоёндалари, онг ва ақлий қобилият наслдан-наслга ўтиб, инсонга у табиатан берилган, дейилади.

Мазкур таълимот вакили америкалик олим Э.Торндайкдир. Прагматизм оқими ва унинг вакиллари Д.Дьюи, А.Комбелар ҳам шахс ривожланишини биологик нуқтаи назардан асослайди. Улар ривожланишни фақат миқдорий ўзгаришдан иборат, деб қарайди. Наслнинг ролини абсолютлаштириб, уни инсон тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб билади. Демак, бир гуруҳ хорижий олимлар ривожланишни биологик (наслий) омилга боғлайди. Биологик оқимга қарши фалсафий оқим вакиллари ривожланиши ижтимоий омил билан белгилайди. Бу оқим вакиллари бола шахсининг жисмоний, психик ривожланиши у яшайдиган муҳитта боғлиқ деб кўрсатади. Муҳит деганда инсон яшайдиган шароитдаги барча ташки таъсир тушунилади. Шу нуқтаи назардан тарбия туфайли болани ўзи яшайдиган ижтимоий шароитга мослаштириш мумкин, деган хулоса келиб чиқади. Улар ижтимоий муҳитнинг ролини ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайди. Демак, одам боласининг шахс сифатида ривожланиб, тараккий этиб бориши, унинг шахс бўлиб камолга етишида наел (биологик омил), ижтимоий муҳит (бола яшайдиган шароит), шунингдек, мақсадга мувофиқ амалга ошадиган тарбия ҳам бирдек аҳамиятга эга. Бу омилларнинг таъсирини аниқлашда илғор педагогик олимлар, психолог ва файласуфлар таълимотига суянилади. Фалсафада шахсни жамият билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётдаги мураккаб воқелик деб қаралади. Улар индивиднинг маънавий бойлиги унинг муносабатларига боғлиқ, деб ҳисоблайди. Ҳақиқатдан ҳам, шахс меҳнат фаолияти таъсирида ривожланади, камолга етади. Инсон шароитни, шароит эса одамни яратади. Бу эса ўз навбатида инсон фаоллигини намоён этади. Зеро, шахс маълум ижтимоий ҳаёт маҳсулидир.

Жамият шахс камолотининг муайян имкониятларини руёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин. Шахснинг шаклланишига ижтимоий муҳит ҳам таъсир кўрсатади. Ижтимоий муҳитнинг шахснинг шаклланишига таъсири тарбия асосида кечади. Зеро, биринчидан, тарбия таъсирида муҳит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникма ва малакалар ҳосил бўлади. Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликлар ҳам бартараф этилиб, шахс камолга етади. Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш мумкин. Тўртинчидан, тарбия келажакка қаратилган мақсадни белгилайди. Демак, тарбия билан ривожланиш бир-бирига таъсир этади, бундай тарбия доимий ва узлуксиздир. Шундай қилиб, бола шахсининг ривожланишида тарбия ҳам етакч ўринга эга бўлиб, тарбия туфайли наслнасаби, оила муҳити, ижтимоий муҳит таъсирида ҳар томонлама ривожланишга қодир, деган хулосани чиқариш мумкин. Замонавий педагогикада шахс шаклланишига доир тўрт ёндашув қарор топган:

**1. Биологик ёндашув** - инсон табиий мавжудот бўлиб, унинг бутун хатти-харакатлари туғма инстинкт ва эҳтиёжлар натижасидир. Инсон жамият талабларига бўйсунушга мажбур, шу билан бирга табиий эҳтиёжларини ҳам намоён қилиб боради.

**2. Ижтимоий ёндашув** - инсон биологик мавжудот сифатида туғилади, фақат ҳаётий фаолияти давомида бошқалар билан доимий мулоқот ва ижтимоий гуруҳларнинг таъсири остида ижтимоийлашади

**3. Психологик ёндашув** - инсондаги психик жараёнлар (сезги, идрок, фикрлаш кабилар) табиий тавсифга эга, инсоннинг йўналганлиги - кизиқишлари, қобилиятлари ижтимоий ҳодиса саналади.

**4. Яхлит ёндашув** - шахс яхлит тавсифга эга бўлиб, унинг ривожига нафақат унинг фаолиятидаги ўзига хосликлар, балки турмуш тарзи ҳам таъсир кўрсатади. Шу билан бирга ижтимоий ҳаёт натижалари - мотив, мақсад, кизиқиш кабилар ҳам унинг ривожланишида муҳим роль уйнайди.

### **Ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари.**

Муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар ёш хусусиятлари деб аталади. Ана шу ёш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия иши ташкил этилади. Шунда бола ривожланишига тарбия таъсири кучли бўлади. Болаларнинг тарбиясига тўғри ёндашиш, уни муваффақиятли ўқитиш учун бола ривожланишидаги турли ёшдаги даврларига хос хусусиятларни билиш ва уни ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки бола организмнинг ўсиши ҳам, ривожланиши ҳам, психик тараққий этиши ҳам турли ёш даврларида хилма-хил бўлади. Абу Али ибн Сино, Ян Амос Коменский, К. Д. Ушинский, Абдулла Авлониёлар ҳам болани тарбиялаш зарурлигини уқтириб ўтган. Боланинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш жуда мураккаб. Чунки бир хил ёшдаги болалар ҳам психик жиҳатдан турлича бўлиши мумкин.

М: кўриш ва эшитиш қобилияти, фаоллиги, тез англаш, суст фикр юритиши, ховликма ёки вазминлиги, сергап ёки камгаплиги, серғайрат ёки ғайратсизлиги, ялқов ёки тиришқоқлиги, пала-партиш ва чала ишлайдиган, йиғинчоқлиги ёки ишга тез киришиб кетиши кабилар нерв фаолияти тизимининг таъсири бўлиб, тарбиячи уларни билиши зарур.

Боланинг индивидуал, ўзига хос хусусиятини билиш учун темпераментнинг умумий типлари ва боланинг ўзига хос хусусиятини ўрганиш методикасини билиш муҳим. Темперамент (лот. “temperamentum” – қисмларнинг бир-бирига муносабати) шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуидир.

Мактабгача ёшдаги боланинг жисмоний ва психик камолоти шартли равишда куйидаги даврларга бўлинади:

- гўдаклик (1 ёшгача);
- болалик ёши (1-2 ёш);
- илк ёш гуруҳи (2-3 ёш);
- кичик ёш (3-4 ёш);
- ўрта ёш (4-5 ёш) ;
- катта ёш (5-6 ёш);
- мактабга тайёрлов даври (6-7 ёш)

Гўдаклик даври болалариинг ривожланишидаги узига хосликлар. Инсоннинг ривожланиш даври она қорнидан бошланади. Бола она қорнида тўққиз ой мобайнида жуда тез ривожланиш жараёнини ва мураккаб тараққиёт даврини ўтайди. Бу даврда ҳам бола маълум даражада ташқи муҳит таъсирида бўлади. Шунинг учун ҳам бу таъсирнинг ижобий бўлишини таъминлаш лозим. Бир ёшгача бўлган даврда боланинг ривожланиши асосан оила муҳити таъсирида бўлиб, у она сути билан озикданиши лозим. Бола бу даврда нутққа эга бўлмаса ҳам нутқни тушуниш, англаш, ҳаракатларни идрок этиш, оила аъзоларини таниш қобилиятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам гўдаклик давридан бошлаб уч ёшгача бўлган даврда боланинг нутқи ва тафаккури жадал ривожланади. Бола бир ёшгача бўлган даврда дастлабки сўзларни айта бошлайди. Бу даврда катталар, асосан, оила аъзолари гўдакни тўғри парвариш қилишни йўлга қўйишлари лозим.

Оилада болани тарбиялашда ота-она билан бола ўртасида қалбан яқинликка эришиш лозим. Ота-оналар ҳеч қачон тарбия-ни ўз холига ташлаб қўймаслиги, яъни боланинг илк ёшлигидан бу жараёнга киришиш талаб этилади. Чунки, бола оилада биринчи ҳаётий тажрибани ўрганади, кузатади ва ўзини турли хил вазиятларда қандай тутиш кераклигини ўрганади. Бола нимага ўргатилса, уни аниқ, ҳаётий мисоллар билан мустаҳкамлаш зарур, яъни бола катталар айтган гапларига амал қилишлари, шахсан тарбиянинг самарадорлигини таъминлайди.

Илк ёш гуруҳ (2-3 ёшли (болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари). Бу давр ўзига хос хусусиятларга эга. Бир ёшдан икки ёшгача бўлган давр мобайнида боланинг нутқи ва ўзгалар томонидан айтилган сўзларни тушуниш қобилиятлари жадал ривожланган бўлса, 2-3 ёшга келиб, ўзгалар нутқига тақлид қилиш жараёни бошланади, бола мусиқа, бадий сўз таъсирига тез берилади. Шунинг учун ҳам унта худди шу даврдан бошлаб шеърлар айтиш ҳамда рақсга тушишни ўргатиш лозим. Уларда катталарга жўр бўлиб кўшиқ айтиш, мусиқага мувофиқ ҳаракат қилиш, оҳангни ҳис этиш кўникмаси шаклланади. Бу ёшдаги болаларни бир жойга жамлаганда улар орасида ўзаро мулоқотга киришиш кўникмалари шакллана бошлайди. Таълим- тарбиявий ишлар болаларда шакллана

бошлаган худди ана шу кўникмаларни ривожлантиришга ва уларни малакаларга айлантиришга йўналтирилмоғи лозим.

Кичик гуруҳ; (3-4 ёшли болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари. Бола 3 ёшга қадам кўйганда жисмоний ўсиши бир қадар секинлашади. Улардаги мустақиллик ортиб боради, хиссиёт ҳамда сенсор идроки ривожланиб боради. Жамоа бўлиб уйнаш кўникмалари шаклланади. Ўйин асосида амалга ошириладиган меҳнат фаолиятини фарқлаш имконияти кенгаяди. Тасвирий фаолият ҳамда кўриш-яшаш фаолиятининг дастлабки кўринишлари намоён бўлади. Уч ёшли болаларнинг диққати қисман марказлашади, хотираси мустақамланиб боради, моддий борлиқни идрок этиш жараёни бошланади, фараз қилиш имкониятлари вужудга келади. Бунда ўйин фаолияти етакчи роль уйнайди. Мазкур дастур худди мана шу фаолиятни кенгайтиришга ва ривожлантиришга кенг йўл очадиган таълимий машғулотлар тизимини белгилаб беришга йўналтирилган.

Ўрта гуруҳ (4-5 ёш болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари. Бола тўрт ёшга етгач, унинг жисмоний ўсиши бир мунча жадаллашади. Бу даврда боланинг мияси тез ривожланади. Катта ярим шарлар пустлогининг фаолияти такомиллашиб боради. Боладаги асосий ҳаракатларнинг ривожланишида жиддий-сифат ўзгаришлар содир бўлади, уларни бажаришда табиийлик ортиб боради, болаларда қиёслаш кўникмаси шаклланади. Бу ёшдаги болаларнинг нутқи равон, хотираси анча теран, мустақил фикрлаш даражаси бир қадар ривожланган бўлади. Барча ҳаракат ва фаолиятларни узи мустақил бажаришга интилади. Бу ёшда бола ниҳоятда серҳаракат, ўйинқарок, ўта қизиқувчан бўлади. У ҳар қандай тадбирга бажонидил қатнашади. Шунинг учун ҳам уларни тўғри овқатлантириш, ўз вақтида ухлатиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, руҳий ҳолатини назорат қилиб бориш, қувноқ кайфиятда бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Улар билан олиб бориладиган машғулотларнинг мазмунини худди мана шунга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Катта гуруҳ (5-6 ёш болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари. Болаларнинг умуртқа суяклари қотмаганлиги туфайли тез қийшайиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам суякларнинг тўғри усишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак. Уларнинг юраги чакалок юрагига нисбатан 4-5 баробар катталашган, бироқ мускуллари хали етарли даражада мустақамланмаган бўлади. Олти ёшга етганда мия пустлогининг асаб катакчалари ривожланиб, оғирлиги ва ташки кўринишидан катталарникига яқинлашади. Шунинг учун ҳам боланинг асабларига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Унинг талаффузи аниқ нутқи равон бўлишини таъминлаш керак. Боланинг бу фаолиятида нуқсон бўлган тақдирда унинг олдини олиш чораларини кўриш лозим. Бу ёшдаги

болаларнинг сўз бойлигининг ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Уларнинг нутқидаги сўзлар боланинг фикр ифодалаш эҳтиёжларини тўла қондириши керак. Бу даврда болаларнинг математик тафаккури, ҳисоблаш кўникмаларини ривожланиши лозим. Дастлабки иқтисодий тушунчаларга эҳтиёж сезилади. Боланинг фараз қилиш қобилиятини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Мактабга тайёрлов гуруҳи (6-7 ёш болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари. Бола ҳаётининг еттинчи йилида ундаги ҳаракатлар кўлами кенгаяди ва аниқлашади, унинг жисмида ҳаракатларнинг ўзаро мослашуви бошланади. 6-7 ёшли болалар узини идора қилиш ва ўз ҳаракатларини назорат қилиш имкониятига эга бўла бошлайди. Бу ёшдаги ўғил болаларда мустақил фаолият кўрсатиш, ташаббускорлик ривожланади ҳамда катталар фикрини тинглаш иштиёқи шаклланади. Бу ёшда бола чиниқади, қизиқувчан бўлади, ўз саломатлигини назорат қила олади, Унинг идрок кучи ва тафаккури жадал ривожланади, моддий борлиқни билишга интила бошлайди. Болаларда гигиеник малакалар шакллана боради. Болани мактабга тайёрлаш жараёнида уларда фаолиятнинг янги тури бўлган таълим олишга ўқишга иштиёқ уйғотиш лозим. Бу ўринда болаларни руҳан таълим жараёнига киришишга тайёрлаш мақсадида дастлабки ўқув элементларини ўргатиш лозим. Ҳар қандай олти ёшли бола мактабга қабул қилиниши мумкин. Бунинг учун у жисмонан, руҳан ҳамда ақлий жиҳатдан таълим олишга тайёр бўлиши керак.

Болаларнинг мактабга тайёргарлик даражасини аниқлашда ташхис марказларининг хулосаларига таяниш лозим. Шу билан бир қаторда мактабнинг моддий-техник базаси олти ёшли болаларга таълим бериш имкониятига эга бўлиши шарт. Тарбиячининг педагогик-психологик билим даражаси, ахлоқ-одоби ва шахсий сифатлари олти ёшли болаларга таълим ва тарбия бериш учун лойиқ бўлганда, у олти ёшли болаларни ўқитиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун ҳам 6-7 ёшли болалар, уларни қабул қиладиган мактаблар ҳамда бу болаларни ўқитадиган тарбиячилар педагогик- психологик нуқтаи назардан алоҳида-алоҳида диагностика қилиниши ва шундан кейингина таълим жараёнига киритилиши керак. Демак, мактабгача ёшдаги бола шахсининг ривожланиши ўзига хос, мураккаб жараён саналади. Мактабгача таълим ёши болаларининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир, деган фалсафий таълимотга асосланади.

Бу ёшдаги болаларнинг тулақонли ривожланишида биологик (ирсият), ижтимоий (ижтимоий муҳит) ва тарбия каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, мактабгача таълим ёшининг ўзи ҳам еттита ўзига хос, алоҳида даврларга ажратилади. Шу сабабли мактабгача



таълим ёшидаги болаларнинг ўқитиш ва тарбиялаш ишига масъул бўлган шахслар - тарбиячи ва ота-оналар, васийлар болаларнинг ёш даври хусусиятларидан тўла хабардор бўлишлари зарур.

### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Ривожланиш ва шахс ривожланишини таърифланг.
2. Қуйидаги фикрларга қўшилмасизми? “Агар болалар мунтазам танқид қилинса, алдашга ўрганади”; “Агар болалар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинса, дунёни гўзал кўришга ўрганади”; “Агар болаларга хурмат билан муносабатда бўлинса, улар олижаноб ва саҳий бўлишни ўрганишади”.
3. Шахс фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
4. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиш хусусиятларини тавсифланг.
5. Шахснинг ижтимоийлашувини қандай тушунасиз?

### **Мавзу юзасидан тест саволлар:**

**1. Гўдакнинг вазни туғилган пайтда 3,5 кг, бўйи 50 см бўлган бўлса, уч ойлик даврида унинг вазни тахминан 5 кг, бўйи 60 см, 6 ойлик бўлганда эса тахминан 7 кг, бўйи 64 см бўлади. Ушбу хусусиятлар қайси ёш даврига хос?**

- a) кичик ёш даври;
- b) илк ёш даври;
- c) \*гўдаклик даври;
- d) катта ёш даври.

**2. Бу даврда боланинг бўйи бу даврда 7-8 см га ўсади. Унинг оёқлари гавдасига нисбатан тезроқ ривожланади, оғирлиги 20-22 кг ни ташкил этади. Болаларнинг умуртқа суяклари қотмаганлити туфайли тез қийшайиб қолиши мумкин. Уларнинг юраги чақалок юрагига нисбатан 4-5 баробар катталашган, бироқ мускуллари хали етарли даражада мустаҳкамланмаган бўлади.**

- a) кичик ёш даври;
- b) илк ёш даври;
- c) гўдаклик даври;
- d) \*катта ёш даври.

**3. Бу даврда унинг оғирлиги 14-15 кг, бўйи 90-95 смга етади. Бола жисмонан анча чиниқиб, асаб тизими тараққий этади Таянч ҳаракат органлари такомиллашиб боради. Бу ўринда қайси ёш даври хусусида сўз бормоқда?**

- a) \*кичик ёш даври;

- b) илк ёш даври;
- c) гўдаклик даври;
- d) катта ёш даври.

**4. Бу давр мобайнида бўйи 105-108 см гача ўсади, оғирлиги эса 18-19 кг бўлади. Бу даврда боланинг мияси тез ривожланади. Катта ярим шарлар пустлоғининг фаолияти такомиллашиб боради. Ушбу хусусиятлар қайси ёш даврига хос?**

- a) кичик ёш даври;
- b) \*ўрта ёш даври;
- c) гўдаклик даври;
- d) катта ёш даври.

**5. Бу ёшдаги ўғил болаларда мустақил фаолият кўрсатиш, ташаббускорлик ривожланади ҳамда катталар фикрини тинглаш иштиёқи шаклланади. Бу даврда боланинг бўйи 120 см га етади, оғирлиги 22-24 кг бўлади. Бу ёшда бола чиниқади, қизиқувчан бўлади, ўз саломатлигини назорат қила олади. Бу ўринда қайси ёш даври хусусида сўз бормокда?**

- a) \*мактабга тайёрлов даври;
- b) ўрта ёш даври;
- c) гўдаклик даври;
- d) катта ёш даври.

**6. Болаларнинг мактабга тайёргарлик даражасини аниқлашда нимага таянилади?**

- a) ота-онанинг фикрига;
- b) табиий маълумотномага;
- c) \*ташхис марказининг хулосасига;
- d) боланинг ўқишга бўлган хоҳишига.

**7. Одам боласининг шахс сифатида ривожланиб, тараккий этиб бориши, унинг шахс бўлиб камолга етишида қандай омиллар таъсир кўрсатади?**

- a) \*насл (биологик омил), ижтимоий муҳит (бола яшайдиган шароит) ва тарбия.
- b) жамият, олам.
- c) ахборот воситалари.
- d) оиласи ва дўстлари.

**8. Шахсни ривожланишида биологик ёндашув бу...**

a) \*инсон табиий мавжудот бўлиб, унинг бутун хатти-ҳаракатлари туғма инстинкт ва эҳтиёжлар натижасидир. Инсон жамият талабларига бўйсунушга мажбур, шу билан бирга табиий эҳтиёжларини ҳам намоён қилиб боради.

- b) инсон биологик мавжудот сифатида туғилади, фақат ҳаётий

фаолияти давомида бошқалар билан доимий мулоқот ва ижтимоий гуруҳларнинг таъсири остида ижтимоийлашади.

с) инсондаги психик жараёнлар (сезги, идрок, фикрлаш кабилар) табиий тавсифга эга, инсоннинг йўналганлиги - кизикишлари, қобилиятлари ижтимоий ҳодиса саналади.

д) шахс яхлит тавсифга эга бўлиб, унинг ривожига нафақат унинг фаолиятидаги ўзига хосликлар, балки турмуш тарзи ҳам таъсир кўрсатади. Шу билан бирга ижтимоий ҳаёт натижалари - мотив, мақсад, қизикиш кабилар ҳам унинг ривожланишида муҳим роль уйнайди.

**9. Инсон биологик мавжудот сифатида туғилади, фақат ҳаётий фаолияти давомида бошқалар билан доимий мулоқот ва ижтимоий гуруҳларнинг таъсири остида ижтимоийлашуви бу...**

- a) \*Ижтимоий ёндашув.
- b) Психологик ёндашув.
- c) Яхлит ёндашув.
- d) Биологик ёндашув.

**10. Инсондаги психик жараёнлар (сезги, идрок, фикрлаш кабилар) табиий тавсифга эга, инсоннинг йўналганлиги - кизикишлари, қобилиятлари ижтимоий ҳодиса бу...**

- a) Ижтимоий ёндашув.
- b) \*Психологик ёндашув.
- c) Яхлит ёндашув.
- d) Биологик ёндашув.

## 5-мавзу. Болалар жамоаси бола шахсини шакллантиришнинг муҳим шарт- шароитлари

### РЕЖА:

1. Болалар жамоаси ҳақида тушунча.
2. Бола шахсини тарбиялашнинг шарт - шароитлари.
3. Болалар жамоасининг шаклланишига ёрдам берувчи омиллар.

### 1. Болалар жамоаси ҳақида тушунча.

Жамоа сўзи латинча “коллективус” сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ маъноларини англатади. Ёки жамоа деганда кишилардан иборат гуруҳ тушунилади. Жамоа ва жамоа орқали тарбиялаш тарбия тизимида алоҳида аҳамият касб этадиган тамойиллардан биридир. Боланинг ҳар томонлама ривожланиши ва шахс сифатида шаклланишида жамоанинг етакчи ўрин тутиши ҳақидаги фикр педагогика фанининг ривожланиш давларидаёқ билдирилган. Шунинг учун ҳам болалар жамоасининг ривожланиш педагогик жиҳатдан бошқариладиган жараёндир. Жамоага раҳбарлик қилишнинг асосий вазифаси педагогик ёндашишнинг илмий асосланган тизими ёрдамида жамоа аъзоларини тарбиялаб, вояга етказишдан иборат. Жамоанинг тарбиявий вазифалари унинг аъзолари олиб борадиган мазмунли билиш, алоқа фаолияти жараёнида амалга оширилади. Жамоада болалар, энг аввало, муомала меъёрларини амалда ўзлаштирадилар, ўз хатти-ҳаракатларини бошқа одамлар манфаатларига мувофиқ тарзда қуришни, режали ва адолатли бўлишни ўрганадилар. Болалар жамоаси турли ёш босқичларида муайян хусусиятларга эга бўлган ҳолда тобора ривожланиб борувчи тизимдир.

Жамоа ижтимоий жамоанинг бир қисми ҳисобланиб, кишидан маълум бир мақсад асосида интиладиган, ҳаракат қиладиган ва ўзи ҳамма куч-ғайратини ижтимоий фаолият, меҳнатга сарф қиладиган бўлишини талаб этади. Жамоани тушуниш, уни ҳис этиш ҳамда шахсни шакллантиришдаги ўрни ва ролини тўғри баҳолай олиш, инсон фикрини ҳурматлаш, жамоанинг муносиб аъзоси бўлишга интилиш ҳар бир шахс учун муҳимдир. Болалар жамоасини шакллантириш узоқ вақтни талаб этадиган мураккаб жараёндир. Дастлаб биргаликдаги фаолият кўпинча дунё билан боғлиқ бўлган фаолиятга бирлашади. Бу бирлашиш бекарор, қисқа муддатли бўлиб, тез бузилади. Бундай дастлабки бирлашишнинг биринчи ташкилотчиси тарбиячидир. Чунки у болаларга биргаликда ўйнашни таклиф этади. Болалардан биттаси ўйинчоқларни юкласа, иккинчиси ташийдди, учинчиси юкни туширади. 4-5 қиз кўғирчоқ билан “Оила” ўйинини ўйнайди, тарбиячи эса уларга ролларни тақсимлашда ёрдам беради ва ҳ.к.

## **2.Бола шахсини тарбиялашнинг шарт - шароитлари.**

Тарбиячи болаларни бир гуруҳга бирлаштиришда уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олади, чунончи, битта гуруҳга серҳаракат ва бошқасига пассивроқ болаларни бирлаштиради. Иккинчи хусусияти: болалар жамоасининг барқарор бўлишини таъминлашдир. Бу даврга келиб болалар анча мустақил ҳамда ташкилотчилик қобилиятини эгаллаган бўладилар. Жамоада қатнашувчилар сони 8—10 кишига етиб қолади. Биргаликдаги фаолият жараёнида ўйин ва меҳнатдан кенг фойдаланилади. Бу босқичда тарбиячининг вазифаси ҳамма болаларда ташкилотчилик қобилиятини шакллантиришдир. Машғулот ўтказаяётган жараёнда унинг ўзи ҳаммага кўриниб туриши, овози баландроқ ва ҳамма учун тушунарли бўлиши керак. Тарбиячи шундай машғулот жараёнида ўртоқларининг ишини таҳлил қилишга жалб этиш орқали болаларни изланувчанликка, ҳақиқатгўйликка ўргатади ҳамда болаларнинг ўз тенгдошларига хайрихоҳ муносабатда бўлишини таъминлайди. Болалар жамоасини шакллантириш ахлоқий тарбия билан чамбарчас боғлиқдир. Болалар ўз хулқларининг жамоа манфаати билан боғлиқлиги ҳақидаги баҳони эшитадилар. Бола жамоа фикри ва баҳси билан ҳисоблашса, ўзининг жамоа учун зарурлигини сезса, у билан ғурурланса, умумий ҳаётнинг ёқимли ва қувончли бўлиши учун интилса, бу жамоанинг етарли даражада шаклланганлигидан далолат беради. Бола келиши билан болалар жамоасининг аъзоси бўлиб қолади, у бошқа болалар билан ўйнаши меҳнат қилиши, керак бўлса ён босишни ўрганиб олади. Тарбиячи ҳар бир боланинг қобилиятини алоҳида баҳолаб бориши керак. Кейинчалик жамоада ҳаёт тажрибасининг тўпланиши натижасида “мен”, “меники” тушунчасининг ўрнини “биз”, “бизники” деган тушунчалар эгаллайди. Бу эса болаларнинг ўзини жамоа аъзоси деб тушуниб олганидан ва ўз шахси манфаатини умумий мақсадга бўйсундира оладиган давридан бошланади. Яхши ўртоқ бўлиш — бу бошқалар билан ўзини бир қаторда тутиш, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, шу билан бирга сен ёлғиз эмассан, сен тўғрингда бошқалар ҳам ўйлайди, сенга бошқалар ҳам ғамхўрлик қилади деган маънони англатади. Болалар жамоасини шакллантириш учун маълум шарт-шароитлар зарур ҳисобланади. Булар:

- ✚ боғча ходимларининг ўзаро ҳамжиҳат бўлиши;
- ✚ болалар ҳаётини ташкил этиш;
- ✚ ўйинчоқларнинг болалар ёшига, қизиқишига мос келиши ҳамда микдор жиҳатдан ҳам болалар сонига тўғри келиши;
- ✚ болаларда ўзаро аҳиллик, ғамхўрлик, жймоатчилик, инсонийликни тарбиялашга ёрдам берувчи машғулотлар;

- ✚ болалар учун ҳар хил қизиқарли фаолиятларни ташкил этиб бориш;
- ✚ оила билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш;
- ✚ болаларга хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларини ўргатиб бориш;
- ✚ болалар ўртасида ижобий хайрихоқлик муҳитини яратиш.

Демак, мактабгача тарбия ёшидаги болалар жамоасига ҳар доим катта одам раҳбарлик қилади. Бунда болаларнинг ҳаракатлари маълум томонга йўналтирилади, бошқарилади.

### **3. Болалар жамоасининг шаклланишига ёрдам берувчи омиллар.**

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда жамоатчилик муносабатларининг бошланғич белгилари ахлоқий сифатларнинг мураккаб гуруҳидир. Бунга болаларнинг дўстлашиш, бирга ўйнаш ва меҳнат қилиш хоҳиши, қобиляти, бошқаларнинг хоҳиши қизиқиши билан ҳисоблашиши, бири-бирига ёрдам бера олиши, топширикни виждонан бажариши, нарса ва буюмларни асраши каби ахлоқий сифатлар мажмуаси киради.

Бундай ҳис-туйғу, тасаввур, тушунчалар бола шахсининг ижтимоий йўналтирилган ҳолда шаклланишига ёрдам беради, болада инсонпарварликнинг дастлабки намуналари шаклланишига таъсир этади. Болаларда тарбияланадиган ахлоқий хусусиятлар, хулқ-атвор қоидалари орасида инсонпарварлик муҳим ўрин тутади. Инсонпарварлик ҳисси ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини ўргатиш асосида ривожланади. Бунинг учун болаларни яхши ишларни қилишга ўргатиб бориш зарур. Тарбиячи кичкина болаларга айрим хатти - ҳаракатларни сюжетли ўйинчоқлар билан ўйнаш орқали кўрсатади. Шунингдек, тарбиячи болаларни тенгдошлари билан саломлашишга, ҳаммаларини янги келган кишининг саломига жавоб беришига одатлантиради, касал болага хат ёзишни, унга расмлар юборишни ёки телефон қилишни таклиф этади. Боғчада болаларнинг туғилган кунларини нишонлаш анъанаси ўзаро муносабатларга самимийлик киритади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда характернинг иродавий хусусиятлари — ўз олдига мақсад қўйиб, унга эришиш учун эса ҳар қандай қийинчиликни енгиб, бошланган ишни охирига етказа олиш, бирор ишдан ўзини тая билиш, ишда далилликни тарбиялаш зарурдир. Болаларнинг кайфияти кўп жиҳатдан боғча ва уйда улар ҳаётининг ташкил- этилиши ва мазмунига боғлиқ. Соғлом бола катталар сингари ўзининг жисмоний кучига ва умумий ривожланиши даражасига қараб тўлақонли яшашга ҳаракат қилади. У хилма-хил кечинмалар, янги тушунча ва тасаввурларга ташна бўлади. Бунинг учун тарбиячи болаларни сира ишсиз ва машғулотсиз қолдирмаслиги керак. Боғча ёши даврида таълим-тарбия иши тўғри амалга ошириб борилса, болаларда аввало, интизомлиликни шакллантиришга ёрдам беради. Мактабгача тарбия

ёшидаги болаларда интизомлиликни ва хулқ маданиятини тарбиялашда куйидаги шарт-шароитлар муҳим:

➤ тарбиячи ота-оналарнинг хулқ маданияти, маънавий етуклиги, обрў-эътибори ҳамда уларнинг ўзаро му- носабатлари;

➤ болалар яшайдиган хона асбоб-анжомларнинг тўғри жойлаштирилиши;

➤ болалар гуруҳида, уларнинг ривожланиши, ёш хусусиятига мос бўлган ўйинчоқларнинг етарли бўлиши, тарбиялашда боланинг онглилигига асосланиш;

➤ тарбиячининг болалар гуруҳида илтифотлилик ҳолатини шакллантириш, уларни тозалик ҳамда озодаликка ўргатиб бориши.

Демак, таълим-тарбия ишини тўғри амалга ошириб борилса, болаларда бундай сифатларнинг ҳаммаси муваффақиятли шакллантирилади.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Бола шахсини тарбиялашнинг шарт-шароитлари.

2. Бола жамоасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

3. Болалар жамоасини тарбиялаш жараёнида қандай сифатлар такомиллашади?

4. Интизомлилик ва хулқ маданиятини шакллантириш деганда нимани тушунасиз?

### Мавзу юзасидан тест саволлар:

**1. Жамоа сўзининг маъноси нима?**

a) \*йиғилма, омма, бирлашма, гуруҳ.

b) дарс, синф.

c) мактаб, боғча.

d) оила, мактаб, жамоат.

**2. Турли кичик ёш босқичларида муайян хусусиятларга эга бўлган бир қанча кишилардан таркиб топган ҳолда тобора ривожланиб борувчи тизим бу?**

a) \*болалар жамоаси;

b) катталар жамоаси;

c) мактаб жамоаси;

d) боғча жамоаси;

**3. Ижтимоий гуруҳнинг бир қисми ҳисобланиб, кишидан маълум бир мақсад асосида интиладиган, ҳаракат қиладиган ва ўзи ҳамма куч-ғайратини ижтимоий фаолият, меҳнатга сарф қиладиган тизим бу?**

a) \*Жамоа;

b) Дарслик;

с) Ўйин;

д) Дидактика;

**4. Мактабгача таълим муассасаларида дастлабки жамоанинг биринчи ташкилотчиси бу ким?**

а) Она.

б) \*Тарбиячи.

с) Ота.

д) Бола.

**5. Мактабгача ёшдаги болалар жамоаси бу ....**

а) \*болалар боғчасидаги жамоа, турмуш тарзи биргаликдаги фаолият асосида бир-бирига боғлиқ мақсад, манфаат ва кечинмалар билан тарбиячи раҳбарлигида бирлашган ва уюшган болалар гуруҳидир.

б) умумий ўрта мактабларда ташкил этилиб, битта дарсни ўтказиш жараёни.

с) оилада жамоа бўлган ҳолда бирон бир вазифани амалга ошириш ва мақсадга эришиш тизими.

д) болаларни ўзаро бирлашиб маҳаллаларда турли хил миллий ўйинларни ўйнаши.

**6. Мактабгача ёшдаги болалар жамоасининг асосий иштирокчилари кимлар?**

а) \*Тарбиячи, тарбияланувчи;

б) Ота ва она;

с) Бола ва она;

д) Болалар;

**7. Болалар жамоаси асосий ривожланиш жараёнининг уч жиҳати булар?**

а) \*жамоани шакллантириш, унинг ҳар бир аъзосини индивидуал ривожлантириш, тарбияланувчилар амалий фаолиятининг доимий равишда мураккаблашиб бориши.

б) жамоани ташкил этишни режалаштириш, натижага эришиш, синтез.

с) жамоа билан ишлаш, жамоа билан муаммоларни ҳал қилиш, натижага эришиш;

д) жамоани шакллантириш, ўйинларни ташкил этиш, кимнидир ўйинда ғолиб чиқишига ундаш;

**8. Шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият бу....**

а) \*Қобилият;

б) Имконият;

с) Ютуқ;



d) Меҳнат;

**9. Шахнинг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, боланинг психик ҳолатларининг нозик жиҳатларини тушуна олиш қобилияти бу....**

a) \*Перцептив-педагогик қобилият.

b) Методик қобилият.

c) Компетенцияси.

d) Умумий қобилият.

**10. Жамоада ҳаёт тажрибасининг тўпланиши натижасида “мен”, “меники” тушунчасининг ўрнини қайси тушунчалар эгаллайди?**

a) \*“биз”, “бизники”;

b) “ўртоғимнинг ўйинчоғи”;

c) “у”, “улар”;

d) “сиз”, “биз”.

## 6-мавзу: Ақлий тарбия ва таълим

### Режа:

1. Ақлий тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
2. Ақлий тарбия ва таълимнинг назарий асослари.
3. Ақлий тарбия ва таълимнинг моҳияти.
4. Болаларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда таянч дастурнинг аҳамияти.

### 1. Ақлий тарбиянинг мақсад ва вазифалари

Ёш авлодни ҳар тамонлама етук шахс қилиб тарбиялаш жамият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган объектив заруратдир. Ақлий тарбия ижтимоий тарбиянинг энг муҳим жиҳатларидан бири. Ақлий тарбия бу ақлни ривожлантириш мақсадида ёш авлодга мунтазам ва мақсад асосида педагогик таъсир кўрсатишдир. Демак, ақл кенг маънода сезиш ва идрок этишдан бошлаб то тафаккур ва хаёлни ўз ичига оладиган билиш жараёнлари йиғиндиси бўлиб, у ёш авлоднинг инсоният тўплаган билимлар, кўникма ва малакалар, меъёрлар, қоидалар ва бошқаларда рўй беради. Бу ҳолат катталар томонидан амалга оширилади ва болаларнинг ақлий ривожланиши ни таъминловчи хилма-хил воситалар, методларни, керакли шарт-шароитларни яратишни ўз ичига олади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ақлий тарбиялаш болаларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган катталарнинг маълум мақсад асосидаги таъсир этишдир. У болаларга теварак-атрофдаги олам ҳақида билимлар беришни, уларни тизимлаштиришни, болаларда билишга қизиқиш уйғотиш, ақлий малака ва кўникмаларни таркиб топтиришни, билим қобилиятларини ривожлантиришни ўз ичига олади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни мактабга тайёрлашда ақлий тарбиянинг роли, айниқса, каттадир. Чунки ақл ҳис-туйғулар ва идрок этишдан тортиб, фикрлаш ва тасаввур этишгача бўлган жараёнлар йиғиндиси дир.

Ақлий ривожланиш фикрнинг кенглигида воқеаларни ҳар хил боғланишларда, муносабатларда кўра билиш, умумийлаштириш қобилиятида намоён булади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланиши фаолият жараёнида, дастлаб муомалада бўлиш, нарсалар билан бажариладиган фаолият натижасида, кейин эса ўқув, меҳнат, самарали фаолиятлар: расм чизиш, лой ва пластилиндан буюмлар ясаш, аппликация, қуриш - ясаш жараёнида амалга ошириб борилади. Боланинг ақлий ривожланишга таълим ва тарбия самарали таъсир кўрсатади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ақлий тарбия беришни тўғри ташкил этиш учун уларнинг ақлий ривожланиш қонуниятлари ва

имкониятларини билиш керак. Ақлий тарбиянинг вазифаси унинг мазмуни, методи ва ташкил этилишига қараб белгиланади. Педагогика ва психология фани ақлий тарбия бериш вазифаларини самарали ҳал этишда, бир томондан, боланинг имкониятларидан унумли фойдаланиш, иккинчи томондан, бола организмнинг умумий чарчашига сабаб бўлиши мумкин бўлган ортиқча толиктириш бўлмаслиги йўлларини топиш учун мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланиши қонуниятлари ва имкониятларини ўрганиш билан шугулланади.

Кейинги йилларда олиб борилган психологик- педагогик тадқиқотларнинг натижалари мактабгача тарбия ёши даврида болаларнинг ақлий ривожланишида жуда катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Буларнинг ҳаммаси мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бериладиган билим малака ва кўникмалар мазмуни янада чуқурлаштириш, ҳажмини кенгайтириш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолатдир. Мактабгача тарбия ёшининг охирига келиб, болалар теварак-атроф тўғрисида каттагина ҳажмдаги энг оддий билим ва тушунчаларга эга бўладилар, асосий фикрлаш жараёнларини эгаллаб оладилар. Фақат яхши ташкил этилган фаолият жараёнидагина тўлақонли ақлий ривожланиш рўй беради, шунинг учун ўқитувчи ва тарбиячиларнинг асосий вазифаси — болага муайян мақсадни кўзлаб тарбиявий таъсир кўрсатиш учун керакли шароит яратишдир.

## **2.Ақлий тарбия ва таълимнинг назарий асослари.**

Бола ҳар доим буюмлар ҳамда ходисалар орасида бўлади. Бола доимо бирор нарса билан танишади, ниманидир билиб олади, ушлаб кўради, ҳидлайди, тортиб кўради, нимагадир қулоқ солади. Шу тариқа аста-секин дунёни билиб боради. Теварак- атрофдаги буюмлар, табиат боланинг сезги органлари-анализаторларига таъсир этади ва сезги ҳосил қилади.

Сезги болаларга буюмларнинг айрим хоссаларини: совуқ-иссиқ, ғадир-будур, силлиқ-ялтироқ, хушбўй ва ҳ.к. ни билим олишга ёрдам беради. Сезги атрофдаги муҳитни билишнинг дастлабки босқичи саналади. Бола сезги туфайлигина теварак-атрофдаги нарсалар тўғрисида билим, тажриба тўплаб боради. Идрок эса анча мураккаб жараён бўлиб, сезгилар асосида ҳосил бўлади. Бола олмани кўлида ушлаб кўриб, қараб чиқиб ва еб кўриб, уни яхлит бир буюм, айна бир вақтда думалоқ, қизарган, хушбўй, мазали ва ҳ.к. тарзда идрок қилади. Бола олмани яхлит бир буюм тарзида тасаввур қилиши учун бирданига бир нечта анализатор: кўриш, сезиш ва ҳид билиш анализаторларидан фойдаланади. Анализа-торлар бир вақтнинг ўзида бирданига ишлаши буюмнинг хоссаси ва белгиларини аниқроқ ҳамда тўлароқ билиш имконини беради. Шунинг учун катта

ёшдаги кишилар болани илк ёшлик чоғидан бошлабоқ ақлий жиҳатдан тўғри тарбиялаш мақсадида буюмларни кўпроқ анализаторлар ёрдамида идрок қилишга имкон туғдиришлари, анализаторларнинг ривожланишига, яъни боланинг сенсор маданиятига алоҳида эътибор беришлари керак.

Болада нутқ пайдо бўлишидан анча олдин (бола бир ёшга тўла бошлаганда биринчи бор гапира бошлайди) у теварак-атрофдаги одамлар ва буюмлар дунёсини катта ёшдаги кишилар ёрдамида билиб олади. Бола 3 ёшга тўлганда унинг сўз захираси 1200-1500 тага етади. Бола катта ёшдаги кишилар унга нима ҳақида гапираётганларини яхши тушунади. Бу катта ёшдаги кишилар нутқидан ҳар томонлама тарбиялашнинг кучли воситаси тарзида фойдаланиш имкониятини беради. Болаларнинг ақлий жиҳатдан ўсишида хотира катта аҳамиятга эга. Бола туғилганда ҳеч нарса билмайди ва ҳеч нарса қилолмайди. У ривожланишнинг бирмунча юқорироқ даражасига кўтарилиб бирор бир фойдали иш учун кўпгина билим ва малакаларини эслаб қолиши керак. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг хотираси кўпинча беихтиёр тарзда бўлади. Шунингдек, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланишида хаёл муҳим роль ўйнайди. Хаёл боланинг ҳаёти жараёнида, унинг фаолиятида таълим ва тарбия таъсирида таркиб топади. Боланинг хаёли у сюжетли ўйинлар ўйнай бошлаганида, катталар қизиқарли эртаклар айтиб берганида, ўша эртакларга қизиқиш орқали дастлабки аломатлари пайдо бўлади. Аммо боладаги хаёл кўпроқ аниқ вазиятга боғлиқ бўлади (масалан, кўғирчоқ кўриниб қолса, уни ухлатади, машина бўлса, бирор нарса ташийди ва ҳ.к.). Катта боғча ёшига келганда, боланинг тажрибаси ортиб, фаолияти мураккаблашади ва бунинг натижасида бола хаёлида сезиларли ўзгариш юз беради. Мактабгача тарбия педагогикаси ёш авлодни ақлий тарбиялаш вазифаларини жамиятимизнинг ижтимоий талабларига ва инсоннинг ақлий ривожланиш моҳияти ва табиатига асосланиб ишлаб чиқади.

### ***Ақлий тарбиянинг асосий вазифалари:***

- ✓ Болаларда табиат ва жамият тўғрисидаги билимлар тизимини, илмий дунёқарашни шакллантириш.
- ✓ Ақлий фаолият, билиш жараёнлари ва қобилиятларни, ақлий жараённинг хилма-хил усулларини ривожлантириш.
- ✓ Мустақил билиш қобилиятларини, ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш.
- ✓ Ақлий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Билимни тасаввурлар ва тушунчалар, қоидалар, қонуниятлар, системалар шаклидаги турли фанларнинг мазмуни ташкил этади. Ақлий тарбиянинг вазифаси болаларда воқеа ва ҳодисаларни тўла акс эттирадиган

юксак даражадаги умумлаштирилган билимлар тизимини шакллантиришдан иборатдир. Билим дунёқарашнинг асосини ташкил этади. Демак, бола теварак атрофдаги нарсалар, уларнинг вазифаси сифати ва хоссалари (синади, пачоқ бўлади, йиртилади, тўкилади) ҳақида, қайси материалдан тайёрланганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлади. У табиат ҳодисалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва қонуниятлари (йил фаслларининг ўзига хос белгилари, улар ўртасидаги боғланишлар, ҳайвонлар, уларнинг ҳаёти ва яшаш тарзининг ташкил қилинишига, хулқига, яшаш шароитига мослиги ва ҳ.к.) ни билиб оладилар.

Жонсиз табиат, ўсимликлар, ҳашарот ва ҳайвонларни кузатиши жараёнида тарбиячи болаларда борлиқ тўғрисидаги материалистик тасаввурларни шакллантириб боради. Билимларни эгаллаб бориш натижасида боланинг шахси ҳам шаклланиб боради. Бола санъатнинг ҳар хил турлари тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларни эгаллаб олади. Билим инсоннинг меҳнатга муносабатини шакллантиради. Ақлий фаолиятни ривожлантириш билим ҳажми ва хусусиятига боғлиқ. Ақлий фаолиятни ривожлантириш эса психик жараёнларни сезги ва идрок этиш, таассурот, хотира, фикрлаш, тасаввур ва нутқни шакллантириш ни ҳам билдиради. Бунда уларга ақлий фаолиятнинг ғоят самарадорлигини таъминлайдиган ҳистуйғулар нозиклиги ва аниқлиги, идрок этишнинг собитқадамлиги ва тўлақонли, эса қолишнинг мустаҳкамлиги ҳамда онглиги, тафаккур мантиқи ва унинг мослашувчанлиги, ижодий хусусият ва мустақилликка хос бўлиши керак.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўзларига тушунарли бўлган ижтимоий воқеа ва ҳодисалар, кишиларнинг меҳнати, умумхалқ байрамлари, республикамизда яшайдиган баъзи халқлар ҳаёти билан таништирилади. Бу тадбирлар уларда жамиятимиз ижтимоий ҳаётига қизиқиш уйғотиш, Ватанга муҳаббат туйғуси ва байналмилалчилик асосларини шакллантиришга ёрдам беради. Ақлий таълим-мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг билиш қобилиятини мунтазам ва режали равишда ривожлантириб бориш, болалар боғчаси дастурида белгиланган энг оддий билимлар тизими билан қуроллантириш, малака ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ақлий тарбия беришда таълим етакчи роль ўйнайди. Чунки таълим жараёнида ақлий тарбияга доир ҳамма масалалар ҳал этилади. Таълим болаларга изчиллик билан билим беришни, бу билимларни аниқлаш ва тизимлаштириш, билиш жараёнлари, тафаккур фаоллигини ривожлантиришни назарда тутди. Таълим кузатувчанлик, қизиқувчанлик ва синчковлик, зийраклик, танқидийлик каби сифатларни ривожлантиришга ёрдам беради. Таълим жараёнида болаларда ўқув фаолияти асослари ҳосил қилинади, мактабда

муваффақиятли ўқиши учун муҳим шарт-шароитлар яратилади. Ҳаёт таълимнинг икки хил йўл билан амалга оширилишини тақозо этмоқда. Биринчи йўл болаларнинг билим, малака кўникмаларини катталар билан ўзаро муносабатда бўлиш орқали эгаллаб боришидир. Бу муомала, меҳнат фаолияти ва шу кабилар билан белгиланади. Аммо бу йўл билан эгаллаган билим ва малакалар болага ҳаётнинг турли соҳаларида мустақил қатнашиш учун имконият яратмайди. Таълимнинг иккинчи йўли махсус тайёргарлиги бор кишиларнинг махсус ўқув муассасаларида болаларни керакли билим, малака ва кўникмалар билан режали равишда қуроллантириб боришидир. Бундай йўл билан таълим беришдан мақсад ёш авлодни замонавий иш лаб чиқариш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида фаол қатнашиш учун зарур бўлган фан ютуқлари билан таништиришдир. Барча олиму фозиллар, шоиру ёзувчилар ўз даврининг нуфузли таълим масканларида ўқиш билан ҳурмат- эътибор топганлар.

Абу Наср Форобий, Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Абдурахмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абу Саидрасул Азизий, Муҳаммад Шариф Сўфизода, Абдулқодир Ш окирий, Абдулла Авлоний ва бошқалар мукамал илм эгаллаш орқали фаннинг барча соҳаларида буюк кашфиётлар ва янгиликлар яратганлар, шу билан бирга бошқаларни ҳам илм эгаллашга чақирганлар. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш тизими педагогикада илк бор чех педагоги Ян Амос Коменский (1592—1670) томонидан яратилган. Я.А. Коменский 6 ёшгача бўлган болаларга таълим ва тарбия бериш мумкинлигини кўрсатиб берди.

Я.А. Коменский 19 бўлимдан иборат мактабгача таълим дастурини тузди. Масалан, у табиатшунослик (физика) сув, ер, ҳаво, олов, ёмғир, қор, муз, тош, ўт, қум ва бошқалар ҳақида билим бериш лозимлигини, астрномия, география, оптика ва бошқа соҳаларда болаларга билим бериш кераклигини асослаб берди. Болалар боғчасида бериладиган таълим болаларнинг мактабда оладиган билимлари билан узвий боғлиқ бўлиши кераклигини таъкидлади. У ўзининг “Оналар мактаби” китобида кичик болаларни тарбиялаш ва ўқитиш дастури ҳамда методикасини жуда синчиклаб ишлаб чиққан.

Шу билан Я.А. Коменский мактабгача тарбия педагогикасининг мустақил фан сифатида шаклланишига асос содди. Швейцар педагоги И.Г.Песталоцци (1746-1827) мактабгача тарбия дидактикасини тузишда мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ривожлантириш масаласига катга эътибор беради. Г. Песталоцци томонидан ишлаб чиқилган таълимнинг асосий мазмуни мактабгача тарбия педагогикасининг ривожланишда ва болаларга кейинчалик мактабда системали таълим беришда

асосий дастур бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги замон мактабгача таълим назариясини яратишда А.П.Усованинг хизматлари катта аҳамият касб этади. Олима раҳбарлигида 1950 йилларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, болалар боғчаси ҳар бир ёш гуруҳининг таълим-тарбия ишлари мазмуни, метод ва усуллари ишлаб чиқилди. Бу ўтказилган ишлар таълимнинг тарбиявий ишдан фарқини аниқ белгилаб берди. Таълимнинг назарий жиҳатлари ишланиши “Болалар боғчаси тарбия дастури”да “Машғулот” бўлимини ажратиш имконини берди ва дастурнинг кейинги нашрларида бу бўлим такомиллаштирилиб борилди.

### **3. Ақлий тарбия ва таълимнинг моҳияти.**



Болалар боғчаларига оид тажрибалар ва ўтказилган педагогик ва психологик илмий тадқиқот ишлари турли ёшдаги болаларга теварак-атроф тўғрисида бериладиган билимларнинг тахминий ҳажмини белгилаш, уларни мураккаблаштириб бориш имконини беради. *“Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастурида болаларнинг “жисмоний ривожланганлик даражаслари”, “Нутқ ва тафаккурнинг ривожланганлик даражаси”, “Болаларнинг маънавий камолотини таъминлаш”*га доир асосий бўлимлар кўрсатиб берилган. Бу бўлимларда болаларни жисмоний жиҳатдан етук, соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш, уларнинг нутқий тафаккурини ривожлантириш, сўз бойлигини ошириш уларнинг мантиқий тафаккурини ва ҳисоблаш малакасини ўстириш ҳамда болаларда нафосат ва орасталикни шакллантириш каби жиҳатларига кенг эътибор қаратилади. Шунингдек, табиат билан ҳар хил касбдаги кишилар меҳнати билан, баъзи бир ижтимоий воқеалар, нарсалар, уларнинг сифат ва хусусиятлари билан таништиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Мактабгача ёшдаги болалар бу билимларини фақат машғулот жараёнида эмас, балки ўзларининг кундалик ҳаётларида, ўйинларда сайр вақтида эгаллашлари дас- турда кўрсатиб ўтилган.

***Бу дастурнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:***

- ❖ болаларни жисмоний ривожлантириш;
- ❖ болаларни нутқи ва тафаккурини ривожлантириш;
- ❖ маънавий-маданий етуклик.

***Таълим дастури қуйидаги тамойилга асосланиб  
тўзилган:***

-  болаларга етарли билим бериш;
-  ҳар бир ёшга хос билим ва малакалар;

- ✚ билим ва малакаларни секин-аста мураккаблаштириб бориш;
- ✚ материалнинг бир мақсадга қаратилганлиги;
- ✚ мақаллий материаллардан фойдаланиш;
- ✚ табиатдаги воқеалар;
- ✚ таълимга доир бўлимлар орасидаги боғлиқлик.

3 ёшгача бўлган болаларда теварак-атрофдаги нарсалар, уларнинг сифати ҳар хил нарсаларнинг номи ҳамда уларни ишлатиш тўғрисида тўғри тушунча бўлиши керак. Болаларни уй жиҳозлари ва буюмлари (*мебель, идиш-товоқ, кийим, ўйинчоқ машғулотлар учун материал*) билан таништириш, уларнинг ривожланишда катта аҳамиятга эгадир. Бу нарса уларнинг нутқини бойитади, мустақиллик, гўзаллик ҳақидаги тасаввурларни тарбиялашга ёрдам беради (чиройли кийим, ҳар хил буюмларнинг шакллари). Теварак-атроф билан таништириш дастури ҳар бир ёш гуруҳи учун муайян билимларни эгаллаб олишни назарга тугади. Масалан, биринчи гуруҳ тарбиячиси болаларни буюмларнинг жойлашишини билиб олишга ўргатади. Кейинчалик болалар бошқа хоналарда нималар борлигини, у ерда болалар ва катталар нима иш билан шуғулланишни билиб борадилар. Масалан, мусиқа хонасида мусиқа машғулотлари, байрамлар ўтказилади, ошхонада овқат пиширилади ва ҳ.к.

Шунингдек, тарбиячи, болаларни яқин атроф, кўчаларни, ўз ўйин майдончасини билиб олишга ўргатади. Айниқса, катта гуруҳ болалари ўз уйлари манзилени, боғчадан уйга кетадиган йўлни яқин орадаги майдон ёки хиёбонларга бориш йўлини билишлари керак. Болаларни табиат билан бевосита алоқада бўлишлари уларнинг ҳар томонлама ривожланишларида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳол уларнинг ақлий қобилиятларини тарбиялашда ахлоқий ҳамда эстетик ҳисларини ривожлантиришда қувноқлик, тетиклик, жисмоний ҳамда руҳий томондан бардошли бўлишларида асосий манба бўлиб хизмат қилади. Болаларнинг табиат билан бевосита алоқада бўлиши уларнинг сенсор тарбиясига катта ҳисса қўшади. Табиат ўзининг мўл-кўл бўёқлари, шакллари, товушлари билан анализаторларини қўзғатади. Табиат билан алоқада бўлиш эстетик тарбия вазифаларини ҳал этишга катта ёрдам беради. Чиройли манзаралар, ҳар хил капалаклар болаларда қувонч ҳиссини уйғотади. Тарбиячининг вазифаси болаларда табиат гўзаллигига, унинг ранг-баранглигига қизиқиш уйғотишдир. Табиат ўз гўзаллиги ҳамда ранг-баранглиги билан болаларнинг ҳиссига ва хаёлига таъсир этиб, ижодий фаолиятининг ривожланишига ёрдам беради. Табиат болаларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотишда ҳам катта таъсир кўрсатади. Болаларнинг ёшлигида табиат бойлигидан олган таассуротлари Ватан тўғрисидаги тушунчаларни аниқ мазмун билан бойитади.



Болаларнинг катта ёшдагилар билан ўзаро мулоқоти уларни ҳар хил касбдаги кишилар меҳнати билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда тарбиячининг асосий вазифаси болаларда катталар меҳнатига ҳурматни тарбиялаш, уларнинг меҳнат фаолиятини болаларга тушунтириш ва меҳнат қилиш эҳтиёжини уйғотишдир. Болаларнинг меҳнат тўғрисидаги тушунчалари қандай қилиб кенгайиб ва чуқурлашиб бориши болалар боғчаси дастурда кўрсатиб берилган. Кичик гуруҳдаги болалар боғчада ишлайдиган кишиларнинг меҳнати, онанинг уйдаги юмушлари кўчадаги транспорт воситалари билан таништирилади.

Ўрта гуруҳ болаларнинг меҳнат турлари ва меҳнат жараёнидаги изчиллик, меҳнатда керак бўладиган буюмларнинг номлари билан таништирилади. Катта ёшдаги болалар меҳнатининг аҳамияти, яъни ҳамма кишилар жамият учун меҳнат қиладилар, деган хулоса чиқаришга ўргатилади. Болаларнинг ўйинлари, расмлари ҳам уларда техника ва меҳнатга қизиқиш уйғотади. Катталарнинг меҳнати болалар ўйинининг асосий мазмунини ташкил этади. Болалар ўз ўйинларида оналари ва тарбиячилари меҳнатидан бошлаб то янги шаҳарлар ҳамда космик кемалар қурилишигача акс эттирадилар. Мактабгача тарбия ёшидаги болалардаги ахлоқий сифатларни: кишиларга, жамоага муносабатни тарбиялашда катталар меҳнати билан таништириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, меҳнаткашлар ва уларнинг меҳнатлари билан танишиш болаларда ўз юртига, халқига ва бошқа халқларга нисбатан ҳурмат ва меҳр уйғотади.

Демак, катталар меҳнати ва табиатни кузатиш болаларда эстетик ҳисларни, шакллантиришга ёрдамлашади, ижодий фаолият учун материал беради. Ҳамма оилаларда умумхалқ байрамлари -“*Наврўз*”, “*Ҳайит*”, “*Янги йил*”, “*Мустақиллик*” куни ва бошқалар кенг нишонланади. Болалар бу байрамларда қатнашадилар. Катта ёшдаги боғча болаларига ҳар бир байрам ва тантананинг аҳамиятини уларнинг ёшларига мос ҳолда тушунтиришади. Бу ўринда тарбиячининг вазифаси-болаларнинг ҳиссиётларга таъсир этиб, уларда ўз халқидан ҳамда унинг қадриятларидан ғурурланиш ҳиссини шакллантиришдан иборатдир.

Шундай қилиб, боғча болаларини табиат, ҳозирги давр воқеалари билан таништириш орқали уларнинг ақлий қобилияти, ахлоқий ва эстетик ҳислари шаклланиб боради.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ақлий тарбия ва таълимнинг мазмунини айтинг.
2. Ақлий ривожланиш деб, нимага айтилади.
3. Ақлий тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
4. Ақлий тарбиянинг методологик асослари.

5. Болалар билимларни қандай жараёнларда эгаллайдилар?
6. Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури ва аҳамияти.
7. Болаларда табиатга бўлган муносабатни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
8. Болаларга меҳнат тўғрисидаги тушунчалар қандай сингдириб борилади.

### **Мавзу юзасидан тест саволлар:**

**1. Ақлни ривожлантириш мақсадида ёш авлодга мунтазам ва мақсад асосида педагогик таъсир кўрсатиш бу...**

- a) \*ақлий тарбия.
- b) эстетик тарбия.
- c) жисмоний тарбия.
- d) ахлоқий тарбия.

**2. Сезиш ва идрок этишдан бошлаб то тафаккур ва хаёлни ўз ичига оладиган инсоният тўплаган билимлар, кўникма ва малакалар, меъёрлар, қоидаларни билиш жараёнлари йиғиндиси бу...**

- a) \*ақл;
- b) сезги;
- c) идрок;
- d) билим;

**3. Дунёқараш бу нима?**

a) \*одамнинг теварак-атрофдаги оламга ва унда ўзининг тутган ўрнига қарашларидан келиб чиққан тизим. Унинг фалсафий, сиёсий, илмий, диний, ақлий ва эстетик қарашлари йиғиндиси.

b) сезиш ва идрок этишдан бошлаб то тафаккур ва хаёлни ўз ичига оладиган инсоният тўплаган билимлар, кўникма ва малакалар, меъёрлар, қоидаларни билиш жараёнлари йиғиндиси.

c) сезги органларида уларнинг бевосита таъсир этиши давомидаги бир бутун ходисалар ёки нарсаларнинг инсон онгида акс этиши.

d) ақлни ривожлантириш мақсадида ёш авлодга мунтазам ва мақсад асосида педагогик таъсир.

**4. Болаларга буюмларнинг айрим хоссаларини: совуқ-иссиқ, ғадир-будур, силлиқ-ялтироқ, хушбўй ва ҳ.к. ни билим олишга ёрдам беради туйғу бу....**

- a) \*сезги.
- b) онг.
- c) ақл.
- d) идрок..

**5. Бола олмани кўлида ушлаб кўриб, қараб чиқиб ва еб кўриб, уни яхлит бир буюм, айти бир вақтда думалок, қизарган, хушбўй, мазали ва ҳ.к. тарзда ..... қилади. Нуқталар ўрнига мос сўзни топинг.**

- a) \*идрок.
- b) таҳлил.
- c) меҳнат.
- d) синтез.

**6. Анализаторлар бу ...**

- a) буюмларнинг айрим хоссаларини: совуқ-иссиқ, ғадир-будур, силлиқ-ялтироқ, хушбўй ва ҳ.к. ни билим олишга ёрдам беради
- b) \*бир вақтнинг ўзида бирданига ишлаши буюмнинг хоссаси ва белгиларини аниқроқ ҳамда тўлароқ билиш имконини беради.
- c) сезги органларида уларнинг бевосита таъсир этиши давомидаги бир бутун ходисалар ёки нарсаларнинг инсон онгида акс этишига ёрдам беради.
- d) ақлни ривожлантириш мақсадида ёш авлодга мунтазам ва мақсад асосида педагогик таъсир кўрсатади.

**7. Инсоният томонидан тўпланган маданий бойликни эгаллаш билан боғлиқ фаолият қандай номланади?.**

- a) \*Ўқув-билиш фаолияти,
- b) Ёзиш фаолияти.
- c) Ўқиш фаолияти.
- d) Англаш фаолияти.

**8. Бола 3 ёшга тўлганда унинг сўз захираси нечтага етади?**

- a) \*1200-1500 та сўз;
- b) 200-500 та сўз;
- c) 2000-5000 та сўз;
- d) 100-500 та сўз;

**9. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш тизими педагогикада илк бор ким томонидан яратилган?**

- a) \*Ян Амос Коменский
- b) И.Г.Песталоцци
- c) А.П.Усова
- d) Абдулла Авлоний

**10. Болалар боғчасида бериладиган таълимга бағишланган “Оналар мактаби” китоби муаллифи ким?**

- a) Абдулла Авлоний
- b) Фитрат
- c) А.П.Усова
- d) \*Ян Амос Коменский

## 7-мавзу: Ахлоқий тарбия

### Режа:

1. Ахлоқий тарбиялашнинг назарий асослари.
2. Болалар боғчасида ахлоқий тарбия воситалари.
3. Ахлоқий тарбия бериш методлари.
4. Ахлоқий одатларни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари.

### 1. Ахлоқий тарбиялашнинг назарий асослари.

“Ахлоқ” ижтимоий тушунчалардан бири бўлиб, унинг моҳияти шахс хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши, турмуш тарзи, ҳаёт кечириш тамойиллари, қоидалари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар мазмунини ифодалайди. Шунинг учун ҳам ахлоқ ижтимоий ҳодиса сифатида жамият маънавий - руҳий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. “Ахлоқ” тушунчаси оила фикри асосида тартибга солинувчи фаолият тарзида кишилик жамиятининг илк босқичида шаклланган. Демак, “ахлоқ” тушунчаси қадим-қадимдан ижтимоий фалсафий, психологик, педагогик, тарихий, бадиий, этнографик ва маданият- шуносликка оид асарларда ушбу тушунча турли қўламларда ишлатиб келинган. Ахлоқ (хулқ-атвор демакдир)-ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ижтимоий тартиб қоида бўлиб, бу тартиб қоида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш вазифасини бажаради.

Ахлоқ шахс тараққиётининг юқори босқичи бўлган маънавий мойилликни асосини, пойдеворини ташкил этади. Ахлоқ кишиларнинг хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалариғи, уларнинг ўз-ўзига, бошқа кишиларга, меҳнатга, жамиятга муносабати каби ахлоқий тушунчаларни ўз ичига олувчи ижтимоий онгнинг алоҳида шаклидир. Ахлоқ тарихий хусусиятга эга, чунки у кишилик жамиятда авлодлар томонидан тўпланган ахлоқий тажрибалар ва муносабатларни акс эттиради.

Зеро, ахлоқсиз, ахлоқий талаб ҳамда уларда ифода этилган ғояларсиз шахснинг руҳан ва жисмонан етуқлигининг асоси бўлган маънавий қомиллик шаклланади. Демак, инсоннинг баркамоллиги, аввало, унинг маънавий жиҳатдан етуқлиги билан белгиланади. Бизнинг назаримизда, шахс маънавияти унинг онгида кечадиган ижобий мазмунга эга ўй фикрлари, ниятлар, ғоялар, назария ва таълимотлар мазмунининг амалий фаолиятидаги татбиқида намоён бўлувчи руҳий жараён дир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, шахс маънавияти асосида ижобий мазмунга эга бўлган, ўй фикрлар, ниятлар, ғоялар, назариянинг ва таълимотлар мазмунини тушуниб етишишини эътиборга олиш лозим. Демак, ўзбек халқининг маънавияти ҳақиқатгўй ва адолатли бўлиш, жаҳолат ва қабихлик йўлини тўсиш,

инсонийлик, меҳр-шафқат, маърифат, дўстлик, мардлик, биродарлик, меҳмондўстлик, поклик, хуш хулқлилик, инсоф, ватанпарварлик каби инсоний фазилатларни сингдиришга чақиради.

Қадим-қадимдан ўзбек ва шарқ классиклари ижодида ахлоқ-одоб масаласи марказий ўрин эгаллаб келган. Кайковуснинг “Қобусномаси”дан тортиб, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг назмий ва насрий асарларида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” (Ҳақиқат совғалари), Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал адаб Ал-Муфрат каби” жаҳонга машҳур асарларида Алишер Навоийнинг ўлмас шеъриятида, Мунис, Хоразмий каби шоирлар асарларида ахлоқ-одоб масалалари ёритилган. Кошифийнинг асарларидаги таълим-тарбия, ахлоқ масалалари кўпчилик учун андоза, намуна, одоб меъёри сифатида қисқа асосли, лўнда қилиб ёзилган. Кошифийнинг фикрича, инсон фазилати унинг эгаллаган таълим-тарбиясига боғлиқ. Шундагина у одобли ҳисобланиши мумкин. “Одоб -бу қалбни ёмон сўзлардан ва ножўя хулқдан сақлай олиш, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қила билишдир”, - дейди олим.

Навоий эса “Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча одамлар ичида ёқимлироғидир” - дейди. Бу билан эса у кишиларнинг инсонийлик белгиси унинг одобли, ахлокли эканлиги билан ўлчанади, деб таъкидлайди ва барча инсонларни яхши хулқли бўлишга чақиради. Шунингдек, Навоийнинг “Маҳбубул қулуб” асарида одоб, ахлоққа оид ғоялар илгари сурилган. Унинг бирдан-бир орзу-умиди, идеал инсонга бўлган меҳр- муҳаббат, самимийлик эди: “Донишмандлар айтибдурларким, одобли инсон барча одамларнинг яхшилиги ва барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир. Ёшларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган нарса одобдир”. Қошғарий: “Инсонларда оқ кўнгиллилик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик, софдиллик, ростгўйлик, сахийлик, виждонлилик, иродалилик, қатъиятлилик каби фазилатлар, бўлиши шарт ва булар инсоннинг баркамоллигидан далолат беради, - дейди, аммо хасислик, олғирлик, очкўзлик, ғирромлик, пасткашлик, тухматчилик, хоинлик, ёлғончилик кишиларни бебурд, ахлоқсиз қилиб қўяди. Бундай салбий хислатлар уларни обрўсизлантиради, ҳаётини издан чиқаради, нотўғри йўлга бошлайди. Пасткаш, бахил одамдан яхшилик кутиш мевасиз дарахтдан мева кутишга ўхшайди”. Одобли бўлишнинг фазилати тўғрисида шеър ва дostonлардан, адабий манбалардан жуда кўплаб парчалар, шеър мисралар келтириш мумкин. Одобли, яхши хулқли бўлиш тўғрисида доно халқимиз тўқиган кўплаб мақол маталлар асрлар оша оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда: Одобинг-обрўйинг. Одоб-кишининг зебу зийнати. Олтин олма-одоб ол. Яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир, ёмонликка яхшилик эр кишининг ишидир.

## 2. Болалар боғчасида ахлоқий тарбия воситалари.

Мактабгача тарбия ёшининг ўзига хос томони шундаки, бу ёшда болалар ахлоқий тушунча ёки хулқни сўз билан аниқ таърифлаб беролмайдилар. Лекин болалар боғчасидаги тўғри талқин воқеаларнинг умумий маъносини англаб олишга ёрдам беради. Агар болалар бошқаларда яхши хулқ намуналарини кўрсалар ўзлари ҳам уларга ўхшашга ҳаракат қиладилар. Ахлоқий тарбиянинг ғоявий асоси унинг мақсади вазифаси ва тамойилларини белгилайди, руҳий педагогик асоси эса болалар боғчасида ахлоқий тарбия беришнинг вазифаси ва мазмуни воситалари ва методини ҳамда педагогик шарт-шароитини белгилаб беради. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш вазифаси ва мазмуни боланинг маънавий дунёсини, унинг онгини, ахлоқий ҳисларини, шахсий сифатлари ва хулқини тарбиялаш ва ривожлантиришни тақозо этади.



Бу тарздаги умумий вазифалар ёш гуруҳлари бўйича аниқлаштирилади ва ўқув-тарбия жараёнининг мазмунида ўз аксини топади. Ахлоқий тарбиянинг асосий тамойиллари қуйидагилар:

- ✚ ғоявий ва тарбиявий ишнинг маълум мақсадга қаратилганлиги;
- ✚ таълим-тарбия ишига бола шахсини ҳурмат қилган қолда ёндашиш;
- ✚ ахлоқий тарбия ишини ҳаёт ва замон билан ҳамнафасликда олиб бориш;
- ✚ болаларнинг фаоллиги;
- ✚ жамоада тарбиялаш;
- ✚ тарбиявий ишнинг тизимлари ва изчиллиги;
- ✚ таъсирчанлиги;
- ✚ оила, боғча ҳамда катталар тарбиявий таъсирининг бирлиги;

- ✚ боладаги ижобий шароитларга суяниш;
- ✚ бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутиш.

Болалар боғчасида ахлоқий тарбия бериш ҳар хил воситалар ёрдамида амалга оширилади. Аввало, болаларни ҳар хил фаолиятлар воситасида катталар меҳнати билан таништириш, машғулотларда ва машғулотлардан ташқари вақтларда таълим бериш, кун давомидаги маиший, мустақил, бадиий фаолиятда, кўнгил очишларда қатнаштириш орқали бу иш қал этилади. Ҳар хил байрамлар. Санъат воситалари, ижтимоий ҳаёт воқеалари, болалар бадиий адабиёти, мусиқа, ашула, гасвирий ва амалий санъат, ўйинчоқ ва ўйин материаллари, оммавий ахборот воситалари, ойнаи жаҳон ва радио, кино ва мультфильмлар, диафильмлар ва бошқалар болаларнинг ахлоқий тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Бундай воситалардан маълум бир изчиллик ва тизимлилик билан фойдаланилгандагина болаларнинг ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин. Юқоридаги айтилганлардан хулоса шуки, ахлоқ одоб ўзбек миллати ҳаётининг мазмуни ҳисобланади. Қаерда, қайси жамиятда, қайси давлатда яхши хулқ қарор топса, ўша жамиятдаги кишиларнинг ҳаёти фаровон, турмуши тинч, одамлари бой-бадавлат бўлади.

### **3. Ахлоқий тарбия бериш методлари.**

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ахлоқий тарбия беришда ҳар хил метод ва усуллардан фойдаланилади. Ахлоқий тарбия методлари — болаларнинг ахлоқий тасаввур ва билимларини эгаллаб олиши, уларда маданий хулқ ва ижобий муносабатларни, шахснинг ахлоқий ҳис-туйғулари ва сифатларини тарбиялашга қаратилган фаолият усулидир. Ахлоқий тарбия методлари қуйидаги гуруҳга бўлинади.

**1-гуруҳ:** ахлоқий тасаввур ва билимларни, уларни бажариш хоҳишини шакллантиришга қаратилган методлар.

**2-гуруҳ:** ахлоқий ҳис-туйғулар ва муносабатларни рағбатлантиришга қаратилган ёрдамчи методлар.

Ҳамма гуруҳ методлари ахлоқий ҳис-туйғулар ва шахсий сифатларни тарбиялашни таъминлайди. Шунингдек, кўрсатмали, оғзаки методлар, тушунтиришни кўрсатиш билан қўшиб олиб бориш. Тарбиячининг ҳикояси, ўқиб бериш, ахлоқий мавзуларда суҳбатлар (расмга қараб, тажрибага асосланиб, ўқилганлар бўйича), кузатиш, расмларни намойиш қилиш, болалар адабиёти ва ҳаётдаги ижобий мисоллардан фойдаланиш асосида олиб борилади. Юқорида келтирилган ҳамма методлар орқали болаларга ахлоқий меъёр ва қоидалар, ижтимоий ҳаёт воқеалари ўргатилади, уларда ахлоқий тасаввур ва тушунчалар шакллантирилади.

Бу методларга қуйидаги асосий талаблар қўйилади: болаларнинг

яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тасаввурларини эътиборга олиш, ақлий, хулқ-атвор меъёрларини муҳокама қилиш учун махсус яратилган вазиятда болаларнинг ўзларини фаол қатнаштириш, ҳар бир боланинг ҳис-туйғусига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш. Болани ноўрин танқид қилиш, унинг устидан кулиш, унга нисбатан эътиборсизлик қилиш ярамайди. Ҳамма методлардан маълум изчиллик билан комплекс равишда фойдаланилади. Ҳар бир метод ўзига хос бўлиб, маълум вазифани бажаради. Буни бир қатор мисоллар орқали кўриб чиқамиз. Тушунтириш кўпинча болаларга янги ахлоқий тушунча, меъёр, қоида баён қилиб борилаётганда ишлатилади. Тушунтириш катталарнинг жонли сўзи ва намунасига асосланади.

**Масалан:** рўпарадан келаётган таниш кишига хушмуомалалик билан салом бериш учун аввало, бир оз тўхтаб, у кишининг юзига қараб кулимсираб “Ассалому алайкум” дейиш ва яна йўлида давом этиш керак. Тушунтириш ва кўрсатиш табиий ҳолда бўлиши керак. Ахлоқий мавзулардаги суҳбатни мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳамма гуруҳларида қўллаш мумкин. Тушунтириш ёрқин бўлиб, болаларнинг ҳис-ҳаяжонига етарлича таъсир этиши керак. Бу методнинг асосий вазифасига қуйидагилар киради:

болаларда ижобий-ахлоқий ҳисларни уйғота олиш, эртак қаҳрамонларига ҳамдардлик билдириш ҳамда ютуғидан қувониш ва муваффақиятсизлигига биргалашиб ачиниш;

✓ болаларга тушунарсиз бўлган айрим ахлоқ қоидаларининг мазмунини очиб бериш;

✓ ахлоқий мавзулардаги ҳикоялардан машғулотларда, сайрларда, болаларнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ бўлган жойларда фойдаланиш.

Ахлоқ мавзулардаги суҳбатлар орқали болалар ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини, ижобий хулқ шакллари эгаллабгина қолмай, шу билан бир қаторда уларда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига нисбатан талаб юзага келади. Болаларнинг ахлоқий тажрибаларини кенгайтириб бориш хулқнинг ахлоқий сабабларини аниқлаб бориш керак. Суҳбат жараёнида болалар ўз фикр-мулоҳазаларини айтишларига кенг имкон берилади. Шунда улар ҳар бир хатти-ҳаракатини онгли равишда, ахлоқ меъёрлари ва қоидалари доирасида бажаришга уринадилар.

Шунингдек, болаларга бадиий адабиётларни ўқиб бериш, санъат асарлари ва амалий санъат буюмларини томоша қилиш, мусиқа ва ашула эшитиш болаларда эстетик ҳисни уйғотади ҳамда ахлоқий қоида ва меъёрларни сингдириб боради. Амалий ва ўйин методлари — ўйин машқлар, муаммоли вазиятлар, изланувчанлик фаолияти, педагогик масалаларни ечиш, дидактик ва ҳаракатли, саҳналаштирилган ўйинлар,



инсценировка болаларнинг ҳамма фаолиятига раҳбарликни ҳам шу гуруҳ методларига киритиш мумкин.

Методлар ахлоқий тасаввур ва тушунчаларни мустаҳкамлашга, болаларда ахлоқий тажрибани тўплашга, ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини онгли равишда эгаллаб олишга ёрдам беради. Ўйин кичик боғча ёшидаги болалар учун машқ ҳисобланади ва ахлоқий хулқ ва одатларни тарбиялашнинг энг таъсирли усулидир. Унга қоидаларни машқ қилдириш фойдали одатларни қайтариш кабилар киради. Муаммоли вазият ўзининг аҳамияти жиҳатидан машққа жуда яқин туради, аммо унинг ўзига хос томони болада фаоллик, ижодкорлик, мустақиллик намоён бўлиши учун шароит яратади. Дастлаб ҳикоя — вазият (тугалланмаган ҳикоя) тавсия этилади, масалан, бирорта ҳикоя маълум ерида тўхтатилади.

Тарбиячи болаларга ҳикоядаги қаҳрамонлар хулқини баҳолашни тавсия этади. Болаларнинг жавоблари муҳокама этилади ва ҳикоядаги ижобий инсоний хулқ ҳақида бир фикрга келинади. Ахлоқий тарбия методларидан тарбиячи болаларда ижобий ахлоқий сифатларни мустаҳкамлаш бола хулқидаги салбий томонларни бартараф этиш мақсадида фойдаланилади. Бунда тушунтириш, ишонтириш, суҳбат шакллари қулай бўлади. Рағбатлантириш ва жазолаш ахлоқий тарбиянинг қўшимча методи бўлиб, у асосий методларга таъсир этишнинг ўзига хос воситаси бўлиб хизмат қилади. Тарбиячи боладаги ижобий хатги-харакатни фаоллаштириш ёки бўлмаса, болани ёмон қилиқлардан қайтариш учун рағбатлантиришдан фойдаланилади. Болалар боғчасида рағбатлантириш шакллари: мақташ, маъқуллаш, болага ўйинда бош ролни бериш. Жазо шаклларига эса танбеқ, маъқулламаслик, яхши кўрган ўйинчоғини бермаслик киради. Жисмоний жазо қатъиян ман этилади. Жазонинг бош вазифаси юзага келган низоларни бартараф этиш, янгисининг юзага келишига йўл қўймаслик.

***Ахлоқий одатларни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат:***

✚ Ахлоқий тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, яъни педагог ва болаларнинг ўзаро муносабатлари боланинг шахсига нисбатан ҳурмат билан қарашга асосланиши керак.

✚ Педагогик жараёни шундай ташкил этиш керакки, унда боланинг ўзи ижобий одатларни эгаллаб бориш, салбий хусусиятларни йўқотишга интилсин.

✚ Ахлоқий тарбия боланинг ижобий хулқига асосланиб амалга оширилиши зарур.

✚ Болани тарбиялаш учун яхши ҳиссий муҳит яратиш керак. Жазолаш ва қўрқитиш билан ижобий ахлоқий сифатларни тарбиялаб бўлмайди.

✚ Болада ахлоқий одатларни шакллантириш учун ундаги маълум одатларга асосланиш керак.

✚ Ижобий одатларни юзага келтириш учун қизиқарли фаолиятларни ташкил этиш керак.

Шундай қилиб, болаларнинг ахлоқий тасаввур ва тушунчаларни эгаллаб олиб, уни кундалик одатга айлантиришлари учун болаларнинг катталар раҳбарлигидаги фаолиятни ташкил этиш лозим. Демак, тарбиячи бола шахсида ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш учун ҳамма восита ва методларни қўлласа, яхши хулқ намуналарини ўргатиш анча осон кечади.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. “Ахлоқ” ёки “ахлоқийлик” нима ва унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти қандай?

2. Маънавият тушунчасининг мазмуни.
3. Ахлоқий тарбия вазифаси.
4. Ахлоқий тарбия тамойиллари.
5. Ахлоқий тарбия воситалари нималар?
6. Ахлоқий тарбия методлари деганда нимани тушунасиз?
7. Ахлоқий тарбия методлари неча гуруҳга бўлинади?

### **Мавзу юзасидан тест саволлар:**

**1. Ахлоқий тарбиянинг асосий воситалари қайсилар?**

- а) ахлоқий он
- б) маданий хулқ-атвор
- в) ахлоқий ҳис-туйғулар
- г) \*байрамлар, ижтимоий ҳаёт воқеалари, болалар бадиий адабиёти, мусиқа, тасвирий сан`ат, радио, телевидение.

**2. Болалар жамоаси неча кишидан иборат бўлади?**

- а) \*6-8 кишидан
- б) 2-3 кишидан
- в) 15 кишидан
- г) 20 кишидан

**3. Қандай ахлоқий сифатларни болаларда шакллантирилади?**

- а) меҳрибонлик
- б) одоблилик
- в) \*инсонпарварлик, камтарли, тўғрилиқ, ҳалоллик, қувноқлик
- г) маданий гигиеник малакалар

**4. Боланинг инжиқлигига нима сабаб бўлади?**

- а) боланинг бирор нарсдан норозилиги
- б) боланинг касаллиги
- в) кун тартибининг нотўғри тузилганлиги
- г) \*ҳамма жавоблар тўғри

**5. Боланинг хис-туйғуси ва муносабатларини рағбатлантириш усуллари қайсилар?**

- а) \*намуна кўрсатиш, рағбатлантириш, жазолаш
- б) хулқ маданиятини тарбиялаш
- в) ижобий сифатларни тарбиялаш
- г) мақташ, маъқуллаш.

**6. Болаларнинг ахлоқий тасаввур ва билимларини эгаллаб олиши, уларда маданий хулқ ва ижобий муносабатларни, шахснинг ахлоқий хис-туйғулари ва сифатларини тарбиялашга қаратилган фаолият бу...**

- а) \*Ахлоқий тарбия методлари
- б) Эстетик тарбия методлари
- с) Жисмоний тарбия методлари
- д) Сенсор тарбия методлари.

**7. Ахлоқий тарбия методлари неча гуруҳга бўлинади.**

- а) 3;
- б) 4;
- с) \*2;
- д) 5;

**8. “Донишмандлар айтибдурларким, одобли инсон барча одамларнинг яхшилиги ва барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан хурматлироқдир. Ёшларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган нарса одобдир” деб айтилган фикр муаллифи ким?**

- а) Абу Наср Форобий;
- б) Абу Райхон Беруний;
- с) Юсуф Хос Ҳожиб;
- д) \*Алишер Навоий;

**9. “Қутадғу билик” асарининг муаллифи ким?**

- а) Абу Наср Форобий;
- б) Абу Райхон Беруний;
- с) \*Юсуф Хос Ҳожиб;
- д) Алишер Навоий;

## 8-мавзу: Эстетик тарбия

### Режа:

1. Эстетик тарбиянинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти.
2. Эстетик тарбиялашнинг вазифаси мақсади ва методи.
3. Эстетик тарбиянинг воситалари.

### 1. Эстетик тарбиянинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти.

Эстетик тарбия кенг тушунча бўлиб, воқеликдаги, санъатдаги, табиатдаги, ижтимоий ва меҳнат муносабатидаги, турмушдаги гўзалликни идрок қилиш, тушунишга ўргатиш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётга гўзалликни олиб кириш қобилиятларини тарбиялашдир. Эстетик тарбия ўз навбатида болаларга ҳар томонлама тарбия беришнинг бир қисми ҳисобланади. У айниқса, ахлоқий тарбия билан узвий боғлиқдир. Санъат ва ҳаёт гўзаллиги билан таништириб бориш боланинг ақлини, ҳиссини тарбиялаб қолмай, шу билан бир қаторда унинг хаёли ва фантазиясини ҳам ривожлантиради. Болаларни гўзалликка ошно қилиш, уларда ҳаётий воқеаларни тўғри тушуниш, олийжаноб ҳис-туйғуларни ва интилишларни шакллантиришга ёрдам беради. Болаларда гўзалликни идрок қилишни тарбиялаш орқали уларда бошқа кишиларнинг кечинмаларини ҳис эта билиш, қайғусини бирга барҳам кўриш каби хусусиятлар шаклланиб боради. Эстетик ривожланиш шахснинг эстетик онги, муносабати ва эстетик фаолиятининг шаклланиши ва такомиллашувида узоқ вақтни талаб этадиган жараёндир.

Шахснинг эстетик ривожланиши ижтимоий-тарихий ва эстетик тажрибани ижодий ўзлаштириш жараёнида юзага келади. Эстетик эҳтиёж — киши борлиқни, бадий фаолиятни, унинг ҳар хил кўринишларида эстетик идрок этишга ундовчи субъектив омилдир. Эстетик қизиқиш шахсни санъат асарларини, теvarак-атрофдаги борлиқни эстетик идрок этишга ва эстетик фаолиятга йўналтиради. Эстетик қизиқиш эҳтиёжни юзага келтиради. Эстетик тарбия тушунчаси билан бир қаторда бадий тарбия тушунчаси ҳам мавжуд. Бадий тарбия санъат асарлари адабиёт, мусиқа, ашула, тасвирий санъат ва бошқа воситалар асосида тарбиялашдир. Эстетик тарбия — анча кенг, фақат санъат воситасидагина эмас, балки қаёт, меҳнат, кишиларнинг ўзаро таъсири воситасида гўзалликни, англашни тарбиялайди. Санъатда эса эстетиканинг турли-туман масалалари намоён бўлади.

Айниқса, кишининг фикр-иродаси мадҳ этилади, унинг тарбияловчи роли ҳам шунда намоён бўлади. Шунинг учун санъат эстетик тарбиянинг мазмуни ва воситаси ҳисобланади. Эстетик тарбия ахлоқий меҳнат ва

жисмоний тарбия билан чамбарчас боғлиқдир. Эстетик ва ахлоқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги шундаки, кишининг гўзалликни идрок этишдан қувониш, унинг бошқа кишиларга яхшилик қилганидан хурсанд бўлишга ўхшаб кетади. Аксинча, гўзалликни кўра билмаслик, ундан завқлана олмаслик ёмон ишларни қилишга олиб келади. Санъатнинг тарбиявий кучи шундаки, одамни ҳаётдаги воқеаларни, ҳодисаларни чуқур ҳис-ҳаяжон билан идрок этишга мажбур этади. Эстетик тарбия меҳнат тарбияси билан ҳам боғлиқ.

Меҳнат фаолияти болаларни қувонтиради. Гўзаллик қувончисиз меҳнат қувончи бўлмайди. Меҳнат қувончи бу турмуш қувончидир. Агар инсон эстетик жиҳатдан тарбияланган бўлса, у ҳар қандай қийин ишда ҳам гўзалликни кўра олади ва уни зўр завқ-шавқ билан бажаради. Эстетик ва жисмоний тарбия ўртасида мустаҳкам боғланиш мавжуд бўлиб кишининг мустаҳкам соғлиғи учун муҳим саналади. Инсоннинг жисмоний камолоти гўзалликни тасаввур эта олмайди. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг эстетик ривожланишида, айниқса, эстетик тарбия эмас, ҳиссий ва сенсор ривожланиши тўғрисида ўйлаш керак. Бола ялтироқ бўёқдан хурсанд бўлади, бир маромдаги товуш ва ҳаракатлардан хузур қилади. Бола ҳаётининг биринчи йилида унинг сенсор қабул қилувчанлиги такомиллашиб боради. Бу ёшдаги болада кечинмаларнинг шаклланишида катталар муҳим роль ўйнайди. Бола ҳаётининг иккинчи йилида унинг идроки секин - аста такомиллашиб боради. Ўрта гуруҳга келганда, болалар эстетик идрокнинг ривожланишида муҳим ўзгаришлар юз беради. Уларнинг эстетик идроки анча шаклланган бўлади. Бу ёшдаги болалар бадиий образларни энг оддий эстетик баҳолай оладилар. Катта гуруҳнинг охирига келганда улар мусиқани, бадиий асарларни диққат билан таъкидлайдилар, тасвирий санъат асарларини синчиклаб кузатадилар, улардаги ижобий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан қувонадилар, ёмонликни қоралайдилар.

## **2. Эстетик тарбиялашнинг вазифаси мақсади ва методи.**

Эстетик тарбия (лот ‘эстеziо’ - гўзалликни ҳис этаман) - шахсни ижтимоий воқелик, табиат. меҳнат муносабатлари, турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш, тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг эстетик дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, шунингдек, гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялаш жараёни. МТМда ташкил этиладиган эстетик тарбия тарбияланувчиларда ахлоқий сифатлар, ижобий хулқ- атвор меъёрларини таркиб топтириш, уларнинг ижодий қобилиятларини тараккий эттиришга катта таъсир кўрсатади. Эстетик тарбияни олиб бориш жараёнида тарбияланувчиларда эстетик ҳис-туйғу, эстетик дидни тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиятлари, эстетик эҳтиёжлари ва

гўзалликни севиш, гўзалликка интилиш туйғуларини ривожлантириш, эстетик маданиятни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Эстетик тарбиянинг мақсади шахснинг воқеликка эстетик муносабатини шакллантиришдан иборат. Тарбияланувчилар уртасида қул меҳнати, мусиқа, тасвирий санъат маълумотларида. эртақлар ўқиш чоғида эстетик тарбияни самарали йўлга қўйиш имконияти мавжуд.

Эстетик тарбия ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилади. Аёнки, тарбия инсон онгига, хис-туйғуларига, тасаввурига, эътиқодига, дунёқарашига, хатти-ҳаракатларига, хулқ-атворида таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад ва вазифа қилиб қўяди. Эстетик тарбия ҳам ана шу умумий мақсад ва вазифанинг таркибий қисми сифатида амал қилиб, тарихий-ижтимоий жихатдан аҳамиятга молик ходисани англатади. Шунини таъкидлаш жоизки, Қадимги дунёда умуман тарбия мақсади эстетик асосда намоён бўлган. Қадимги юнонларда эстетик тарбия мақсади фуқароларнинг ҳар томонлама ривожланишига, “руҳ ва бадан” ҳамоҳанглигини қарор топтиришга йўналтирилган эди. Аристотель ва Платон каби буюк мутафаккирларнинг таълимотларида эстетик тарбия тизимининг бир-биридан фарқли томонлари бўлгани ҳолда умумийлик ҳам мавжуд бўлиб, у ягона эстетик орзунини қарор топтиришга, ягона ахлоқий хулқ-атвор ва фуқаролик сифатларини шакллантиришга хизмат қилган эди. Авваллари эстетик тарбия ўта тор ва бир томонлама талқин қилинар, яъни уни санъат асарларини тўғри идрок этиш, бу билан алоҳида лаззатланиш ёки бирор санъат турини билиб олиб, муайян бадий кўникмаларга эга бўлиш доирасида инъикос этилар эди. Баъзан эстетик тарбияга одамларда юксак эстетик дид-фаросатни шакллантириш сифатида қаралар эди. Буларнинг барчаси бадий- эстетик тарбиянинг вазифа ва мақсадлари доирасига киради. Эстетик тарбиянинг вазифалари тарбиянинг умумий мақсадларидан келиб чиқиб, болаларнинг ёш ва индивидуал имкониятларига қараб белгиланади.

**Эстетик тарбиянинг вазифаларига  
қўйидагилар киради:**

1. Болаларни ҳаётдаги, воқеликдаги, табиат ва турмушдаги гўзалликни тушуниш, кўра билишга ўргатиш. Уларда эстетик хис-туйғу, дид, эстетик муносабатни тарбиялаш.
2. Болаларни бадий ижоднинг турли жанрларида яратилган санъат Асарларини тушуниш, севишга ўргатиш, уларда эстетик онг қирраларини шакллантириш.
3. Болани санъатнинг турли соҳаларига қизиқиши, изланишини таркиб топтириш.

### 3. Эстетик тарбиянинг воситалари.

Шахснинг эстетик маданиятини шаклланиши кўп жиҳатдан эстетик камолотига таъсир ўтказадиган ташқи ва ички шарт-шароитларга боғлиқ. Шундай ташқи ва ички шарт-шароитлар эстетик тарбия омиллари деб аталади. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг эстетик тарбиялаш вазифаларини амалга ошириш учун маълум бир шароитларни яратиш лозим. Болаларни ўраб турган муҳит, турмуш эстетикаси ана шундай энг муҳим омилдир. Агар муҳит эстетикликка асосланган бўлса, агар бола одамлар орасидаги хушмуомала муносабатни кўрса, теварак-атрофдан олинган таассуротлар ижобий тавсифга эга бўлса, у кичиклигиданок эстетик борлиқни ўзи учун меъёр сифатида қабул қилади. Турмуш эстетикаси ўзида кўплаб деталларни қамраб олади. Шунингдек, болаларни борлиқни ва унинг гўзаллигини таҳлил этиб боришга ўргатиш лозим: “Сени кўйлагингга қайси рангдаги туфли мос тушади, деб ўйлайсан?”, “Уйимиз деворига кўпроқ қайси рангдаги парда тўғри тушади: кўкми ёки яшил?”.

Мазкур ҳолатда боланинг айнан жавобининг ўзи муҳим эмас, асосийси унинг эътиборини рангнинг мос келиши ёки келмаслигига қаратиш, шунингдек, болада у ҳам гўзаллик яратиши мумкинлиги ҳақидаги хулосани ҳосил қилишга эришишдир. Эстетик тарбиянинг энг муҳим омилли - табиатдир. Табиат билан доимий равишда муносабатда бўлмай туриб, эстетик жиҳатдан ривожланиш, эстетик тарбияни уюштириш мумкин эмас.

Бошқача айтганда, табиат ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган гўзаллик манбаи. У эстетик хис-туйғу, кузатувчанликни ривожлантириш учун бой материал беради. Айниқса, табиат бадиий образлар оркали ифодаланса, янада узининг эстетик жиҳатини яққол намоён этади. Масалан:

*Қуддус Муҳаммадийнинг “Болалар” шеърида ана шу жиҳат ёрқин акс этган:*

Гув-гув учар болари,  
Дув-дув учар болари.  
Гулдан-гулга кўнишиб,  
Шарбат ичар болари.  
Сен қадрдон дўстимиз,  
Асалинг еб, ўсдик биз.  
Ясаб берайин қути,  
Боғчамизда қол, ари!

Жонажон табиат эстетик тарбиянинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади. Теварак-атрофдаги табиат гўзаллиги хатто энг кичик болани ҳам қувонтиради. Унинг туйғулар ва хаёлларда сақланган гўзаллиги болалик-

да айниқса, чуқур ва ёрқин идрок қилинади, инсон буларни бутун ҳаёти давомида эсидан чиқармайди. Сайр, экскурсия вақтида тарбиячи болаларнинг диққатини табиатнинг ранг-баранглигига, унинг ўзгариши ва уйғунлигига қаратади, табиат ходисаларига қизиқиш уйғотади, унга мухаббат ва эҳтиёткорлик муносабатини тарбиялайди, асраб-авайлашга ўргатади. Буларнинг ҳаммаси болаларнинг эстетик дидларини тарбиялайди, улар кишиларнинг меҳнат натижаларини яққол кўриб, атрофдаги гўзаллик инсон меҳнати туфайли юзага келишига ишонч ҳосил қиладилар. Мана шу жиҳатдан эстетик тарбиянинг яна бир омили сифатида меҳнат юзага чиқади. МТМ ер майдончаси ва табиат бурчагидаги ўсимлик ва ҳайвонларни кузатиш ҳамда парвариш қилиш болаларда эстетик идрокни, уларга нисбатан тўғри муносабатни, гўзаллик яратиш хоҳишини шакллантиради ҳамда қизгин фаолиятга ундайди. Йилнинг ёз фаслларида полизда, гулзорда, ер майдончасида меҳнат қилиш жараёнида ҳам болалар эстетик завқ оладилар. Кузда ўз меҳнати мевасини ейиш болага алоҳида эстетик хузур бағишлайди. Дала ва боғларга сайрга борганда табиатнинг гўзаллиги ва бойлигидан, у ердаги деҳқонларнинг яратувчилик меҳнатларидан бениҳоя завқланишади. Эстетик тарбия омиллари орасида санъат муҳим ўрин эгаллайди.

Санъат - ижтимоий онг ва фаолиятнинг ўзига хос шакли бўлиб, тева-рак-атроф ва борлиқни бадиий образларда акс эттирилишидир. Эстетик тарбиянинг энг муҳим омили сифатида санъат нафақат бадиий қадриятларни идрок қилиш, балки уларни яратишни ҳам ўз ичига олади. Бадиий қадриятларни яратишга жамият аъзоларининг, айниқса, ёш авлоднинг фаол иштирок этиши уларда эстетик дид- фаросат ва талаб-эҳтиёжларнинг ривожланишига, ижодкорлик қобилиятларини рағбатлантиришга олиб келади. МТМда болаларни эстетик жиҳатдан тарбиялашда санъатнинг хилма-хил турлари ва жанрларидан, хусусан мусиқа ва тасвирий санъатдан фойдаланилади. Эстетик тарбиянинг воситаларидан яна бири кўғирчок театридир. Кўғирчок театри дунёнинг кўплаб халқ ва элатларига қадим замонлардан буён маълум.

У жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Кўғирчок театри ҳар қайси давлатда турли шаклда, турли ҳажмда, ўзига хос тарзда тараққий этиб, ривожланиб келган. Мактабгача ёшдаги болаларни эстетик тарбиялашда кўғирчок театри воситасидан самарали фойдаланиш – болаларнинг иқтидори, объектив борлиқ ҳақидаги тасавури, дунёқарашини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитни яратиши билан аҳамиятлидир. Ўзбекистан Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Ёшларнинг маънавий оламини болалиқдан бошлаб эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топ-



тириш ҳақида гап борар экан, яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлайман. У ҳам бўлса, дунёга хайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва хиссиётларига мос кўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир”.

Зеро, кўғирчоқ театри воситасида боланинг атроф-муҳит, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, таассуротлари, у ёки бу ходисаларни тушуниш, гўзалликни кўра билиш ва хис этишга маъсулият хисси ошади. Кўғирчоқ театрининг болаларнинг эстетик тарбиялашда нихоятда кучли таъсир этиши унинг соддалиги, одатдан ташқари жўшқинлиги ва кўғирчоқлиги, шунингдек, бадий сўз, мусиқа, кўшиқ, ракс, тасвирий санъат каби таркибий қисмларнинг узвий жипслашиб кетганлиги бола кўз ўнгида яққол намоён бўлишидир. Мактабгача ёшдаги болаларнинг кўғирчоқ театри воситасида эстетик сифатларини шакллантириш жараёнида қуйидаги босқичларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- ўтказилиши режалаштирилган театр олди суҳбати (болаларда театр қахрамонларининг ўзига хос табиати, хатти-ҳаракатлари ҳақидаги тасаввурларини савол-жавоб асосида аниқлаш);

- театрнинг таъсирчан, хис-туйғу ва мазмунга бой тарзда ўтказилиши;

- театр намойишидан сўнгги суҳбат (болаларнинг воқеалар, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳақидаги фикрлари).

Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларнинг бадий дидини ўстиришда китоблар муҳим роль ўйнайди. Китоблар фақат болаларнинг ёшига мос, мавзу, мазмун билангина эмас, шу билан бирга баён қилиш усули ҳамда безатилиши билан ҳам ажралиб туриши жуда муҳимдир. Айниқса, икки-учли ёшли болалар учун чиқарилган китобларда сўзлардан кўра расмларнинг таъсири катта бўлади. Бола китобчадаги расмларни қайта-қайта ўз ўртоқларига, катталарга, кўғирчоғига “ўқиб” бериш билан унинг мазмунини ўз хотирасида мустаҳкамлайди. Китобдаги чиройли, ёрқин расмлар болаларнинг бадий дидини тарбиялайди. Болалар томонидан энг кўп ўқиладиган китоблар эртақлардир.

Эртақлар қисқа сюжетли, тилининг ҳаётий ва жонлилиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари эртақ қахрамонларининг болаларга яқин ва таниш эканлиги ҳам улар билан бирга хайратланиш, воқеаларни қизиқиш билан эшитиш имконини беради. Эстетик тарбия МТМда расм чизиш, қирқиб елимлаш, лой иши каби фаолиятлар орқали амалга оширилади. Ана шу нуқтаи назардан болаларни эстетик тарбиялашда тасвирий санъат муҳим роль ўйнайди. Болаларнинг бадий-эстетик тасаввурлари теварак- атрофдаги жонли ва жонсиз нарса-ходисаларни турли усуллар (расм чизиш, қирқиб-елимлаш, лойдан нарсалар яшаш, тикиш), анъанавий

(акварел буёғи, бўр, қалам, мўйқалам, фломастер, рангли қалам ва иплар, қоғоз, картон, елим, игна) ва ноанъанавий (пахта, губка, бармоқлар ёрдамида, шам, гугурт чўплари) воситалар орқали тасвирлашда намоён булади. Буларни бадий-эстетик саводхонликнинг дастлабки элементлари сифатида қабул қилиш мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар тасвирий кўникма ва малакаларни осон ўзлаштиради. Икки-уч ёшли бола қалам ва мўйқаламни тўғри ушлаш малакасини осон эгаплайди, ундан фойдаланишни қийинчиликсиз ўрганиб олади. Олти ёшда бола бир қанча кўникма ва малакалар захирасига эга бўлади ва улардан янги предметларни тасвирлашда керакли усулларни қўллаб, мустақил равишда ўз ақлу идрокига таянган ҳолда фойдаланиши мумкин. Тарбиявий фаолиятда шундай воситалар қўлланиладики, улар шахснинг эстетик воқеликка муносабатини ривожлантиришга хизмат қиладди. Тарбиявий фаолиятнинг бундай воситалари эстетик тарбия воситалари деб аталади. Эстетик тарбия омиллари ва воситалари ўртасидаги чегара нисбий ҳамда шартлидир. Муайян шароитларда эстетик тарбия омиллари эстетик тарбия воситалари вазифасини ўташи, аксинча, бўлиши ҳам мумкин.

***Юқорида кўрсатилган вазифалар асосида мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳар бир ёш гуруҳида эстетик тарбия беришнинг методлари ишлаб чиқилади:***

1. Онгни фикрлаш қобилиятни ривожлантиришга қаратилган методлар.
2. Одатлантириш ва машқ қилдириш методи (такрорлаш, ўргатиш, мусобақалар уюштириш, ибрат, намуна, ўғит).
3. Рағбатлантириш ва жазолаш методи (маъқуллаш, кўнгил кўтариш, намуна қилиш, қаторнинг бошида турғозиш, раҳматнома эълон қилиш, огоҳлантириш, тушунтириш, ота-онасига мурожаат этиш).

***Болалар боғчасидаги эстетик тарбиянинг асосий воситалари қуйидагилардир:***

- ижтимоий муҳит ва турмуш эстетикаси;
- санъат асарлари;
- болаларнинг ижодий фаолиятлари;
- байрамлар, кўнгилочар тадбирлар;
- маълум мақсадга қаратилган ва режа асосида амалга ошириладиган тизимли таълим.

Хулоса қилиб айтганда, эстетик тарбия болаларни ҳар томонлама баркамол тарбиялашнинг муҳим омили бўлиб, ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбия билан чамбарчас боғланган ҳолда амалга оширилади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Эстетик тарбия атамаси ва тушунчаси.
2. Эстетик сўзининг маъноси нима?
3. Эстетик тарбия шакллари айтиб беринг.
4. Эстетик тарбиянинг вазифаларини санаб беринг.
5. Эстетик тарбия бериш воситаларига қайсилар киради?

### Мавзу юзасидан тест саволлар:

#### 1. Асосий эстетик категория бу ...

- а) ахлоқийлик категорияси
- б) \*гўзаллик категорияси
- в) билимлилик категорияси
- г) маданиятлилик категорияси

#### 2. Эстетик онг асосини нима ташкил этади?

- а) билим
- б) тафаккур
- в) эстетик идрок
- г) \*эстетик билиш

#### 3. Эстетик онг бу ...

- а) ижтимоий воқелик
- б) санъат, мулоқот жараёнида шаклланадиган ғоялар
- в) бадиий фикр мезонлари
- г) \*ҳамма жавоблар тўғри

#### 4. «Бадиий тарбия» - бу ...

- а) \*санъат воситалари билан тарбиялаш
- б) идрок орқали тарбиялаш
- в) эстетик эҳтиёж
- г) эстетик идрок

#### 5. Мактабгача ёшидаги болаларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг воситалари бу ...

- а) теварак атрофдан олинган таъсуротлар
- б) табиат, санъат асарлари
- в) болаларнинг тасвирий фаолиятлари, байрамлар
- г) \*ҳамма жавоблар тўғри.

#### 6. Эстетика атамасининг маъноси нима?

- а) \*гўзалликни ҳис этман;

- b) яхшиликни сезиш;
- c) ақл ва ахлоқ;
- d) бадийлик;

**7. Шахсни ижтимоий воқелик, табиат. меҳнат муносабатлари, турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш, тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг эстетик дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, шунингдек, гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялаш жараёни бу...**

- a) \*Эстетик тарбия;
- b) Жисмоний тарбия;
- c) Ахлоқий тарбия;
- d) Сенсор тарбия;

**8. Эстетик эҳтиёж бу....**

- a) \*киши борлиқни, бадий фаолиятни, унинг ҳар хил кўринишларида эстетик идрок этишга ундовчи субъектив омилдир.
- b) санъат асарлари адабиёт, мусиқа, ашула, тасвирий санъат ва бошқа воситалар асосида тарбиялашдир.
- c) инсонни ўраб турган муҳитга муносабатининг асосий шакли бўлиб, ҳаёт ҳақиқатини ўзлаштиришнинг асосий босқичидир.
- d) эстетик идрок, ишонч ва талаб.

**9. Санъат асарлари адабиёт, мусиқа, ашула, тасвирий санъат ва бошқа воситалар асосида тарбиялаш бу...**

- a) \*Бадий тарбия;
- b) Иқтисодий тарбия;
- c) Миллий тарбия;
- d) Сенсор тарбия;

**10. Эстетик ҳис бу.....**

- a) \*инсонни ўраб турган муҳитга муносабатининг асосий шакли бўлиб, ҳаёт ҳақиқатини ўзлаштиришнинг асосий босқичидир.
- b) педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этиш.
- c) эстетик идрок, ишонч ва талаби.
- d) киши борлиқни, бадий фаолиятни, унинг ҳар хил кўринишларида эстетик идрок этишга ундовчи субъектив омилдир.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1 – амалий машғулот**  
**ПЕДАГОГИКАНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК**  
**АСОСЛАРИ. МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ МОҲИЯТИ**

“Ўзбек халқ, педагогикаси” қамрови ниҳоятда кенг, бағоят серқирра ва сержило тушунча бўлиб, у шу халқ, пайдо бўлган бутун даврни ўз ичига олади.

Халқ педагогикаси ижтимоий ва маиший-ахлоқий ҳаётнинг барча томонларини, халқ оғзаки ижоди, кадршунослиги, удумшунослиги ва маросимшунослигининг етакчи йуналишларининг, диний ахлоқий таълимотни қамраб олиши билан характерланади.

Маълумки, халқнинг педагогик қарашлари ўзаро асрлар давомида шаклланган ва улар бизга алоҳида қўлланма, дастур дарсликлар шаклида етиб келмай, балки асосан халқ оғзаки ижодига кирувчи турли жонлардаги асарлар, элшунослик, кадршунослик, удумшуносликлар қошида сақлаб қолинган ва қурьон, ҳадисда уз ифодасини топган.

Халқ педагогикаси таркибига дostonлар, эртақлар, меҳнат, мавсум-маросим қўшиқлари, асотирлар, нақллар, ривоятлар, афсоналар, мақоллар, маталлар, ҳикматлар, кайроқи, сўзлар, афоризмлар, топишмоқлар, тез айтишлар, болалар ўйинлари, аллалар, тўй ва аза қушиқлари, айтишлар, олқиш ва қарғишлар, суюш, эркалаш қушиқлари, эркаламалар, овутмачоклар, қизикмачоклар, яшинмачоклар, хукмагичлар, чорламалар, чеклашмоқчалар, гулдургуплар, санамалар, лапарлар, айтишув, ўлан, термалар, болалар тарқалиш, чорлаш қўшиқлари, рамазон, бойчечак, ёмғир, куёш, юлдуз, сув айтимлари, чандишлар, тегишмачоклар, масҳараламалар, «Наврўз», «Меҳржон» баҳор, куз, қиш, ёз айтим қўшиқ ашулалари, дехкончилик, чорвадорлик, касб-хунармандчилик билан боғлиқ насрий ва назмий асарлар, инсон табиат ҳайвонот дунёсига оид намуналар ҳамда мифологик тасавурлар акс етган асарлар, қурьони Карим, Ҳадис ҳамда Шарқ мутафаккирларининг ахлоқ-одобга оид қарашлари киради.

Халқ, наздида, инсон она қорнидан яхши ё ёмон бўлиб туғилмайди - у бирдай туғилади, яхши-ёмонга айланиши тарбиядан, даставвал ота-она, оила, маҳалла-қуй, қишлоқ-овул, қолаверса, жамият-тузумдандир. Бунда аждодлар қолдирган ота мерос-оилавий педагогика, халқ педагогикаси, шунингдек удумшунослик, кадршунослик, элшунослик анъаналари хал қилувчи ўрин тутади. Халқ таъкидлашича, бола бошдан туғри, ҳаққоний тарбияланса, у келгусида яхши инсон бўлиб етишади, эгри йулда тарбияланса ёмон кишига айланади. Зеро, кўчат бошдан, бола

ёшдан мақолига амал қилиш халқ анъанавий педагогикасининг бой йўналишидир. Шунинг учун халқ педагогикасида тарбиянинг майда-чуйдаси, яъни бирламчи-иккиламчиси булмайдиган, ҳамма нарса ҳисобга олиниши, ҳеч бир соҳа четда қолмаслиги, айтиш жоғди тарбиянинг ниҳоятда нозик, инжиқ, мураккаб томонлари эътиборга олинган ҳолда, етти ўлчаб бир кесишга амал қилинади. Ўзига ҳослиги шундаки, халқ тарбияда кеча, бугун ва эртани ўйлаб иш тутати, бугуннинг қадрига етиш, келажакка умид асосида олиб боради.

Халқ педагогикасининг яна бир ибратли томони бор, бу ҳаёт табиат жамиятдаги ҳар бир воқеа ҳодиса, предмет, кўринишдан мукамал фойдаланишидир.

Халқ анъанавий педагогикасида ишонтириш, исботлаш, таъсир, ибрат номунаси, тажриба натижалари, тасдиқлаш ҳам алоҳида ўрин тутати. Буни айниқса дов-дарахт, тоғ-тош, паррандаларга бағишланган фольклор намуналарида яққол кўриш мумкин. Халқнинг бундай қарашлари заминда тўрт унсурни асраш, авайлаш, экологик тарбия ётади.

Халқ бисотидаги энг яхши табаррук сўзлар-дуо-олқишлар ҳам тарбияга қаратилади. Зеро, халқ анъанавий педагогикасида яхши сўз, дуо олишнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти, инсон маънавий устиворлиги, иймон-этиқод бутунлиги қисқаси, кишиларнинг ҳар томонлама мукамал камолатида тутган ўрни ва ролига алоҳида аҳамият берилади. Эл-юрт учун ҳар томонлама мукамал инсонни тарбиялашга қаратилган ўзбек халқ педагогикаси айрим шахслар, ёки 1-2 жамоа томонидан яратилмаган.

Уни халқимиз асрлар давомида ўзининг бой ҳаётий тажрибалари фарзандлар камолати борасида тутган тутимлари, сабб-ҳаракатлари, йул-йуриқлари, ақл-заковатлари билан яратган. Айтиш жоғди ўзбек халқ педагогикаси ўз ривожига бойиб, мукамалланиб боришида илм-фаннинг бошқа соҳаларидан, яъни мумтоз адабиёт, санъат, оғзаки ижод, элшунослик, удумшунослик, кадршунослик, одатшунослик, рузшунослик каби соҳалар бағрида шаклланиб, улар билан бевосита алоқада булди, энг яхши намуналарни ўзига қабул қилиб олади. Ўзбек халқи ҳамиша сафарда, ўзга юрт кишилари билан мулоқотда бўлган. Инсонпарварлик, байналминаллик, хушёрлик, зукколик, топқирлик, билимдонлик, ўқувчиликни ўзига эътиқод қилиб олган ўзбек халқ педагогикаси айтиш жоғди, Шарқ одобномаси, ибратномасидан доимий равишда баҳраманд бўлган, шарқона халқ педагогикаси бойликларидан озиқланган ва унинг энг гўзал намуналарини ўзига қабул қилиб олган.

Шундай қилиб, ўзбек халқ педагогикаси туркий халқлар ота-боболаримиз узок мозийда яратган ва кўз қорачиғидай асраб авайлаб,

сақлаб келган ота мерос, Шарқ халқларининг бой, бетакрор одобнома ва одатномаси, халқ педагогикаси, халқ педагогикаси энг яхши намуналар, алломалару адабиёт ва фольклор ижодкорлари-ижрочиларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, яратган асарлари билан қўшилган ҳолда шаклланган, ривожланган.

Халқ педагогикаси асрлар давомида яшаб келди. Аждод-авлодларнинг ахлоқий-маърифий шаклланишида ва камолатида, жисмоний баркамоллигида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Оддий инсонми, алломами, султонми, фуқароми, оддий суворийми саркардами халқ том яратилган халқ анъаналарига тўла амал қилган.

Халқ, педагогикасининг бунчалик таъсир кучи, аҳамияти нимада, яшовчанлиги, умри боқийлиги нимада?

1. Унинг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги, серқирра, сермаънолигида.

2. Унинг бевосита халқ томонидан мавжуд ҳаёт жараёнида, жонли анъаналарида-яратилиши, яшаши, ҳаёт, инсон муаммоларини қамраб, олиши, тарбиянинг энг долзарб муомалари ечимини ҳал қилишга қаратилганлигида.

3. Умуминсоний йуналишга, умумбашарий ғоя мақсадларга қаратилган бўлганлигидадир.

Шунинг учун халқ педагогикаси тарих туфонларию, ур-йиқитларига, тус тўполонларига бардош бериб, тажриба-синовлардан мувафакият билан утиб, товланиб, сайқаллашиб, ҳеч бир даврда фаолиятини тўхтатмасдан (қийин булса-да) авлодлар камолоти, тарбияси борасида ҳал қилувчи ролини уйнаб келди.

Халқ педагогикаси бамисоли жонли организм, қайнар булоқ, ўлмас, ўчмас, доимо бойиб, кўпайиб борувчи илоҳий, муъжизавий тарбия соҳасидир.

Халқ бор экан, эл яшар экан, бу соҳа яшайверади. Чунки халқ орзумиди, қувонч-ташвишлари, ғам-ғусса-ю армонлари, шодлик, бахтиёрлик онлари-ю кадр-қимматлари, маънавий-маърифий, эстетик-бадиий қарашлари, дунёқараш, фалсафий-ахлоқий тушунчалари, ҳаётий таълим-тарбиявий хулосалари халқ педагогикасида акс этган.

Ўзбек халқ педагогикаси ўзининг йўналиши, ибратли хулосаларга бойлиги, бебаҳо асарлари, маъно-манتيқ жихатдан мукамаллиги, теранлиги, услуби, одобномаси, одатномаси, ибратномаси билан ҳавас қилса арзийдиган буюк меросдир.

Мустақилликка эришиб, ўз миллий истиқлолимизга эга бўлгач умуминсоний ва ўзбекона қадриятларни чуқур англай бошладик.

Мустақил Ватанга ҳар томонлама етук, мукамал, ахлоқий пок, маънавий устивор, иймон-эътиқоди бут ўз халқи Ватанига фидойи,



жисмоний баркамол кишилар етказиш учун уларнинг ахлоқий-жисмоний тарбиясига алоҳида аҳамият бера бошладик. Ватан тақдири, халқ равнақи, мустақил юришнинг келгуси бошқарувчиси янги авлод тарбияси 1-ўринга чиқди. Бу вазифани амалга оширишда халқ педагогикасининг роли каттадир. Бугунги долзарб вазифа, мактаб, махсус ўрта ва олий таълим дастурларига, педагогикага оид қўлланмалар ва дарсликларга, қисқаси, одоб-ахлоқ, таълим тарбия ишларимизда ўзбек халқ педагогикаси анъаналаридан унумли фойдаланишимиз керак.

Миллий истиқлол мафкурасини яратишда ҳам ўзбек халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланиш керак. Чунки халқ оғзаки ижоди, халқ педагогикаси анъаналари миллий истиқлол мафкурасининг асосий манбаларидир.

Шунинг учун бу соҳада навбатдаги вазифалар:

1. Ёш авлодни миллий одоб-ахлоқий тарбиясида фольклор, қадимий қадриятларимизда ифодаланган миллий ва умумбашарий хислат фазилятлар асосида тарбиялашга эришиш;

2. Мактаб, олий ўқув юртлари тизимини бутунлай ўзгартириб, уни халқимизнинг миллий таълим тарбияси, миллий қайта қуриш;

3. Халқ оғзаки ижоди, одобнома, халқ педагогикасининг ажралмас қисмидир.

Халқ оғзаки ижодининг одобномаси, унинг таълим-тарбиявий томонларидан кундалик ҳаётимизда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ фойдаланиш давримиз, истиқлолимиз талабларидандир.

4. Ўзбек халқ педагогикаси қўлланмасини яратиш вақти келди;

5. Илмий-назарий тадқиқотлар ва амалий фаолиятда ўзбек халқ педагогикаси анъаналарининг нафақат ахлоқий, маърифий-эстетик жиҳатларидан фойдаланиш, балки унинг улкан қисми халқ анъанавий спорти, жисмоний тарбия ва фольклор ўйинларининг, шу жумладан, байрам сайилларнинг фарзандлар жисмоний, ақлий тарбияси, бақувватлиги, чاقқонлиги, эпчиллигидан ўринли ва унумли фойдалана олишимиз керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек халқ педагогикаси, ундаги ҳар бир жанр бир олам, одоб, таълим-тарбиянинг ўзига хос дарслигидир. Халқ оғзаки ижодининг ҳар бир жанри тарбиянинг умумий жиҳатларини акс этишдан ташқари, яхшилик, эзгулик ва одамийликни, гўзал, ибратли мисолларда тасдиқлаши, даъват этиши, юктириши каби ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

Халқ педагогикаси анъаналарида муҳим ўрин тутувчи инсон одоби, таълим тарбиясида ҳал қилувчи ролни ўйновчи, халқимизнинг асрлар бўйи ўз орзу-умидлари, дард-аломалари, мустақиллик ахлоқий қарашлари, умуминсоний ва миллий қадриятлари акс этган халқ оғзаки ижоди аҳамият касб этади.

Миллий педагогика халқимизнинг маънавий бойликларидан бири бўлиб, у тарбиянинг мақсад ва вазифаларини, шахс камолотини ривожлантиришда муҳим йўналишларни ифода этувчи бир қанча воситаларнинг мажмуидир. Чунки унда халқнинг авлоддан – авлодга ўтиб келаётган тажрибалари ва педагогик билимлари намоён этилган. Халқ педагогикаси ўзбекона ахлоқ-одоб ва тарбиянинг барча қирраларини ўзига мужассамлантирган. Халқ педагогикада турли хил тарбия усуллари ва воситалардан фойдаланилади, бу усул воситалар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кўп томонлари билан илмий педагогикадан устинлик қилади. Чунки бу усуллар илмий педагогикани шаклланишида ҳам ўз таъсирини ўтказган. Халқ педагогикасида қўлланилган жуда хилма-хил тарбия усулларини қуйидаги тарзда умумлаштириш мумкин.

1. Тушунтириш (ўрганиш, одатлантириш, машқ қилдириш).
2. Намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳақида сўзлаш, ўрнак бўлиш).
3. Насиҳат бериш ўғитлар ундан (кўндириш, илтимос қилиш, тилак, истак билдириш, маъқуллаш, оқ йўл тилаш ва ҳақозолар).
4. Жазолаш (таъқиқлаш, гина, танбеҳ бериш, койиш, айблаш, уялтириш, ва ҳақозолар).
5. Рағбатлантириш (раҳмат айтиш, миннатдорчилик билдириш, дуо қилиш, ва ҳақозолар)

Агар синчкилаб қаралса юқорида келтирилган беш хил усул умум бир яхлитликни ифодалайди. Олдин болага умумий манзара тушунтирилади. Болаларга нарса ва ҳодисаларни тушунтиришда тарбиячи намуна воситасини ўтайди. Яъни ёшларнинг мустақил кузатувчанлигига эътибор берилади. Унда ҳам тушунмаган катталарни насихати, ўғити орқали нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига ётадиган бўлишади. Бордию бунда ҳам тушунмаса, ёки тушунишни истамаса унда қоралаш ва жазо усуллари билан фойдаланишга тўғри келади. Ҳозирги замон илмий педагогикаси қоралаш ва жазони сўнгги чора аниқ кам самара берадиган чора эканлигини исботлаган. Халқ педагогикасининг нодир намуналари тарбиявий усуллари ва тарбиявий таъсирлар муайян воситалар орқали амалга оширилган. Ҳашарлар, турли гурунлар, туғилган кунни нишонлаш, қизлар базми, йигитлар базми, мусобақалар, турли маросимлар ва бошқалар ўзига хос тарбиявий восита вазифасини бажарган. Ўқувчи ёшларни тарбиялашда миллий анъаналар умуминсоний қадриятлар асос қилиб олиниши керак. Булар ўз навбатида янгича тарбиянинг ўзгача мувофиқ услуб ва шакллари тақоза этади. Инсон қалбига экилган яхшилик орада ўн йиллар униб чиқади. Буни илмий асослаб олдиндан кўра билиш керак.

Халқ педагогикаси киши ақли ва қалбига таъсир этиб, уларнинг ишида ва турмушида, феъл-атвори ва одобида, меҳр-шавқат, одиллик, поклик, олижаноблик, ҳақгўйлик, ҳалоллик каби фазилатларни шакллантирган.

***Миллий педагогиканинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:***

- халқ оғзаки ижоди.
- миллий урф-одатлар, анъаналар ва маросимлар.
- халқ ўйинлари ва ўйинчоқлар.
- миллий байрамлар.
- халқ амалий санъати.
- ҳунармандчилиги.
- миллий мусиқа ва кўшиқчилик санъати.
- миллий чолғу асбоблари.
- тасвирий санъат.
- тарихий ёдгорликлар ва миллий меъморчилик.
- халқ рақс санъати.
- диний таълимот.
- ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш.

Халқ педагогикаси ўқувчиларни халқимизнинг урф- одатларига, қадриятларига, динига, тилига, Ватанига, миллий ва умуминсоний бойликларига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашнинг асосидир.

Педагогика фани инсон манфаати, эркинлиги ва кадр-қимматига хизмат қилувчи тинчлик, меҳнат ва озодлик, адолат ва бахт каби умуминсоний қадриятларга асосланади, улардан келиб чиқиб Ўзбекистон халқи манфаатларига суяниб қулай ва асослик йўналишларни тадқиқ этади.

**Шаклан бир-бирига яқин савол-жавоблар**

<b>Савол</b>	<b>Жавоб</b>
Ян Амос Коменскийнинг таълим-тарбияга оид асари	“Буюк дидактика”
Абу Наср Фаробийнинг таълим-тарбияга оид асари	“Фозил кишилар шаҳри”
Алишер Навоийнинг таълим-тарбияга оид асари	“Махбуб ул қулуб”
Юсуф Хос Хожибнинг таълим-тарбияга оид асари	“Қутадғу билиг”

## **АМАЛИЙ ВАЗИФА**

Тингловчилар гуруҳларга бўлиб олинади ва юқоридаги келтирилган маълумотлар асосида гуруҳда ишлаш учун “Т”-схема методидан фойдаланиб вазифа берилади. Ҳар бир гуруҳга миллий педагогиканинг бирон бир йўналиши тури ёзилган вазифа берилади.

**Вазифа:** Гуруҳга тушган йўналишни таҳлил қилинг. Яъни, миллий педагогиканинг йўналишларидан биридаги ташкил этилган жараёнда болалар ўзлаштирадиган фанлар кесимидаги **билимлари** (таълим) ва ривожланадиган сифатларни (тарбия) таҳлил қилинг. Билимларни “Таълим”, сифатларни “Тарбия” ёзуви туширилган катакларга ёзинг.

<b>МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИКА ЙЎНАЛИШИ</b>	
<b>ТАЪЛИМ</b>	<b>ТАРБИЯ</b>

<b>МИЛЛИЙ ЎЙИНЧОҚЛАР “БЕШИК” ЎЙИНЧОҒИ</b>	
<b>ТАЪЛИМ</b>	<b>ТАРБИЯ</b>
<b>Табиятшунослик-</b> дарахтдан ишланганлиги; <b>Муסיқа</b> –алла кўшиғини хиргойи қилиши; <b>Физиология-</b> кўғирчоқни тўғри бешикка ётқизиши; <b>Меҳнат...</b>	<b>Оналик меҳри</b> шаклланади; <b>Миллий урф</b> одатларга хурмат; <b>Она</b> тимсолида <b>Ватанга</b> муҳаббат хиссининг пайдо бўлиши; ...

**2 – амалий машғулот**  
**ТАРБИЯЧИ ВА УНГА ҚЎЙИЛГАН ҲОЗИРГИ**  
**ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли фармонида кўрсатилганидек, мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобла-ниб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўна-лишлари даражасига кўтарилди. Бироқ, ўтказилган таҳлиллар мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Жумладан, сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактаб-гача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30 фоизни ташкил этади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермайди.

Мактабгача таълим тизимида вариатив дастурлар жорий этилмаган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган ҳамда тараққий этган мамлакатлар сингари ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус давлат таълим дастурлари татбиқ қилинмаган.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, бола-ларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.

Бундан ташқари, мактабгача таълим сифати мониторингини юри-тиш тузилмавий ва ташкилий жиҳатдан назарда тутилмаганлиги сабабли, мактабгача таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш замон талабларига жавоб бермайди.

Хорижий давлатлар илғор тажрибасининг таҳлили замонавий мак-табгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлан-тириш учун шароитларни яратишга йўналтирилганлиги билан тавсифла-ниб, боланинг ижобий ижтимоийлашуви имкониятларини намоён қилиш,

унинг ҳар томонлама шахсга оид маънавий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, мактабгача ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очишга қаратилган.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

**биринчидан**, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**иккинчидан**, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

**учинчидан**, республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич қамраб олинишини таъминлаш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълими ва тарбиясининг муқобил шакллари амалиётга татбиқ этиш;

**тўртинчидан**, замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан нодавлат секторида жорий этиш;

**бешинчидан**, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан мактабгача таълим муассасаларини таъминлаш;

**олтинчидан,** замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

**еттинчидан,** мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва тажрибали юқори малакали ва касбий жихатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш;

**саккизинчидан,** мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш учун муносиб шароитлар яратиш, кўнгилочар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган, ҳажмлари ва интенсивлиги асосий тиббий тақдимномалар билан белгиланувчи серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштириш;

**тўққизинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган дастур” ишлаб чиқилди.

Дастурнинг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

✚ илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш;

✚ мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

✚ мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича 6100 та қисқа муддатли гуруҳни ташкил этиш;

✚ замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш;

✚ 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентар, жиҳоз, ўқув-методик қўлланмалар ва мультимедиали воситалар билан таъминлаш.

Мактабгача таълим муассасаси узлуксиз таълим тизимининг биринчи босқичи бўлиб, ижтимоий тарбиянинг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасаси болаларни тарбиялаш, қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, уларни мактабга тайёрлашда етакчи ўрин тутуди ва соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароитлар яратди, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради. Мактабгача таълим бола 6-7 ёшга етгунча оилада, ҳамда давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилади.

## “АССЕСМЕНТ” МЕТОДИ

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“*Ассесмент*”лардан маъруза машғулотларида тингловчи ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, педагогнинг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

### **Намуна.**

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



**3 – амалий машғулот**  
**МАКТАБГАЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ**  
**РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРБИЯСИ**

Мактабгача ёшдаги боланинг жисмоний ва психик камолоти шартли равишда қуйидаги даврларга бўлинади:

- гўдаклик (1 ёшгача);
- болалик ёши (1-2 ёш);
- илк ёш гуруҳи (2-3 ёш);
- кичик ёш (3-4 ёш);
- ўрта ёш (4-5 ёш);
- катта ёш (5-6 ёш);
- мактабга тайёрлов даври (6-7 ёш)

**Гўдаклик даври** болалариинг ривожланишидаги ўзига хосликлар. Инсоннинг ривожланиш даври она қорнидан бошланади. Бола она қорнида тўққиз ой мобайнида жуда тез ривожланиш жараёнини ва мураккаб тараққиёт даврини ўтайди. Бу даврда ҳам бола маълум даражада ташқи муҳит таъсирида бўлади. Шунинг учун ҳам бу таъсирнинг ижобий бўлишини таъминлаш лозим. Гўдакнинг вазни туғилган пайтда 3,5 кг, бўйи 50 см бўлган бўлса, уч ойлик даврида унинг вазни тахминан 5 кг, бўйи 60 см, 6 ойлик бўлганда эса тахминан 7 кг, бўйи 64 см бўлади. Бир ёшгача бўлган даврда боланинг ривожланиши асосан оила муҳити таъсирида бўлиб, у она сути билан озиқланиши лозим. Бола бу даврда нутққа эга бўлмаса ҳам нутқни тушуниш, англаш, ҳаракатларни идрок этиш, оила аъзоларини таниш қобилиятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам гўдаклик давридан бошлаб уч ёшгача бўлган даврда боланинг нутқи ва тафаккури жадал ривожланади.

**Болалик ёши** (1-2 ёш) даври бола бир ёшда бўлган даврда дастлабки сўзларни айта бошлайди. Бу даврда катталар, асосан, оила аъзолари гўдакни тўғри парвариш қилишни йўлга қўйишлари лозим. “Бола тушунмас экан” деб, унга бефарқ бўлмасликлари, атроф-муҳитдаги буюмларнинг номини тўғри талаффуз қилиб, уларнинг нутқини тўғри ривожлантириш учун кенг йўл очишлари керак. Оилада болани тарбиялашда ота-она билан бола ўртасида қалбан яқинликка эришиш лозим. Ота-оналар ҳеч қачон тарбияни ўз холига ташлаб қўймаслиги, яъни боланинг илк ёшлигидан бу жараёнга киришиш талаб этилади. Чунки, бола оилада биринчи ҳаётий тажрибани ўрганади, кузатади ва ўзини

турли хил вазиятларда қандай тутиш кераклигини ўрганади. Бола нимага ўргатилса, уни аниқ, ҳаётий мисоллар билан мустаҳкамлаш зарур, яъни бола катталар айтган гапларига амал қилишлари, шахсан тарбиянинг самарадорлигини таъминлайди.

**Илк ёш гуруҳ** (2-3 ёшли (болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари). Бу давр ўзига хос хусусиятларга эга. Бир ёшдан икки ёшгача бўлган давр мобайнида боланинг нутқи ва ўзгалар томонидан айтилган сўзларни тушуниш қобилиятлари жадал ривожланган бўлса, 2-3 ёшга келиб, ўзгалар нутқига тақлид қилиш жараёни бошланади, бола мусиқа, бадиий сўз таъсирига тез берилади. Шунинг учун ҳам худди шу даврдан бошлаб шеърлар айтиш ҳамда рақсга тушишни ўргатиш лозим. Уларда катталарга жўр бўлиб қўшиқ айтиш, мусиқага мувофиқ ҳаракат қилиш, оҳангни ҳис этиш кўникмаси шаклланади. Бу ёшдаги болаларни бир жойга жамлаганда улар орасида ўзаро мулоқотга киришиш кўникмалари шакллана бошлайди. Таълим- тарбиявий ишлар болаларда шакллана бошлаган худди ана шу кўникмаларни ривожлантиришга ва уларни малакаларга айлантиришга йўналтирилмоғи лозим.

**Кичик гуруҳ** (3-4 ёшли болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари. Бола 3 ёшга қадам қўйганда жисмоний ўсиши бир қадар секинлашади. Бу даврда унинг оғирлиги 14-15 кг, бўйи 90-95 смга етади. Бола жисмонан анча чиниқиб, асаб тизими тараққий этади. Таянч ҳаракат органлари такомиллашиб боради. 3 ёшли болалар қисқа муддат давомида ўз хатти-ҳаракатларини идора қилиш кўникмасига эга бўладилар. Улардаги мустақиллик ортиб боради, ҳиссиёт ҳамда сенсор идроки ривожланиб боради. Жамоа бўлиб ўйнаш кўникмалари шаклланади. Ўйин асосида амалга ошириладиган меҳнат фаолиятини фарқлаш имконияти кенгайди. Тасвирий фаолият ҳамда кўриш-яшаш фаолиятининг дастлабки кўринишлари намоён бўлади. Уч ёшли болаларнинг диққати қисман марказлашади, хотираси мустаҳкамланиб боради, моддий борлиқни идрок этиш жараёни бошланади, фараз қилиш имкониятлари вужудга келади. Бунда ўйин фаолияти етакчи роль уйнайди. Мазкур дастур худди мана шу фаолиятни кенгайтиришга ва ривожлантиришга кенг йўл очадиган таълимий машғулотлар тизимини белгилаб беришга йўналтирилган.

**Ўрта гуруҳ** (4-5 ёш болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари. Бола тўрт ёшга етгач, унинг жисмоний ўсиши бир мунча жадаллашади, бу давр мобайнида бўйи 105-108 см гача ўсади, оғирлиги эса 18-19 кг бўлади. Бу даврда боланинг мияси тез ривожланади. Катта ярим шарлар пўстлоғининг фаолияти такомиллашиб боради. Боладаги асосий ҳаракатларнинг ривожланишида жиддий-сифат ўзгаришлар содир бўлади, уларни бажаришда табиийлик ортиб боради, болаларда қиёслаш кўникмаси шакллана-

ди. Бу ёшдаги болаларнинг нутқи равон, хотираси анча теран, мустақил фикрлаш даражаси бир қадар ривожланган бўлади. Барча ҳаракат ва фаолиятларни ўзи мустақил бажаришга интилади. Бу ёшда бола ниҳоятда серҳаракат, ўйинқароқ, ўта қизиқувчан бўлади. У ҳар қан-дай тадбирга бажонидил қатнашади. Шунинг учун ҳам уларни тўғри овқатлантириш, ўз вақтида ухлатиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, руҳий ҳолатини назорат қилиб бориш, қувноқ кайфиятда бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Улар билан олиб бориладиган машғулотларнинг мазмунини худди мана шунга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

**Катта гуруҳ** (5-6 ёш болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари. Бу даврда боланинг бўйи бу даврда 7-8 см га ўсади. Унинг оёқлари гавдасига нисбатан тезроқ ривожланади, оғирлиги 20-22 кг ни ташкил этади. Болаларнинг умуртқа суяклари қотмаганлиги туфайли тез қийшайиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам суякларнинг тўғри ўсишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак. Уларнинг юраги чақалоқ юрагига нисбатан 4-5 баробар катталашган, бироқ мускуллари ҳали етарли даражада мустаҳкамланмаган бўлади. Олти ёшга етганда мия пўстлоғининг асаб катакчалари ривожланиб, оғирлиги ва ташқи кўринишидан катталарникига яқинлашади. Шунинг учун ҳам боланинг асабларига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Унинг талаффузи аниқ нутқи равон бўлишини таъминлаш керак. Боланинг бу фаолиятида нуқсон бўлган такдирда унинг олдини олиш чораларини кўриш лозим. Бу ёшдаги болаларнинг сўз бойлигининг ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Уларнинг нутқидаги сўзлар боланинг фикр ифодалаш эҳтиёжларини тўла қондириши керак. Бу даврда болаларнинг математик тафаккури, ҳисоблаш кўникмаларини ривожланиши лозим. Дастлабки иқтисодий тушунчаларга эҳтиёж сезилади. Боланинг фараз қилиш қобилятини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

**Мактабга тайёрлов гуруҳи** (6-7 ёш болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари. Бола ҳаётининг еттинчи йилида ундаги ҳаракатлар кўлами кенгаяди ва аниқлашади, унинг жисмида ҳаракатларнинг ўзаро мослашуви бошланади. 6-7 ёшли болалар ўзини идора қилиш ва ўз ҳаракатларини назорат қилиш имкониятига эга бўла бошлайди. Бу ёшдаги ўғил болаларда мустақил фаолият кўрсатиш, ташаббускорлик ривожланади ҳамда катталар фикрини тинглаш иштиёқи шаклланади. Бу даврда боланинг бўйи 120 см га етади, оғирлиги 22-24 кг бўлади. Бу ёшда бола чиниқади, қизиқувчан бўлади, ўз саломатлигини назорат қила олади, Унинг идрок кучи ва тафаккури жадал ривожланади, моддий борлиқни билишга интила бошлайди. Болаларда гигиеник малакалар шакллана боради. Болани мактабга тайёрлаш жараёнида уларда фаолиятнинг янги

тури бўлган таълим олишга ўқишга иштиёқ уйғотиш лозим. Бу ўринда болаларни руҳан таълим жараёнига киришишга тайёрлаш мақсадида дастлабки ўқув элементларини ўргатиш лозим.

Ҳар қандай олти ёшли бола мактабга қабул қилиниши мумкин. Бунинг учун у жисмонан, руҳан ҳамда ақлий жиҳатдан таълим олишга тайёр бўлиши керак. Болаларнинг мактабга тайёргарлик даражасини аниқлашда ташхис марказларининг хулосаларига таяниш лозим. Шу билан бир қаторда мактабнинг моддий-техник базаси олти ёшли болаларга таълим бериш имкониятига эга бўлиши шарт. Тарбиячининг педагогик-психологик билим даражаси, ахлоқ-одоби ва шахсий сифатлари олти ёшли болаларга таълим ва тарбия бериш учун лойиқ бўлганда, у олти ёшли болаларни ўқитиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун ҳам 6-7 ёшли болалар, уларни қабул қиладиган мактаблар ҳамда бу болаларни ўқитадиган тарбиячилар педагогик-психологик нуқтаи назардан алоҳида-алоҳида диагностика қилиниши ва шундан кейингина таълим жараёнига киритилиши керак.

Демак, мактабгача ёшдаги бола шахсининг ривожланиши ўзига хос, мураккаб жараён саналади. Мактабгача таълим ёши болаларининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир, деган фалсафий таълимотга асосланади. Бу ёшдаги болаларнинг тўлақонли ривожланишида биологик (ирсият), ижтимоий (ижтимоий муҳит) ва тарбия каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, мактабгача таълим ёшининг ўзи ҳам еттига ўзига хос, алоҳида даврларга ажратилади. Шу сабабли мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ўқитиш ва тарбиялаш ишига масъул бўлган шахслар - тарбиячи ва ота-оналар, васийлар болаларнинг ёш даври хусусиятларидан тўла хабардор бўлишлари зарур.

#### **АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ:**

Тингловчиларни 6 та гуруҳга бўлинади ва ҳар бир гуруҳга қуйидаги вазифа, топшириқлар берилади.

#### **ВАЗИФА:**

Гуруҳда ишланг ва гуруҳ билан биргаликда Сизга берилган вазифа ва топшириқни бажаринг. (6-7дақиқа)

**1-гуруҳга вазифа:** “Индивид”, “шахс”, “индивидуаллик” тушунчаларини шархланг.

**2-гуруҳга вазифа:** Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега қарға ўртача 200-300 йил яшайди. Лекин унинг болалиги узоғи билан беш-олти ой давом этади. Инсон ўртача 60-70 йил умр кўради. Бироқ, у 20-25 ёшларида мустақил ҳаёт бошлайди. Мазкур ҳолатни қандай изохлаш мумкин?

**3-гурухга вазифа:** Қуйида келтирилган жумлаларни ўқинг ва жумлага мос келадиган бир сўз билан ифодаланадиган жавобни топинг.

1) ўзи истамаган ҳолда бировга ёмонлик қилиб қўйса ҳам, мазкур ишидан афсусланади, виждон азобида қийналади - ...

2) индивидлар ичида бир тур - ...

3) жамиятда ўз ўрнига эга, ижтимоий аҳамиятга эга мақсад йўлида бир ёки бир нечта кишини ўз орқасидан эргаштира олади - ...

**4-гурухга вазифа:** Қуйида келтирилган атамалар иерархиясига эътибор қаратинг ва уларнинг жойлашиш тартибига ўз муносабатингизни билдириг.

1) шаклланиш;

2) тарбия;

3) ўз-ўзини тарбиялаш;

4) ривожланиш;

5) ўз-ўзини такомиллаштириш.

**5-гурухга вазифа:** Ривожланиш ва шахс ривожланишини таърифланг.

**6-гурухга вазифа:** Қуйидаги фикрларга қўшилмасми? Қўшилсангиз нима учун, сабабини мисоллар билан келтириг.

“Агар болалар мунтазам танқид қилинса, алдашга ўрганади”;

“Агар болалар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинса, дунёни гўзал кўришга ўрганади”;

“Агар болаларга ҳурмат билан муносабатда бўлинса, улар олижаноб ва сахий бўлишни ўрганишади”.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:**

1. Психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамиятнинг аъзоси ... деб аталади.

a) индивид;

b) одам;

c) инсон;

d) шахс.

2. Шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён - бу ...

a) шаклланиш;

b) ривожланиш;

c) ўсиш;

d) вояга етиш.

3. Қандай йўналиш ёки оқим индивиднинг шахс сифатида ривожланишида биологик омилларнинг устуворлигини эътироф этади?

- a) фалсафий йўналиш;
- b) прагматик оқим;
- c) биологик йўналиш;
- d) преформизм оқими.

4. Инсон яшайдиган шароитдаги барча ташқи таъсир нима деб аталади?

- a) макон;
- b) табиат;
- c) борлик;
- d) муҳит. 5

5. Шахс шаклланишига нисбатан қандай ёндашувлар мавжуд?

- a) фалсафий, ижтимоий, биологик, ҳуқуқий ёндашув;
- b) тарихий, ижтимоий, биологик, маданий ёндашув;
- c) биологик, ижтимоий, психологик ва яхлит ёндашув;
- d) биологик, педагогик, психологик, тарихий ёндашув.

6. Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи нима деб аталади?

- a) хусусият;
- b) сифат;
- c) характер;
- d) темперамент.

7. Гўдакнинг вазни туғилган пайтда 3,5 кг, бўйи 50 см бўлган бўлса, уч ойлик даврида унинг вазни тахминан 5 кг, бўйи 60 см, 6 ойлик бўлганда эса тахминан 7 кг, бўйи 64 см бўлади. Ушбу хусусиятлар қайси ёш даврига хос?

- a) кичик ёш даври;
- b) илк ёш даври;
- c) гўдаклик даври;
- d) катта ёш даври.

8. Бу даврда боланинг бўйи бу даврда 7-8 см га ўсади. Унинг оёқлари гавдасига нисбатан тезроқ ривожланади, оғирлиги 20-22 кг ни ташкил этади. Болаларнинг умуртқа суяклари қотмаганлители туфайли тез қийшайиб қолиши мумкин. Уларнинг юраги чақалок юрагига нисбатан 4-5 баробар катталашган, бироқ мускуллари хали етарли даражада мустаҳкамланмаган бўлади.

- a) кичик ёш даври;
- b) илк ёш даври;
- c) гўдаклик даври;

d) катта ёш даври.

9. Бу даврда унинг оғирлиги 14-15 кг, бўйи 90-95 смга етади. Бола жисмонан анча чиникиб, асаб тизими тараққий этади Таянч ҳаракат органлари такомиллашиб боради. Бу ўринда қайси ёш даври хусусида сўз бормоқда?

- a) кичик ёш даври;
- b) илк ёш даври;
- c) гўдаклик даври;
- d) катта ёш даври.

10. Бу давр мобайнида бўйи 105-108 см гача ўсади, оғирлиги эса 18-19 кг бўлади. Бу даврда боланинг мияси тез ривожланади. Катта ярим шарлар пустлоғининг фаолияти такомиллашиб боради. Ушбу хусусиятлар қайси ёш даврига хос?

- a) кичик ёш даври;
- b) ўрта ёш даври;
- c) гўдаклик даври;
- d) катта ёш даври.

11. Бу ёшдаги ўғил болаларда мустақил фаолият кўрсатиш, ташаббускорлик ривожланади ҳамда катталар фикрини тинглаш иштиёқи шаклланади. Бу даврда боланинг бўйи 120 см га етади, оғирлиги 22-24 кг бўлади. Бу ёшда бола чиникади, қизиқувчан бўлади, ўз саломатлигини назорат қила олади. Бу ўринда қайси ёш даври хусусида сўз бормоқда?

- a) мактабга тайёрлов даври;
- b) ўрта ёш даври;
- c) гўдаклик даври;
- d) катта ёш даври.

12. Болаларнинг мактабга тайёргарлик даражасини аниқлашда нимага таянилади?

- a) ота-онанинг фикрига;
- b) табиий маълумотномага;
- c) ташхис марказининг хулосасига;
- d) боланинг ўқишга бўлган хоҳишига.

**4 – амалий машғулот**

**БОЛАЛАР ЖАМОАСИ БОЛА ШАХСИНИ**

**ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ**

Мактабгача ёшдаги болалар жамоаси бу болалар боғчасидаги жамоа, турмуш тарзи биргаликдаги фаолият асосида бир-бирига боғлиқ мақсад, манфаат ва кечинмалар билан тарбиячи раҳбарлигида бирлашган ва уюшган болалар гуруҳидир. Мактабгача тарбия ёшдаги болалар жамоасида тарбиячи бош ташкилотчи ролини ўйнайди ва болаларда аста-секин жамоанинг аҳамияти ҳақида умумий натижаларга эришишда биргаликда куч-ғайрат сарфлаш қувончи ҳақида ҳар бир боланинг жамоа ҳаётидаги роли ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг умумий қувончли кечинмалари, биргаликда қилинган мароқли фаолият болалар жамоаси ривожланишининг асосидир. Мактабгача тарбия ёши охирларига борганда мактабгача ёшдаги болалар гуруҳида тарбия тўғри йўлга қўйилган бўлса, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, масъулиятлилиқ каби хусусиятлар намоён бўлади.

Шундай қилиб, жамоа кишиларнинг муайян гуруҳи бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсад ҳамда мазкур мақсадни амалга ошириш учун йўналтирилган фаолиятни ташкил этади. Ушбу гуруҳ аъзолари ўзаро бирлик, аъзоларининг муносабатлар жараёнидаги тенглик асосида унга раҳбарлик қилиш ва бир-бирига бўйсунуш, шунингдек, жамоа олдидаги жавобгарлик асосида муайян фаолиятни олиб борадилар. Жамоа ва уни шакллантириш педагогик фаолиятнинг мақсади ҳисобланади. Жамоанинг етакчи тарбиявий вазифаси шахсни ҳар томонлама тарбиялаш унда ижобий сифатларини ҳосил қилиш мустақкам ҳаётий вазиятни қарор топтиришдан иборат. Болалар жамоаси тарбиячи педагог ҳамда болалардан иборат жамоанинг мураккаб бирлашмаси ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқарув жараёнини ташкил этувчи мустақил тизим, шунингдек, ўзининг психологик муҳитига ва анъаналарига эга гуруҳ ҳисобланади. Бугунги кунда педагог олимлар (Л.И. Новиков ва бошқ.) болалар жамоаси ривожланиш жараёнини таҳлил қилар экан, уни қуйидаги уч жиҳатига эътибор берадилар:

- а) жамоани дастлабки шакллантириш;
- б) жамоани шакллантириш, унинг ҳар бир аъзосини индивидуал ривожлантириш;



в) тарбияланувчилар амалий фаолиятининг доимий равишда мураккаблашиб бориши.

Тарбиячи жамоа аъзоларининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этар экан, жамоа аъзоларининг ижобий тажрибага қўшиш имконини берадиган ўзаро муносабатларини шакллантиришга таъсир этадиган шакл ва методлардан фойдаланади. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар жамоаси машғулотларнинг умумийлиги ва ўзаро муносабатларнинг муайян тизими туфайли бирлашган болалар гуруҳидир. Унинг шаклланиши бутун тарбиявий жараённинг натижаси бўлиб, тарбияланувчилар ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил этишга боғлиқ бўлади. Демак, инсон хулқидаги ижобий сифатлардан бири кишилар жамоасига қўшила олиш ва ўша жамоа аъзолари орасидан муносиб ўрин олишдир. Бу ҳар бир кишидан юқори савия ва одоб-ахлоқни талаб этади. Кишининг одоби, билими, жисмоний камоли, жамоа ичида тез кўрина бошлайди. Бола ёшлигидан бошлаб ўзида бошқалар билан, болалар жамоаси билан мулоқотга эҳтиёж сезади. Аммо кичкина бола жамоани ўзи танлай олмайди.

У бирон жамоага шароит тақозоси билан келиб қолади. Бола яшаётган жамоа жозибали этиб ташкил қилинса, бола бундай жамоада ўзини эркин сезиши мумкин. Бунинг учун эса жамоа мазмунан бой, ундаги ўзаро муносабатлар инсонпарварликка асосланган бўлиши муҳим. Жамоани шакллантиришда жамоа аъзолари ва уларнинг фаолиятларига қўйиладиган ягона талаблар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, болалар томонидан ўз-ўзини бошқариш жамоа аъзоларидан айримлари бошқасидан устун келишига йўл қўймаслиги керак. Шу боис, тарбиячи болаларни мақсадга мувофиқ фаолият юритишини назорат қилиб бориши лозим. Демак, тарбиячи бола билан амалга оширадиган якка тарбиядаги ишларни уюштиришда маълум шарт-шароитларга риоя қилиши лозим. Масалан, якка тарбиядаги суҳбатлар, машғулотлар, расм ва китобларни кўриш, дидактик ўйинлар эрталабки соатларда, сайрда кечки соатларда ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Болалар билан қандай ишлар олиб бориш тарбиячининг умумий режасида кўрсатилиши керак. Олиб борган кузатишлари натижа ва хусусиятларини тарбиячи ўзининг кундалик дафтарига ёзиб боради.

## ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ холда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўргатади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа холда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

**Ф** – фикрингизни баён этинг

**С** – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

**М** – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

**У** – фикрингизни умумлаштиринг

<b>Савол</b>	<b>Болалар жамоаси ва унинг мактабгача таълим тизимида ўзига хос хусусиятлари.</b>
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

## 5 – амалий машғулот

### ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

**Жисмоний тарбия** деганда организмнинг морфологик ва функционал ривожланишини жамият талаблари даражасида амалга ошириш, жисмоний сифатларни, қобилиятларни ривожлантириш, жисмоний маданият ва спорт соҳасига тааллуқли махсус билимларни ўзлаштириб олиш тушунилади.

**Жисмоний тарбия** - тарбияланувчиларнинг жисмоний ва спортга оид фаолиятларини мақсадга йўналтирилган. аниқ ташкил этиладиган ва режали тарзда амалга ошириш тизими.

Мактабгача таълим даврида болаларни жисмоний томондан тарбиялашнинг асосий мақсади болалардаги турли кўникма ва малакаларни шакллантириш, улардаги кучлилик, тетиклик, чаққонликни амалга ошириш, зийраклик каби жисмоний сифатларни ривожлантиришдан иборатдир. Мунтазам равишда ўтказиладиган жисмоний машғулотлар болаларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнига ижобий таъсир қилиб, ижодий имкониятларини оширади. Болаларнинг жисмоний маданиятини шакллантириш кўпгина вазифаларда муваффақиятли хал этишни талаб этади. Жисмоний тарбиянинг вазифалари хилма-хил бўлиб, педагогикада қатор таснифлар яратилган. Жумладан, В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, Е.Н.Шияновлар жисмоний тарбиянинг қуйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатишади:

1) болаларнинг жисмоний тўғри ривожланишига ёрдам бериш - организмнинг морфологик ва функционал ривожланишини таъминловчи ишчанлик қобилиятини ошириш, унинг ташқи муҳитнинг ноқулай вазиятларига барқарор қарши тура олишини мустаҳкамлаш;

2) асосий ҳаракатлантирувчи сифатларни ривожлантириш - боланинг хилма-хил ҳаракатга доир фаолиятга қобилиятлилиги унинг барча жисмоний сифатлари — кучлилик, чидамлилиқ, чаққонлик ва эпчилликни юксак уйғунликда ривожланишини таъминлайди;

3) ҳаётий муҳим ҳаракатга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш - болада махсус ҳаракатга доир билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш. Ҳаракатга доир тасаввурларга таянган ҳолда бола турли шароитларда ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиш имкониятга эга бўлади;

4) жисмоний маданиятнинг тизимли машғулотларига барқарор қизиқиш ва эҳтиёжларни тарбиялаш. Соғлом турмуш тарзи асосида

боланинг доимий равишда ўз-ўзини жисмонан ривожлантиришга ички тайёрлиги ётади. У мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланиш ва болаларнинг жисмоний машғулотларга фаол муносабати натижасида юзага келади;

5) жисмоний маданият ва спорт, тиббий ва гигиена соҳаларига оид минимум назарий билимларни эгаллаш зарурлиги. Болалар кун тартиби ва шахсий гигиена ҳақида. жисмоний маданият, спортнинг саломатликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти аниқ тасаввурларга эга бўлиши зарур.

Педагог олим П.Ю.Супованинг фикрича, мактабгача таълим ёшидаги болалар организмнинг ўзига хос томони шундаки, у жуда тез ўсади ва ривожланади. Шу билан бирга организм функциялари ва системаларининг шаклланиши хали тугалланмаган бўлади, шунга кўра у тез жароҳатланади. Шунинг учун болаларни жисмоний тарбиялашда куйидагилар биринчи даражали вазифалар ҳисобланади:

**1. Соғломлаштирувчи вазифалар.** Болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, организмнинг шакл ва функцияларини уйғун ривожлантириш, иш қобилиятини ошириш, ҳар хил ташқи таъсирларга чидамликни кучайтириш, узоқ умр кўришини таъминлаш.

**2. Таълимий вазифалар.** Мактабгача таълим ёшидаги болаларга хос бўлган ўта қабул қилувчанлик, шароитнинг ўзгаришига енгил мослашиш қобилияти бир қатор таълимий вазифаларни ҳам амалга ошириш имкониятини яратади: зарур кўникма, малакаларни шакллантириш, жисмоний сифатлар (чаққонлик, кучлилик, чидамлик, тезкорлик, эгилувчанлик, мувозанат, кўз билан чамалаш)ни ўстириш, қадди-қомат, гигиена кўникмаларини тарбиялаш, жисмоний тарбия ҳақидаги билимларни ўзлаштириш.

Боладаги ҳаракат кўникмалари (эмаклаш, юриш, югуриш, велосипедда учиш ва б.) нисбатан енгил шаклланади, улар боланинг муҳит билан алоқасини осонлаштиради. Бола чанада учаётиб қор ва шамолнинг, сувда сузаётиб сувнинг хоссалари билан танишади. Шу асосда жисмоний машқлар, гигиена малакаларни эгаллаш билан боғлиқ бўлган дастлабки билимлар таркиб топади. Болалар гавда қисмларининг номини, ҳаракат йўналиши (юқорига, пастта, олдинга, орқага, ўнгга, чапга), тўла айланиш, жисмоний тарбия асбобларининг номи ва қай мақсадда ишлатилиши, уларни асраш ва тутиш, кийим-кечак ва пойабзалга қараш қондасини билишлари керак.

**3. Тарбиявий вазифалар.** Болаларда спорт машғулотларига муҳаббатни, уларнинг натижалари, спортчиларнинг ютуқларига қизиқишни тарбиялаш лозим. Жисмоний машқларни бажаришда характернинг ижобий хусусиятлари (уюшқоқлик, интизомлик, камтарлик, кўнгилчанлик,

ва ҳ.к ) ва ахлоқий фазилатлар (ҳалоллик, ҳаққонийлик, ўртоқлик ҳисси, ўзаро ёрдам), жамоада шуғулланиш малакаси, жисмоний тарбия асбобларини эҳтиёт қилиш, топшириқни масъулият билан бажаришларини тарбиялаш, шунингдек, иродавий фазилатлар (ботирлик, қатъийлик, ўз кучига ишонч, қийинчиликларни енгишда саботлилик, чидамлилик ва б.)ни намойиш қилиш учун қулай шароит яратилади.

“Болажон” таянч дастурида мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган:

- болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни чиниқтириш;
- уларни жисмоний жиҳатдан бақувват қилиш;
- болаларда ахлоқий сифатларини тарбиялаш;
- уларда мақсадга тўғри йўналтирилган ҳаракатларни фаоллаштириш учун шароит яратиш,

- жисмоний ҳаракатларнинг муҳим сифатлари: юриш, югуриш, сакраш, эмаклаш, ўрмалаш, отиш, илиб олиш, сузиш, велосипедда учиш, оёқ, қўл, тана, бош ҳаракатларини ривожлантириш, сафланиш ва қайта сафланиш кабиларни шакллантириш;

- ўйин ҳаракатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, жисмоний сифатларни ривожлантириш: чаққонлик, эпчиллик, зийраклик, иродалик, сабр-қаноат, кучлилик ва бошқаларга тенглашиб тик туриш малакасини ошириш;

- бола қоматини тўғри шакллантиришга таъсир кўрсатиш ва ясси оёқлиликининг олдини олишга ёрдам бериш;

- жисмоний машқ ва ўйинларнинг фойдаси, асосий гигиеник талаблар ва қоидалар ҳақида етарли даражада тасаввур ва билимлар бериш;

- болаларда фаол ҳаракатга қизиқишни тарбиялаш.

**Бола организмни чиниқтириш** - организмни мустаҳкамлаш, чидамлилик, зарарли таъсирларга қаршилик кўрсатиш, ҳаётий шароитларнинг ўзгаришига тез мослашиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар тизими. Ҳаво орқали чиниқтиришда совуқ ҳаво билан жисмоний машқлар ўзаро бирликда таъсир эттирилади. Ҳаво ваннасидан уйқу вақтида ёки ҳаво будут бўлган вақтларда фойдаланилади. Уйқу вақтида болалар салқин ерга қўйилган каравотга ётқизилади. Ҳаво ваннасидан фойдаланишда қуруқ, шамолдан холи текис майдон танланади. Тарбиячи бу майдончада енгил кийинган болалар билан 10-15 дақиқа енгил ҳаракатли ўйинлар ёки машқлар бажаради. Ҳаво ваннаси аста-секин 10-15 дақиқадан 25 дақиқага олиб борилади.

Сув билан чиниқтириш барча ёш гуруҳларида йилининг ҳамма фаслларида ўтказилиши мумкин. Сув билан чиниқтиришда болаларнинг

тиббий-физиологик ўзига хосликлари ҳисобга олиниши лозим. Сув, ҳаво температурасининг ўзгариб бориши бола организмнинг терморегуляцион аппаратини машқ қилдиради, ташқи шароитга, об-ҳавонинг ўзгаришига одатланиш реакциясини шакллантиради. Бола организмнинг чиникиши билан бир қаторда, унинг иродаси ҳам чиникиб боради. Қуёш нурида чиниктириш орқали организмда “Д” витамини пайдо бўлишига ёрдам беради. Аммо ундан ортиқча фойдаланиш болада бош оғриги, уйқусизлик, иштаҳа бўғилиши, камқонлик, ланжлик бўлишига олиб келади. Сил, безгак касаллиги билан оғриган болаларга қуёш ваннаси мутлақо маън этилади. Қуёш ваннаси дастлаб тўрт дақиқадан қабул қилинади, тананинг ҳар бир томони бир дақиқадан тобланади.

Қуёш ваннаси қабул қиладиган майдонча қуруқ, текис, ҳаво яхши айланадиган, кучли шамоллардан пана бўлиши лозим. Яқинроқда душ, болалар кийинадиган, ечинадиган жой бўлиш керак. Ўзбекистан шароитида қуёш ваннасини эрталаб соат тўққиз-ўн бир соат оралиғида олган маъқул. Болалар фанердан ёки тахталардан ясалган суриларга оёқларини қуёш томонга, бошларини эса соя томонга қараб ётқизилади. Қуёш ваннаси қабул қилингандан сўнг уларнинг устидан сув қуйиш ёки чўмилтириш лозим. Бунда боланинг руҳи енгиллашади, терлари ювилади, кизиган тана ва совуқ ўртасидаги фарқ организмни чиниктиради.

Бола организмни чиниктиришда ҳам мактабгача ёш даврларининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ёндашувни татбиқ этиш лозим. Жумладан:

**Илк ёш гуруҳида:** - ҳар куни эрталаб бадантарбия қилиш, ҳаракатларни намунага мувофиқ бажариш; - бадантарбияни очик ҳавода, енгил кийимда бажариш; - эрталабки бадантарбия машқларини сув муолажалари билан тугаллаш (катталар кўмагида); - ёзда очик ҳавода иложи борича кўпроқ бўлиш; - катталар назорати остида кичик очик сув ҳавзасида (бассейнда) чўмилиш (гигиена талабларига амал қилган ҳолда).

**Кичик гуруҳида:** - ҳар куни эрталаб бадантарбия қилиш; - ҳаракатларни намунага мувофиқ бажариш; - бадантарбияни очик ҳавода, енгил кийимда бажариш; - эрталабки бадантарбия машқларини сув муолажалари билан тугаллаш (катталар кўмагида); - эрталабки бадантарбия машқларини аниқ ва изчил бажариш; - болаларни юз қўлларини мустақил ювишга одатлантириш, сувни сачратмаслик, совундан тўғри фойдаланиш, баданини хўл сочиқда артиш, ёз ойларида очик ҳавода иложи борича кўпроқ бўлиш, чўмилишга, душдан фойдаланиш; - очик сув ҳавзаси (бассейн)да чўмилиш.

**Ўрта гуруҳида:** - ҳар куни катталар назоратида бадантарбия машқларини хонада, дарчаларни очиб қўйган ҳолда бажариш; очик ҳавода

эса спорт кийимида бажариш; - қўл, оёқ, гавда учун машқларни аниқ ва изчиллик билан бажариш, қоматни тўғри тутиш; - ҳар куни эрталаб бадантарбия машқларини бажариш, ҳар қандай об-ҳавода ҳам ҳаракатли ўйинлар ўйнаш; - ҳар куни оёқларни ювиш, секин-аста сув ҳароратини пасайтириб бориш; - хона ҳарорагидаги сувда ҳўлланган губка ёки пахмоқ қўлқоп билан дастлаб қўлларни, кейин оёқларни, кўкракни, қорин ва орқани тескари йўналишда тери қизаргунча артиш.

**Катта гуруҳда:** ҳар куни катталар назоратида эрталабки бадантарбия машқларини бажариш; - бадантарбия машқларини очик ҳавода гиламча устида, энгил кийимда предметлар билан ва уларсиз бажариш, машқларни сув муолажалари билан тугаллаш; - муайян изчилликда, аниқ, шиддат билан мускулларни таранг ҳолга келтириш, машқларни, қоматни тўғри тутган ҳолда бажариш; - юз, бўйин, қўлни тирсаккача совуқ сув билан ювиш; - бадантарбиядан сўнг дархол губка ёки уй ҳароратдаги сувда ҳўлланган кичикроқ пахмоқ сочиқ билан тана аъзоларини артиш: аввал қўлларни, кейин баданни қуруқ сочиқ билан тана қизаргунча, тезда қуруқ қилиб артиш; - фақат катталарнинг рухсати билан чўмилиш, катталарнинг назорати остида чўмилишнинг асосий қоидаларига риоя қилиш; - оёқни шикастлантириш хавфи йўқ жойларда ялангоёқ юриш; - чиниқтириш қоидаларини онгли равишда бажариш.

**Тайёрлов гуруҳида:** - ҳар куни эрталабки бадантарбия машқларини бажариш; - бадантарбия машқларини очик ҳавода гиламча устида, энгил кийимда буюмлар билан ва уларсиз бажариш, машқларни сув муолажалари билан тугаллаш; - муайян изчилликда, аниқ, шиддат билан мускулларни таранг ҳолга келтириш, машқларни қоматни тўғри тутган ҳолда бажариш; - хонада энгил кийимда бўлиш, дераза дарчасини очиб қўйиш; - эрталабки бадантарбия машқларини ҳар куни, ҳар қандай ҳавода бажариш; - юз, бўйин, қўлни тирсаккача совуқ сув билан ювиш; - бадантарбиядан сўнг дархол губка ёки уй ҳароратидаги сувда ҳўлланган кичикроқ пахмоқ сочиқ билан тана аъзоларини артиш, аввал қўлларни, кейин баданни қуруқ сочиқ билан тана қизаргунча, тезда қуруқ қилиб артиш; - фақат катталарнинг рухсати билан чўмилиш, катталарнинг назорати остида чўмилишнинг асосий қоидаларига риоя қилиш; - шикастлантириш хавфи йўқ жойларда ялангоёқ юриш.

Жисмоний тарбиянинг муҳим шартини кун тартиби саналади. **Кун тартиби** турли фаолият ҳамда дам олишнинг вақт жиҳатдан мақсадга мувофиқ тақсимланиши, ҳаёт тартибидир. Кун тартибини ташкил этувчи барча қисмлар (овқатланиш, уйқу, ўйин, сайр, машғулотлар)ни бир меъёрда такрорлаш натижасида болаларда фаолиятнинг бир туридан иккинчи турига ўтишни энгиллаштирувчи мустаҳкам кўникма ҳосил

бўлади. Айнан кун тартибига риоя этиш боланинг асаб фаолияти тизими ва барча физиологик жараёнларнинг кечишига самарали таъсир кўрса-тади. Кун тартибига қўйиладиган асосий талаб болаларнинг ёш хусу-сиятларини ҳисобга олишдир. Кичик гуруҳларда уйқу, овқатланиш, ечи-ниш, ювиниш ва б.га кўп вақт ажратилади. Катта бўлган сари болалар-нинг мустақиллиги ортиб, ўйин ва фаолиятнинг бошқа турларига кўпроқ эътибор берилади.

Кун тартиби, ҳам гигиеник, ҳам тарбиявий функцияни бажаради. Кун тартибини тузиш ва уни ташкил этишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш зарур: - кун тартибини тузишда йил фасллари (ёзда болаларнинг кўпроқ очик ҳавода бўлиши, эрталаб эртароқ уйғотилиб, кечқурун ухлашга кечроқ ётқизилиши ва б.)ни эътиборга олиниши; - кун тартибини бажаршда болаларнинг саломатлиги, уларнинг руҳий ривож-ланиш даражаси (заиф, касал болаларнинг ухлаш, очик ҳавода бўлиш, вақтининг кўпайтирилиши, таълим-тарбия мазмунига ўзгартириш кирити-лиши)ни ҳисобга олиниши; - кун тартибининг ўзгармаслиги (болалар вақтида овқатланишлари, шуғулланишлари, ўйнашлари, ухлашлари)га алоҳида эътибор қаратиш (бу болаларни тартиблилик, интизомлиликка ўргатади); - кун тартибини тузишда ота-оналарнинг иш вақтининг бошла-ниши ва тугаши ҳам ҳисобга олиниши (айрим ота-оналар иш вақтининг бир оз кеч тугашини ҳисобга олган ҳолда, индивидуаллаштирилган ва табақалаштирилган кун тартиблари ишлаб чиқилади).

**Жисмоний машқлар** - жисмоний тарбия қонуниятлари, вазифа-лари билан боғлиқликда махсус ташкил этилувчи ҳамда онгли равишда бажаришга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси. Жисмоний машқларга тасниф этишга доир хилма-хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, кўпроқ умум-лашган тасниф ўзида гимнастика, ўйин, сайр кабиларни қамраб олади. Педагогик нуқтаи назардан гимнастика соғлиқни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган жисмоний машқлар мажмуидир. Гимнастиканинг асосий, гигиеник, спортга оид, бадий, ишлаб чиқаришга доир, тиббий турлари мавжуд. МТМ ўқув дастурлари билан боғлиқликда тарбияланувчилар асосий гимнастика (нарса буюмлар ва нарса буюмларсиз бажариладиган умумий ривожланишга доир машқлар, сакраш, югуриш, элементар акробатик машқлар) билан шуғулланишлари лозим.

**Ўйин** - тарбияланувчиларни тарбиялаш мақсадида ташкил этила-диган эркин ҳаракат ёки машғулот. Ўз моҳиятига кўра ўйин боланинг жисмоний кучини, қўлларининг қаттиқлигини, қадди- қоматининг тикли-гини, ишончли кўзларни ривожлантиришга хизмат қилиб, унда ўткир зеҳни, топқирлик, ташаббускорлик каби сифатларни тарбиялайди. Ўйин-нинг тарбиявий аҳамияти катта бўлиб, болаларда ғамхўрлик, ўз жамоаси



учун қайғуриш, биргаликдаги ҳаракатланишдан қувониш, дўстлик ва ўртоқлик ҳиссини кучайтиради. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда асосан очик ҳавода ташкил этилувчи ҳаракатлантирувчи ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мактабгача таълим ёшида кенг қўллашни талаб этадиган жисмоний машқлардан яна бири сайрдир.

**Сайр** - осуда ерларда, оромгоҳ, сайргоҳларда айланиб юриш, томоша қилиш, ором олиш саналади. Одатда сайр пиёда, қайиқда, чанада ва велосипедда ўтказилиши мумкин. Сайр болаларнинг узок вақт очик ҳавода бўлиб, уларнинг соғлиги ва жисмоний тараққиётига ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатади. Боланинг сайр вақтида очик ҳавода бўлиши натижасида қон кислородга тўйинади, температуранинг ўзгариб туриши, ҳавонинг намланиши, шамол таъсири терморегуляцион аппаратни машқ қилдиради, организмни чиниқтиради. Боланинг фаоллиги ошади, ҳаракатлари, жисмоний сифатлари такомиллашади. Сайрни ташкил этиш ва ўтказишда қуйидаги педагогик талабларга риоя этиш мақсадга мувофиқ:

- сайрга йиғилиш кўп вақтни олмаслиги, болаларни бир тартибда кийиниш ва ечинишга ўргатиш керак;
- сайр шунчаки ташкил этилмай, унинг режасига атроф-муҳитни кузатиш, спорт машғулотлари, меҳнат ва ўйин фаолияти қамраб олиниши лозим;
- сайрни ташкил этиш учун зарур жиҳозлар аввалдан тайёрлаб қўйилиб, белгиланган талабларга жавоб бериши керак;
- сайрнинг давомийлиги уч-тўрт соатдан ошмасдан, ҳаво ҳарорати ҳисобга олиниши зарур;
- сайрнинг давомийлигига эмас, унинг мазмунли ташкил этилиши, болага ҳиссий, жисмоний мадад бери олишига эътибор қаратиш лозим.

### **АМАЛИЙ ВАЗИФА:**

**Тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари учун намунавий кун тартибини ишлаб чиқинг**

Вақти	Иш тури


**Ўқитувчининг варианты:**

<b>7.00 - 7.30</b>	<b>Ўриндан туриш, эрталабки ювиниб - тараниш (уйда)</b>
<b>7.30-8.30</b>	<b>Қабул, соғлигини текшириш, ўйинлар, эрталабки бадантарбия</b>
<b>8.30-8.55</b>	<b>Нонуштага тайёргарлик, нонушта</b>
<b>8.55-9.10</b>	<b>Ўйинлар, машғулотларга тайёргарлик</b>
<b>9.10- 11.00</b>	<b>Машғулотлар</b>
<b>11.00-11.15</b>	<b>Сайрга тайёргарлик</b>
<b>11 15-13.00</b>	<b>Сайр (ўйинлар, меҳнаг, кузатиш, ҳаракатли ўйинлар - 10 дақиқа, жисмоний машқлар 20-30 дақиқа)</b>
<b>13.00 - 13.15</b>	<b>Сайрдан қайтиш</b>
<b>13.15 - 13.35</b>	<b>Тушлик</b>
<b>13.35-15.25</b>	<b>Уйқу</b>
<b>15.25 - 15.50</b>	<b>Уйқудан туриш, ювиниш</b>
<b>15.50 - 16.05</b>	<b>Енгил 2-тушлик</b>
<b>16.05 - 18.15</b>	<b>Ўйинлар, мустақил фаолият, сайр</b>
<b>18.15 - 18.40</b>	<b>Кечки овқат</b>
<b>18.40- 19.30</b>	<b>Ўйинлар, болаларни уйга кетиши</b>
<b>19.30-20.10</b>	<b>Сайр (уйда)</b>
<b>20.10-20.40</b>	<b>Тинч ўйинлар, гигиеник муолажалар (уйда)</b>
<b>20.40-6. (7)30</b>	<b>Тунги уйқуга тайёрланиш, тунги уйқу (уйда)</b>

## 6 – амалий машғулот

### МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муносабатлар мазмуни янги-ланаётган айни пайтда ўсиб келаётган ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни янги асосларда, бир томондан, миллий педагогик қадриятларимиз заминида, иккинчидан, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда олиб боришга ижтимоий зарурият сифатида қаралмоқда. Чунки меҳнат ижтимоий тараққиётнинг манбаи, барча моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришнинг асосий шарт-шароитидир. Демак, меҳнат инсон фаолиятининг асосий шакли, киши ҳаётининг мазмуни, ҳар бир жамият аъзосининг вазифаси, шахс тараққиётининг асосидир.

Меҳнат қадимдан жамиятнинг ахлоқий тамойили ҳисобланиб келган, моддий ва маънавий маданиятнинг ҳамда ижтимоий тараққиётнинг негизи ҳамдир. Меҳнат фақат шахсий моддий фаровонлик манбаигина бўлиб қолмай, балки халққа хизмат қилиш, ватан учун қайғуриш, шахсий манфаатдан халқ манфаатини устун қўйишнинг асоси ҳамдир. Таълим-тарбия жараёнида меҳнат тарбиясини болаларга янги сингдириш, уларда меҳнат қилишга иштиёқ ўстириш, меҳнат натижасидан завқлана билиш каби ҳисларни таркиб топтириш орқали уларда меҳнат аҳлига ҳурматни, жамият фойдасига меҳнат қилиш қобилиятини, фидойилик ва меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш каби ахлоқий сифатларни таркиб топтириш лозим.

Болаларни меҳнатга ўргатишда, энг аввало, уларни психологик ва амалий тайёрлаш: жамоада меҳнат қилиш кўникмаларини тарбиялаш муҳим роль ўйнайди. Меҳнатга руҳий, ақлий ва амалий тайёрлаш жараёнида ёшларда меҳнатсеварлик, шижоат, фидойилик, ҳалоллик, интизомлилик каби сифатлар шаклланиши билан бирга уларда ахлоқий-иродавий хусусиятлар ҳам шаклланиб боради. Айниқса, меҳнат маданияти кўникмаларини тарбиялай бориш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, меҳнатни севмайдиган ва кадрламайдиган инсондан маданиятли киши чиқмайди. Инсоннинг онглилиги, тарбияланганлиги аввало, меҳнатга бўлган муносабатида кўринадир. Меҳнат инсонни улуғлайди, гўзалликка чорлайди. Меҳнатсиз турмуш мазмунсиз, дейилади. Меҳнат қилмайдиган инсоннинг ҳаёти зерикарлидир. Ундай инсон маънавий қашшоқ ва жисмонан заиф бўлади.

Узоқ умр кўришнинг сири ҳам меҳнатдир. Меҳнат қилмасанг хатто

истеъдод ҳам сўнади. Меҳнат қар қандай қобилиятни ривожлантиради. Меҳнатга болалар дастлаб оилада, мактабгача тарбия муассасаларида ва тарбия жараёнининг бутун тизимида ўргатилиб борилади. Болалар боғчасида ва оилада бажариладиган унча мураккаб бўлмаган ҳар бир топширик унинг кун- далик вазифасига айланиши керак. Бола меҳнатнинг аҳамияти ва маданиятини тушуниб етиши учун педагог катталарнинг меҳнати, болаларнинг ўзлари бажарадиган меҳнат турларини кузатиш юзасидан экскурсиялар уюштиради.

Болаларнинг ҳар хил меҳнат жараёнида иштирок этиши, катталар меҳнати билан танишиши, уларнинг теварак-атрофдаги ҳаёт, кишиларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида, нарсалар ва уларнинг хусусиятлари, материалларга ишлов бериш усуллари, қурилмалар ва асбоблар тўғрисида муайян таассуротларга эга бўлишларига ёрдам беради. Меҳнат болалардан диққат, ўткир зеҳн, топқирлик, ижодкорлик қобилиятларини эгаллашни талаб этади. Меҳнат жараёнида болалар айрим иш турларини (бир варақ қоғозни буклаш, бирор бир шаклни андозага қараб қирқиш, керакли узунликни ўлчаш каби ҳара- катларни) англатувчи бир қанча тушунча ва атамалар- дан фойдаланишга, бажарилган ишдаги изчилликни бе ришга тўғри келади.

Бу бола нутқини янги сўзлар билан бойитади, фикрлаши, дунёқарашини шакллантиришга имкон беради. Меҳнат ҳар бир ёш гуруҳидаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган, унга тўғри назорат ёки раҳбарлик қилгандагина ижобий натижа бериши мумкин. В.И. Логиновнинг таъкидлашича, болаларга меҳнат тарбияси бериш учун улар меҳнат ва меҳнат малакалари тўғрисидаги билимлар тизимини ўзлаштириб олишлари керак бўлади:

1. Меҳнат мақсад ва унинг натижасини белгилаб олишдан бошланади (мақсад — меҳнат тасвири).

2. Меҳнат қилишдан кўзланган мақсад бўйича керакли материалларни танлаб ажратиб олиш.

3. Материални ишлаш учун керакли асбобларни танлаб ажратиб олиш.

4. Натижага эришиш учун меҳнат ҳаракатларини бажариш.

Шундай қилиб, мактабгача тарбия ёши даврида меҳнат фаолияти шакллантирилади. Мактабгача тарбия ёши даврининг ўзига хос томонларидан бири болалар меҳнатининг ўйин билан боғлиқлигидир. Ўйин жараёнида бирор ҳаракат доимо бирор меҳнат жараёнини акс эттиришга йўналтирилган бўлади. Иккинчи томондан, меҳнат жараёнини бажаришда уни ўйин шаклига ай- лантиришади. Меҳнат тарбиясининг вазифаси хилма-хил бўлиб уларни гуруҳлар бўйича қуйидагича туркумларга ажратилади:

1. Биринчи гуруҳ вазифалари: болаларнинг мустақил меҳнат фаолиятига педагогик ёндашув, болаларни мақсад асосида меҳнат малакалари, кўникмалари ҳамда меҳнат маданияти бўйича керакли материал ва қўлланмаларни танлашга ўргатиш.

2. Болаларда меҳнат фаолиятига қизиқишни ва меҳнатда ижобий натижаларга эришиш малакаларини шакллантириш.

3. Меҳнат фаолияти жараёнида болалар меҳнатининг ижтимоий аҳамиятли эканлигини тушуниб етишиш.

Иккинчи гуруҳ вазифалари болаларда катталар меҳнатига ижобий муносабатни шакллантиришга қаратилган:

1. Болаларда катталарнинг меҳнати орқали эришаётган ютуқлари ҳақида тушунча бериш.

2. Болаларда меҳнат аҳлига ҳурматни ва улардан ўз ёрдамини аямаслик ҳақидаги хоҳишларини тарбиялаш.

Учинчи гуруҳ вазифалари бола шахсини шакллантиришга қаратилган меҳнат фаолияти билан боғлиқ. Болаларда меҳнатсеварлик орқали меҳнатда қатнашиш, бошлаган ишини охирига етказиш, ўзининг меҳнатига нисбатан тўғри муносабатни тарбиялаш жавобгарлик, қатъийлик, сабр матонатлилик, чидамлилик, ўзи ва ўртоқларининг меҳнатини холисона баҳолаш тарбияланади. Меҳнат ижтимоий тараққиётнинг асоси барча моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш шарти бўлиши билан бирга айни вақтда инсон ҳаётининг асосий шакли, мазмуни сифатида барча халқларнинг энг асл фарзандлари — мутафаккирлари, олиму фозилларининг диққат марказида бўлган.

Шоир Абу Шукр Балхийнинг меҳнатни улуғловчи қуйидаги сатрларини келтириш мумкин: Орзу тилак йўли меҳнат тагида, Ҳазинанинг мўли меҳнат тагида. Алишер Навоий, Фурқат, Муқимий, Ҳамза ва бошқалар меҳнат инсонни маънавий гўзаллаштирув-чи ролига, меҳнатсеварликни тарбиялашга ва меҳнат аҳлини кадрлашга катга ўрин берадилар. Қадимда ота-боболаримизнинг меҳнат ҳақида айтган доно нақллари ҳозирга қадар ҳам ўз қадрини йўқотмаган. Меҳнат қилсанг кўксинг тоғ, Ҳурмат қилсанг, дилинг боғ. Меҳнатли нон — шакар, Меҳнатсиз нон заҳар. Меҳнат бахт келтирар, Меҳнат қилиб топганинг, Қанду асал тотганинг. Бу мақоллар орқали доно халқимиз меҳнатни улуғлайди, унинг самараси ҳақида фикр юритади. Ўзбек болалар ёзувчи ва шоирлари ҳам катталар меҳнатининг мазмунини ёртиб берганлар. Бунга Қ.Муҳаммадийнинг “Этик”, “Бир ҳовуч ёнғоқ” каби шеърлари мисол бўлади.

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### АМАЛИЙ ВАЗИФА: КЕЙС

Икки ёш она кўчада болалар боғчасига қатнайдиган ўз қизларининг хулқ-атворлари ҳақида бир-бирлари билан ўртоқлашмоқда: “Менинг қизим осуда фаол, мустақил ўсяптими, демак, ҳозирдан уни спорт, мусиқа, рақс тўгаракларига беришим, деб уйлайман”, иккинчи она: “Менинг қизим хали ҳам бола. Катта бўлгандан кейин ҳамма нарсани ўзи секин-аста қилишга ўрганади”.

**Кейсга савол-вазифа:** Ҳар иккала онанинг ўз қизлари тарбиясига ёндашувини таққосланг.

**Кўрсатма:** Ушбу муаммони ҳал этиш учун тарбиянинг турли усуллари таҳлил ва боланинг фаоллиги ҳамда унинг мустақил бўлишининг аҳамияти ҳақида хулоса қилиш зарур.

**Манба:** Ўзбекистон Республикасида “Давлат мактабгача Таълим муассасаси тўғрисида”ги Низом, “Мактабгача таълим “Болажон” таянч дастури, “Мактабгача таълим педагогикаси”, “Мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш методикаси”.

**Ўқитувчининг ечими.** Ҳар иккала она ҳам ноҳақ. Биринчи она вазиятида, фаол болаларга кўп даражада мустақиллик хос. Она шунга мўлжал оляпти, шунингдек, бундай болалардан катталардан сўралгандек сўраш керак деб, фикр қилмоқда. Мактабгача ёшдаги болалар болалигича қолади, улардаги ҳис-туйғунинг эркин ривожланиши тенгдошлариникидек эканлиги маълум-ку, ахир ошириб юборилган талаблар болалар томонидан ҳар доим ҳам бажарилавермайди. Биринчи ўринда шахсий қизиқиш қолади. Боланинг ривожланишини фаоллик ва қизиқувчанлик олдинга томон ҳаракатлантиради. Оналарнинг бундай гаплари ўз болалари билан турлича усулда мулоқот қилишлиридан гувоҳлик беради. Бир ҳолатда, қиз ҳис-туйғулик, илиқликни сезмаслиги мумкин, бунинг оқибатида уни “қулфланганлик” ёки бефарқлик, балки қандайдир кўполлик томонга ҳаракатланишига олиб келади. Бошқа ҳолатда эса болада мустақиллик, масъулиятлик ривожланмайди.

**7-амалий машғулот:**  
**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ЎЙИН**  
**ФАОЛИЯТИ**

Ўйин боғча ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатининг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди. Ўйин қадим замонлардан бери педагог, психолог, файласуф, этнограф, санъатшунос олимлар диққатини ўзига тортиб келган. Ўйин ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ юзага келган бўлиб, жамият ҳаётида меҳнатдан кейин туради ва унинг мазмунини белгилайди. Ибтидоий жамоа вакиллари ўз ўйинларида овчилик уруш, деҳқончилик ишларини акс эттирганлар.

Баъзи ҳолларда ўйин меҳнат қилиш истаги орқали юзага келади. Бола ўз ўйинида олдин катталар меҳнатига тақлид қилади Кейинчалик уларнинг меҳнатида қатнашади. Ўйин ёш авлодни меҳнатга тайёрлайди. Болалар ўйинини бундай тушуниш биринчи марта К.Д. Ушинский томонидан таърифлаб берилган эди. У ўз асарларида болалар ўйинининг мазмуни уларнинг ҳаётдан олган таассуротлари билан белгиланиб, улар шахси шаклланишига таъсир этади, деб ёзади. Бу фикрни П.Ф. Легафт ҳам тасдиқлаб, болалар ўз ўйинларида теварак-атрофдан олган таассуротларини акс эттирадилар, дейди. Бундай фаолият боланинг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Ўйин катталар ҳаётида муайян ўрин тутар экан, у болалар учун алоҳида аҳамиятга эга эканини олим ва педагоглар ўзларининг кузатиш ва илмий тадқиқотлари орқали исботлаб бердилар.

Тарбиячилар болалар ўйинига раҳбарлик қилишда куйидагиларга риоя қилишлари лозим:

1. Ўйин билан меҳнат ўртасида тўғри муносабат ўрнатиш.
2. Ўйинда болаларнинг бўлажак меҳнат аҳлига хос бўлган жисмоний ва руҳий сифатларини тарбиялаш.

Ўйин болаларни жисмоний томондан тарбиялаш системасида, боғчанинг таълим-тарбия ишида ахлоқий, меҳнат ва эстетик томондан тарбиялашда катта ўрин тутди. Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилади. Ҳаётий фаоллик яратилади. Бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Ўйин таълим ва машғулотлар билан кундалик ҳаётдаги кузатишлар билан узвий боғлиқ бўлиб, жуда катта таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга. Ўйинда акс эттирилган нарсани билиб

олишга қизиқиш уйғонади, кўпинча ўйин болаларга янги билим бериш ва уларнинг фикр-ларини, билим доирасини кенгайтириш учун хизмат қилади. Болалар ўйинлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Улар ўз мазмуни ва ташкил этилишига кўра, қўлланиладиган буюмларнинг турлари келиб чиқишига кўра турличадир.

Буларнинг барчаси болалар ўйинларини туркумлаштиришни фавқулодда нозиклаштиради, бироқ ўйинларга раҳбарлик қилиш учун уларни, албатта, гуруҳяш зарур. Педагогикада ўйинларни икки катта гуруҳга бўлиш жуда кенгтарқалган ижодий ва қоидали ўйинлар. Ижодий ўйинларнинг мазмунини болаларнинг ўзлари ўйлаб топадилар ва уларда ўз таассуротларини, борлиқ ҳақидаги тушунчаларини ҳамда унга муносабатларини акс эттирадилар. Қоидали ўйинлар эса катталар томонидан яратилади ва бола ҳаётига олиб киритилади.

Мазмуни қоидаларнинг мураккаблигига қараб, улар турли ёшдаги болаларга мўлжалланган бўлади. Тайёр қоидали ўйинларнинг катта гуруҳини халқ ўйинлари ташкил этади, уларнинг кўплари авлоддан-авлодга ўтиб, бизга етиб келган ўйинларнинг ҳар иккала гуруҳи ҳам ўзининг хилма-хил кўринишларига эга. Ижодий ўйинлар гуруҳини сюжетли ролли ўйинлар ташкил этади. ўйинлар ўз мазмуни ва қоидалари, тарбиявий таъеирига кўра шартли равишда дидактик ўйинлар ва мусиқий ўйинларга бўлинади.

Демак, ҳар бир ўйиннинг ўзига хос сифатлари мавжуд, бироқ улар қатор умумий хусусиятларга ҳам эга. ўйин — бу бола фаолиятининг тури. Шундай экан, бир фаолиятда бўлгани каби унга ҳам ўқотар хислатлар: мақсаднинг мавжудлиги, режали ҳаракатлар, натижанинг мавжуди кабилар хосдир. Н.К. Крупская болалар ривожланишига қараб, унинг ўйинда ўз олдига қўядиган мақсадининг табиати ҳам ўзгаришини болалар тақлиди ҳаракатлардан аста-секин ўйланган асосли мақсадларга ўтишларини кўрсатиб ўтган эди. Бола ўйиндаги мақсадига эришиши учун ўзига шериклар танлайди, зарур ўйинчоқларни топади, ўйин давомида муайян ҳаракат ва қилиқлар қилади. Бошқа фаолият турларида бўлгани сингари ўйин жараёнига боланинг бутун шахсияти, унинг психик билиш жараёнлари, иродаси, ҳиссиёти ва таъсирчанлиги, эҳтиёж ва қизиқишлари жалб этилади, ўйинда бола фаол ҳаракат қилади, гапиради, ўз билимларини қўллайди. ўйин ўзига хос хусусиятга эга. ўйин боланинг шахсий ташаббусига кўра вужудга келадиган, ўзининг фаол ижодий йўсиндаги, юксак таъсирчанлик руҳи билан ажралиб турадиган эркин ва мустақил фаолиятдир. ўйин эрталаб нонуштагача (15—20 дақиқа) бошланади ва нонуштадан кейин, машғулотлар ўртасида, очик ҳавода, уйқудан кейин ўтказилади.



Эрталаб ролли ўйинлар, қуриш-ясаш, ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш тавсия этилади. Машғулот ўртасида ҳаракатли, қоидали ўйинлар ҳам ўтказиб турилади. Очиқ ҳаводаги ўйинларга эса югуриш, отиш, сирпаниш билан боғлиқ бўлган ўйинлар, қоидали ўйинлар (оқ теракми кўк терак, она бўри кабилар) киради. Кундузги уйқудан кейинги ўйинларга қурилиш ўйинлари, эртақ бўйича сахналаштириладиган, ролли ўйинлар, дидактик ўйинлар ва ҳ.к. киради. Ижодий ўйинларга сюжетли — ролли ўйинлар, сахналаштирилган ўйинлар, кўриш ясашга доир ўйинлар киради. Ижодий ўйинларда болаларнинг теварак-атрофдан олган таассуротлари акс эттирилади. Ижодий ўйин болаларнинг мустақил ўйини бўлиб, унинг мазмунини болалар ўзлари ўйлаб топадилар. Бу ўйинда болаларнинг эркинлиги, мустақиллиги, ташкилотчилиги ва ижодкорлик қобилиятлари тўлалигича намоён бўлади.

Сюжетли — ролли ўйин ўз хусусиятига кўра акс эттирувчи фаолиятдир. Теварак-атрофдаги катталар ва тенгдошларининг ҳаёти ва фаолияти бу ўйин мазмуни учун манба бўлиб хизмат қилади. Ўйиннинг сюжети — ўз ҳаракати, муносабатлари билан боғланган воқеа, ҳодисалар ва уларнинг ҳаракатлари хурсандчилик ҳиссини пайдо қилади, шунинг учун болани қизиқтириб, унда яхши кайфият уйғотади, бола орга- низмдаги фаолиятни яхшилади. Ўйин боланинг ақлий ривожланишида ҳам муҳим ҳамият касб этади. Болалар ўйнашлари учун маълум воситалар ҳам керак. Масалан: болаларнинг ўз ҳаракатлари, ўйинчоқ ва бошқа материаллар. Болаларнинг кўп ҳаракатлари қуриш - ясаш билан боғлиқ оўлади.

Улар соатлаб паровоз, пароход, электравоз қурадилар, уларни аслига ўхшатишга уринадилар. Тарбия воситаларига ўйинчоқ ҳам киради. Ўйинчоқ бола қаракатини тўлдиради, ўйлаган образи ва фикрини амалга оширишга ёрдам беради. Масалан: кўлига кўғирчоқни кўтариб олган қизалоқ ўзини онадек сезади ва ҳақиқий оналар бажарадиган ишни бажаради, уни овқатлантиради, кийинтиради, ухлатади ва ҳ.к. Болалар ўйин жараёнида баъзи бир нарсаларни хоҳлаган нарсаларининг номи билан атаб, худди ўша нарсаларини фараз қилиб жуда яхши ўйнайдилар. Масалан, қумни, «шакар», ўриндикни «машина» деб аташи мумкин. Шундай қилиб, ўйин ижтимоий фаолият сифатида жамиятда муайян вазифаларни баджаради. Бола шахсини ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Қуриш материаллари билан ўтказиладиган ўйин ва машғулотлар тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади. Болаларнинг қурилиш, буюм ясаш ўйинлари ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйиннинг таркибий қисмидир. Бирор нарсани қуриш болаларни ўз фикрларини рўёбга чиқариш усули ҳисобланади. Қурилиш ўйинининг бошловчиси тарбиячи бўлиши мум-

кин. Катта ёшдагиларнинг иштироки қурилиш ўйинларига ўз-ўзидан қизиқишни жалб қилиши мумкин. Бунда болаларнинг асосий диққатлари бирор нарсани қуриш жараёнига қаратилади. Болалар ўз мақсадлари учун маиший турмушдаги нарсалардан: ғўзалардан, яшиқлардан, шохчалардан табиий материаллардан эса қум, лой, сув қордан ҳам фойдаланадилар. Болалар улғайгани сари ўзлари қилган қурилиш ишларидан кўнгиллари тўлмайди. Улар ўз ишларининг ҳақиқий қурилишига кўпроқ ўхшаш бўлишини истайдилар. Бунинг учун болаларга махсус қурилиш материаллари зарур бўлади.

Қурилиш материаллари турли хил геометрик шаклдан иборат бўлиши мумкин. Қурилиш ўйинлари болаларнинг меҳнат фаолиятига яқин бўлиб, уларни меҳнатга тайёрлайди. Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинлар болалар тафаккурини ривожлантиради, уларни қурилиш ишларининг ўзига хос хусусиятларини ажратиш, таҳлил ва синтез қилиш, солиштириш, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлашга мажбур этади. Вазифаларни тўғри ҳал қилишга ўргатади. Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинлар геометрик жисмларнинг хусусиятлари, улар билан ишлашда фазовий нисбатларни (узок-яқин, баланд-паст, ўнг-чап, узун-қисқа, кенг-тор) амалда билиб олишга ёрдам беради. Болалар қуриш - яшаш фаолияти жараёнида бир жамоа бўлиб бирлашадилар, натижада, уларнинг нутқи ривожланади. Қурилиш материаллари билан ўйнаш болаларнинг маънавий дунёсига ҳам таъсир этади: тарбиячи болалар билан бирон иншоотни кузата туриб давлатимизнинг халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётганлигини тушунтиради. Тарбиячи болаларни қуриш - яшашга ўргатиш учун тарбиячи турли хил усулларни қўллайди:

- ✚ тарбиячи болаларга қуриш - яшашдан олдин тушунтирган ҳолда қуриб кўрсатади:

- ✚ тарбиячи кўриб кўрсатган ишни ҳар бир қисмини таҳдил қилиб беради.

- ✚ тарбиячи тайёр қурилишни намуна сифатида кўрсатади ва уни тушунтириб беради.

- ✚ тарбиячи ўзи битказилмаган қурилишни болаларга қуриб битказишни таклиф қилади.

- ✚ болаларга хоқлаган мавзуда ихтиёрий қурилишни таклиф қилади.

Саҳналаштирилган ўйинларнинг ўзига хослиги шундаки, болалар бирор бир эртак ёки ҳикоя сюжети асосида маълум бир ролни бажарадилар. Саҳналаштирилган ўйин болаларнинг эшитган асарлар ёки эртакдан олган тасаввурларини мустақил ифодалаш ёки машқ қилиш имконини беради. Бу ўйинлар болаларда ирода, интизом, ўз ҳаракатларини бошққа-

ларнинг ҳаракатига мувофиқ амалга ошириш каби сифатларни тарбиялашда самарали восита ҳисобланади. Саҳналаштириш болаларни қайта сўзлашга ўргатиш усулларида биридир.

Айрим болаларда қайта сўзлаб беришга хоҳиш ҳам қизиқиш ҳам бўлмайди, лекин унга ўйин усули киритилиши билан бола асардаги ролга кириб, ўша асар мазмунини жуда яхши айтиб беришга ҳаракат қилади. Бундай ўйинда бола ўзини ўша асардаги қаҳрамон ўрнида ҳис этиб, унинг сезги кечинмалари дунёсига чуқурроқ кириб боради. Бадиий асарларни қаҳрамонлар тилида сўзлаб бериш болалардаги ҳаёлни ривожлантиришга ёрдам беради ва асар қаҳрамонида мавжуд бўлган жасурлик, ўз-ўзига ишонч, мустақиллик каби ҳарактер каби сифатларини эгаллашга интилади. Саҳналаштирилган ўйинларда тарбиячи раҳбарлик қилади. Эртас ёки ҳикоядаги мазмун болаларга яқин, уларнинг ёши ва қизиқишига мос, тушунарли бўлиб бола унга киришиб кета олсагина, асардаги образ ва ҳаракатлар тўғри акс этирилади. Саҳналаштирилган ўйинга тайёрланиш учун маълум вақт ажратилади ва ҳар бир машғулотда аниқ бир масалалар ҳал этиб борилади.

Дидактик ўйинлар болалар боғчасида таълим-тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилади. Дидактик ўйинлар бевосита таълим билан боғлиқ бўлиб, унга ёрдам беради. Дидактик ўйин — бу боғча ёшидаги болаларнинг ёш ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш методидир. Тарбиячи ўз тажрибасига таяниб, бу ўйиндан пассив болаларни жамоага аралаштириш, ҳар хил режалар, вазифаларни кўрқмасдан бажаришлари учун фойдаланади. Дидактик ўйинлар болаларнинг биргаликда ўйнаб, ўз манфаатларини жамоа манфаатлари билан уйғунлаштира олиши бири-бирига кўмаклашиш ва уйғотишнинг муваффақиятидан хурсанд бўлиш каби яхши муносабатларни таркиб топишига ёрдам беради. Ўйинлар шахснинг софдиллик, ростгўйлик каби ижобий хислатлари шаклланишига имкон беради. Дидактик ўйинлар болаларнинг амалий фаолияти саналади. Чунки унда болалар машғулотларда олган билимларидан фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам дидактик ўйинлар болаларнинг ақлий фаолиятларини кучайтиради, олган билимларидан ҳар хил усулда фойдаланишлари учун ҳаётий шароит яратиб беради.

Шунингдек, дидактик ўйинлар болаларни теварак- атроф тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, ўз шахсий тажрибалари ва машғулотларда олган билимларини амалда қўллай билишга ўргатади, улардаги фикрлаш қобилиятлари, ижодий кучлар, сенсор жараёни ривожлантиради, олган билимларини тартибга солади.

Дидактик ўйинлар таълим жараёнини енгилроқ қизиқарлироқ ўтишига ёрдам беради. Болалар ёшларига мос қизиқарли фаолият орқали ўйинда

амалга ошириладиган ақлий тарбия вазифасини жуда осонлик билан яхши ўзлаштирадilar. Дидактик ўйин катталар томонидан болаларни ақлий ривожлантириш мақсадида яратилади. Унда ўйин элементлари қанча кўп бўлса, болаларга у шунча кўп қувонч бағишлайди. Дидактик ўйиннинг энг муҳим жиҳати уни ўтказишдан кўзда тутиладиган ғоядир. Ўйин ғояси болаларда ўйинга қизиқиш уйғотади, кўпинча бу ғоя дидактик ўйиннинг бош сабаби бўлади. Масалан, қутичада нима бор? ким қандай қичқиради? ва шунга ўхшаш. Ҳар бир дидактик ўйин мазмуни ғоясидан келиб чиққан қоидалар бўлади. Унда қоиданинг мавжудлиги ҳаракат йўналишини ёки ўйиннинг боришини белгилаб беради, болаларнинг хулқини, ўзаро муносабатларини бошқариб, керак томонга йўналтириб туради.

Қоида болалар ҳаракатини баҳоловчи мезон саналади. Дидактик ўйинларда амал қилувчи қоидалар ўйин ҳаракатларининг тўғри нотўғрилигини аниқловчи ва уларга баҳо берувчи мезон саналади. Ўйин натижалари болаларнинг маънавий ва ахлоқий озуқа олганликлари билан белгиланади. Айниқса, болаларнинг фаҳм-фаросати, топоғонлиги, диққат ва хотирасини намоёни қилади. Буларнинг ҳаммаси болаларнинг ўз кучига ишончини оширади, тўлдиради, улар бундан маънавий қониқиш ҳосил қиладилар. Дидактик ўйинни болаларнинг берган саволлари, таклифлари ва ташаббусларига қараб, ўйин жараёнида қутилмаганда кенгайтириш, унинг мазмунини бойитиш мумкин. Ўйинни белгиланган вақтда бошлаш ва тугатиш катта маҳоратдир. Ўйинни тарбиячи болаларда ўйинга қизиқиш уйғотган ҳолда тугатиши керак, токи болалар шу ўйинни яна давом эттиришни хоҳласинлар.

Дидактик ўйинлар гуруҳ хонаси, зал, майдонча, ўрмон, дала ва бошқа жойларда ўтказилиши мумкин. Бу ўйиннинг таъсирчанлигини, таассуротларнинг ҳар хиллигини, болаларнинг фаоллигини оширади. Шундай қилиб, дидактик ўйин мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш воситаси бўлиб, уни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

### “ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” МЕТОДИ

**Методнинг мақсади:** мазкур метод қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

• тингловчиларга мавзуга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);

• тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

• белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

• ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Мавзудаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<b>Мактабгача таълим тизимида ўйин бу</b>	Ўйин боғча ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатининг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди.	
<b>Ижодий ўйинлар</b>	Ижодий ўйинларнинг мазмунини болаларнинг ўзлари ўйлаб топадилар ва уларда ўз таассуротларини, борлиқ ҳақидаги тушунчаларини ҳамда унга муносабатларини акс эттирадилар.	
<b>Қоидали ўйинлар</b>	Қоидали ўйинлар катталар томонидан яратилади ва бола ҳаётига олиб киритилади.	
<b>Дидактик ўйинлар</b>	Дидактик ўйинларда болаларнинг ақлий фаолияти ривожланади, уларнинг билимлари чуқурлашади ва кенгаяди, ҳаракатли ўйинларда болаларнинг турли ҳаракатлари такомиллашади, мусиқали ўйинларда эса мусиқий қобилиятлар ривожланади ва ҳоказо.	

<p><b>Қурилиш ўйинлари</b></p>	<p>Қурилиш ўйинлари - қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинлар болалар тафаккурини ривожлантиради, уларни қурилиш ишларининг ўзига хос хусусиятларини ажратиш, таҳлил ва синтез қилиш, солиштириш, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлашга мажбур этади.</p>	
<p><b>Сахналаштирилган ўйинлар</b></p>	<p>Сахналаштирилган ўйинлар болаларнинг эшитган асарлар ёки эртакдан олган тасаввурларини мустақил ифодалаш ёки машқ қилиш имконини беради. Бу ўйинлар болаларда ирода, интизом, ўз ҳаракатларини бошқаларнинг ҳаракатига мувофиқ амалга ошириш каби сифатларни тарбиялашда самарали восита ҳисобланади.</p>	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида маълумотлар слайдда тақдим этилади.

**8-амалий машғулот:**  
**БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ**  
**ЭТИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Физиология, гигиена, психология, педагогика соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида болалар боғчаларида кичкинтойлар ҳаётини ташкил этишнинг қуйидаги тамойиллари ишлаб чиқилди:

1. Ҳар бир ёш гуруҳида болаларни жамоатчилик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган бир хил шарт-шароитлар яратиш.

2. Болаларни ёш гуруҳларига тақсимлашда ҳар бир гуруҳга фақат бир хил ёшдаги болаларни танлаш ва шунга қараб таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш.

3. Болаларнинг ҳар хил фаолият билан шуғулланишлари ва бир-бирлари билан мулоқотга кириша олишлари учун зарур бўлган моддий муҳитни яратиш. Бунинг учун гуруҳ хонаси ва майдончани гигиеник, педагогик, эстетик талаблар даражасида керакли асбоб-анжомлар билан таъминлаш.

4. Болаларнинг ёшига мос кун тартибига риоя қилиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш.

5. Болалар шахсини шакллантирадиган фаолият турларини ташкил этиш ва бу фаолиятлар учун кун тартибидан маълум вақт ажратиш.

Болаларнинг ҳар хил фаолиятларини илмий асосланган тамойиллар асосида алмаиштириб бориш болалар боғчасининг ҳар хил ёш гуруҳларида болалар ҳаётини тўғри ташкил этишни таъминлайди. Болаларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга қаратилган педагогик жараён мураккаб ва ранг-барангдир. Тарбия масалалари таълим-тарбия ишининг ташкилий шакллари, болалар фаолиятининг ҳар хил турлари: машғулотларда таълим бериш орқали, ижодий ва қоидали ўйинлар, болаларнинг мустақил фаолияти, уларнинг ўз меҳнати ва катталар меҳнати билан таништириш, ўз-ўзига хизмат қилиш, сайрлар, гигиеник тадбирлар орқали амалга оширилади.

Таълим-тарбия ишларини муваффақиятли амалга ошириш болалар боғчасидаги педагогик жараённинг ҳар бир фаолият турини тўғри ташкил этишга боғлиқдир. Болалар боғчасининг педагогик жараёнида таълим муҳим аҳамият касб этади ва кундалик ҳаёт, ўйин, меҳнат, машғулотлар орқали амалга оширилади. Машғулотда таълим ва тарбия вазифалари ҳал

этилади. Болалар теваарак-атрофдаги ҳаёт ва табиат билан танишиш, нутқ ўстириш, савод ўргатиш, математика, жисмоний маданият, тасвирий фаолият, мусиқа бўйича энг оддий тасаввур ва билимларни, малака ҳамда кўникма системасини эгаллаб оладилар. Болалар эгаллаб олишлари керак бўлган билим, малака ва кўникмалар болалар боғчаси дастурида белгилаб берилган бўлиб, у болаларнинг умумий ривожланиши ва уларни мактаб таълимига тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Машғулотларда таълим бериш дидактика тамойиллари асосида болаларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, маълум изчилликда олиб борилади, мазмуни секин-аста мураккаблаштириб борилади. Натижада, у ривожлантирувчи ва тарбияловчи хусусиятга эга бўлади. Дастурда ҳар бир ёш гуруҳида ҳафта давомида ўтказиладиган машғулотлар сони ва ҳар бир машғулот қанча давом этиши белгилаб қўйилган. Тарбиячи мана шунга асосланиб, ўзининг ҳафталик машғулотлар жадвалини тузади, бу таълимнинг ҳамма бўлимлари бўйича белгиланган таълим-тарбия ишларини тўғри тақсимлаш ва бир хилда амалга оширишга имкон яратади. Машғулотлар жадвалини тузишда қуйидаги талабларга риоя қилиш керак: Дастурнинг ҳамма бўлимлари бўйича машғулотларни ҳафтага тенг тақсимлаш.

1. Ҳафтанинг биринчи ва охириги кунига осонроқ машғулотлар қўйилади.

2. Ҳафтанинг сешанба, чоршанба ва пайшанба кунларида болалардаги ақлий фаолият тезлашади, шунинг учун бу кунларга мураккаброқ ишлар режалаштирилади.

3. Кун давомида биринчи бўлиб болалардан ақлий зўр беришни кўпроқ талаб этадиган, кам ҳаракатли машғулотлар режалаштирилади (теваарак-атрофдаги ҳаёт ва табиат билан таништириш, она тили, математика). Тасвирий фаолият, жисмоний тарбия, мусиқа ва шунга ўхшаш машғулотлар кейинроққа режалаштирилади.

4. Кун давомида машғулотлар қуйидагича тартибда алмаштириб борилади: математика ва жисмоний тарбия, она тили ва тасвирий фаолият ва ҳ.к.

5. Машғулотларни бундай тақсимлаш болаларнинг дастур материални энгилроқ ўзлаштириб олишига имкон яратади. Кун давомида бир неча марта: эрталабки қабул вақтида, эрталабки ва кечки сайрда болаларнинг мустақил фаолиятлари ташкил этилади.

Болалар ўзларига таниш бўлган дидактик ва ҳаракатли ўйинларни ўйнайдилар, хоҳлаган расмларини чизадилар, хоҳлаган нарсаларини ясайдилар, китоблар, расмларни томоша қиладилар, хоҳлаган бадиий асарларини тинглайдилар. Болаларнинг мустақил фаолияти улар учун дам



олиш соати ҳисобланади, аммо иш билан бир вақтда болаларнинг ўз-ўзини ташкил эта билиш қобилияти ўсишига, хулқ маданияти иродавий сифатларнинг тарбияланишига, жамоа муносабатларининг шаклланишига ёрдам беради. У ҳар хил фаолиятларда болалардаги ўзига хос ижодкорликнинг ривожланишига кенг имконият яратади.

Шунинг учун болалар-нинг мустақил фаолиятига ҳам тарбиячининг раҳбарлик қилиши талаб этилади: чунки хоҳлаган иши билан шуғулланишига имкон яратиш, керакли материал ва асбоб-ускуналар билан таъминлашда, тарбиячининг маслаҳати лозим бўлади. Кун давомида системали равишда меҳнат фаолияти ташкил этилиб, болалар катталарнинг меҳнати билан таништириб борилади. Бу иш машғулотларда, экскурсияларда, мақсадли сайрларда, болаларнинг катталар билан биргаликдаги меҳнати давомида амалга оширилади. Бунда болаларнинг асосий эътибори меҳнатнинг инсонлар учун фойдасига, унинг хилма-хиллигига, ишлаётганларнинг ахлоқий муносабатларига қаратилади. Болаларнинг овқатланиши, машғулотга тайёрланиши, табиат бурчагида навбатчи вазифасини бажариш уларда топшириққа нисбатан жавобгарлик ҳиссини ривожлантиради, шу билан бирга ижтимоий ҳис ва муносабатларни шакллантиради.

Болалар ҳаёти куннинг биринчи ва иккинчи ярмидаги кун тартибига биноан ташкил этилади. Бунинг учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиш зарур. Кичкина гуруҳ болаларнинг кўп вақти гуруҳ хонасида ўтади. Яхши жиҳозланган хона, ўйинчоқ ва қўлланмаларни тўғри танлаш болаларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришининг асосий шарти ҳисобланади. Гуруҳ хонасидаги ўйинчоқлар бу ёшдаги болаларнинг 2—3 та бўлиб ўйнашларини эътиборга олиб жойлаштирилиши, бир қанча ўйинлар учун ўйинчоқ бурчаги ташкил этилиши, унда яна қурилиш материаллари, ҳаракатланувчи ўйинчоқлар ҳам бўлиши керак, қолган ўйинчоқлар, расмлар, шкафларга болалар бемалол оладиган қилиб жойлаштирилиши лозим. Хонада болаларнинг полда машина, аравачаларни бемалол юргиза олишлари ва йирик қурилиш материаллари билан ўйнашлари учун ҳам жой ажратилиши керак, ҳаракатларни ривожлантирувчи жиҳозлар бинонинг махсус хоналарида сақланади ва жисмоний тарбия машғулотларидагина олиб чиқилади.

Майдончага қум яшиклари, болаларнинг сакрашлари, тирмашиб чиқишлари учун керакли жиҳозлар, қорда, музда учишлари учун каналар қўйилади. II кичик гуруҳ. Моддий муҳит иккинчи гуруҳ болалари учун ҳам худди биринчи кичик гуруҳникидек ташкил этилади. Бундан ташқари, кузатиш ва меҳнат учун табиат бурчагига аквариумда балиқ, тўрларда кушлар ва майда ҳайвонлар жойлаштирилади. Гуруҳ хонасидан китоб

жавони учун жой ажратилади. Боғча майдончасида спорт ўйинлари билан шуғулланиш учун махсус жой булади, у керакли анжомлар билан жиҳозлаб қўйилади.

Ўрта гуруҳ. Гуруҳда ухлаш хонаси, ҳожатхона ва ечиниш хонаси бўлиши керак. Гуруҳ хонаси бир неча бўлимдан иборат бўлиши керак. Биринчи ўйин бўлимида кўғирчоқпар ҳамда керакли нарсалар жойлаштирилган шкаф бўлади. Иккинчи ўйин бўлимида қурилиш материаллари қўйиладиган шкаф ва улар билан ўйнаш учун жой ажратилади. Шу хонанинг яна бир қисмида болаларнинг бадиий фаолият билан мустақил шуғулланишлари учун керакли материаллар қўйилади. Китоб бурчаги ва стол усти босма ўйини билан шуғулланишлари учун ўйин бурчагида тинчроқ жойни ажратиш керак. Табиат бурчагини дера- заларга яқинроққа жойлаштирган маъқул. Хона амалий санъат асарлари ва кўкаламзорлаштирувчи ўсимликлар билан безатилади. Майдонча бошқа майдончалардан яшил, манзарали ўсимликлар билан тўсилиб, жисмоний машқлар ва спорт ўйинлар учун керакли асбоблар билан жиҳозланади. Катта гуруҳ. Ўйин бўлимлари болаларнинг ёшига мос ҳолда ўрта гуруҳ хонаси каби жиҳозланади.

Гуруҳ хонасида яна машғулот ўтказиладиган бўлим ажратилади ва у ерга тарбиячининг столи, экран, шкаф, тахта жойлаштирилади. Болаларнинг мустақил ўйнашлари учун ҳамма керакли материаллар (столлар, ўйинчоқлар солинган қутичалар, витрина шкафи, токчалар ва бошқалар) бўлиши лозим. Табиат бурчаги, қўл меҳнати билан шуғулланадиган бурчак, китоб бурчаги, тасвирий фаолият бурчаклари бўлиши керак. Тайёрлов гуруҳи. Бу ердаги машғулот ўтказиладиган бўлимда катта гуруҳцаги сингари болалар учун икки кишилик столлар қўйилади.

Гуруҳ хонасидаги жиҳозлар зарурат туфайли шуғулланганда ўйинга жой бўшатиш мақсадида бошқа томонга суриб қўядиган қилиб жойлаштирилади. Майдончада спорт ўйинлари ва ҳар хил ўйин учун жой ажратилади, гулхона ва полиз ташкил этилиб, у ерда болалар ўзлари гул ва сабзавотларни етиштирадилар. Болалар ҳаётини ташкил этишга қўйиладиган талаблар. Куннинг биринчи ярмида болалар ҳаётини ташкил этиш. Болаларнинг боғчада 9—12 соат бўлиши кун тартибида белгилаб қўйилган. Бунда эрталабки қабул муҳим роль ўйнайди. Тарбиячи болаларнинг боғчадаги вақп'и қизиқарли, сермазмун ўтишини таъминлайди.

## **Шундай қилиб, кун давомида болалар ҳаётини ташкил этишдаги талаблар қуйидагича:**

1. Болаларнинг ҳамма фаолият турлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш.
2. Ҳар бир ёш гуруҳида фаолият турларини алмаштириб бориш.
3. Болаларнинг ҳаракат фаоллигини етарлича таъминлаш.
4. Машғулот, ўйин, меҳнат, маиший фаолият ўртасида боғлиқлик ўрнатиш.
5. Болаларнинг олган билим, малака, кўникмаларини мустақил фаолиятларида қўллай олишга ўргатиш.
6. Болани фаол бўлишга, ҳар доим бирон нарса билан машғул бўлишга ўргатиш.
7. Ҳар бир болани ижодий қобилиятлари, хоҳиш ва қизиқишларини диққат билан кузатиб бориш ва унинг янада ривожланиши учун шарт-шароит яратиш.
8. Болаларнинг бутун фаолиятига тарбиячининг раҳбарлиги.
9. Кун тартибига қатъий риоя қилиш.

### **Мавзу бўйича тест саволлари:**

#### **1. МТМларда тарбия масалаларида таълим-тарбия ишининг ташкилий шакллари қайсилар?**

- a) \*Ўйин, меҳнат, таълим, ижод;
- b) Билим, кўникма, малака;
- c) Ёзиш, чизиш, гапириш;
- d) Югуриш, сакраш, эмаклаш;

#### **2. Фаолият бу нима?**

a) \*кишининг маданий маънавий неъматлар яратиш борасидаги ҳамда шахсий ва ижтимоий соҳадаги маълум бир мақсад сари қиладиган хатти-ҳаракатлар мажмуаси.

b) болаларни жисмоний томондан тарбиялаш системасида, боғчанинг таълим-тарбия ишида ахлоқий, меҳнат ва эстетик томондан тарбиялаш учун ыаратилган жараён.

c) инсон фаолиятининг асосий шакли, киши ҳаётининг мазмуни, ҳар бир жамият аъзосининг вазифаси, шахс тараққиётининг асосидир.

d) ёш авлоднини назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

#### **3. Болаларни жисмоний томондан тарбиялаш системасида, боғчанинг таълим-тарбия ишида ахлоқий, меҳнат ва эстетик томондан тарбиялаш учун ыаратилган жараёни нима деб аталади?**

- a) \*Ўйин

- b) Меҳнат;
- c) Машғулотда қатнашиши;
- d) Ижод қилиш;

**4. Тарбиянинг асосий шакллардан бўлган меҳнат шаклига берилган тўғри таърифни топинг.**

a. кишининг маданий маънавий неъматлар яратиш борасидаги ҳамда шахсий ва ижтимоий соҳадаги маълум бир мақсад сари қиладиган хатти-ҳаракатлар мажмуаси.

b. болаларни жисмоний томондан тарбиялаш системасида, боғчанинг таълим-тарбия ишида ахлоқий, меҳнат ва эстетик томондан тарбиялаш учун ыаратилган жараён.

c. \*инсон фаолиятининг асосий шакли, киши ҳаётининг мазмуни, ҳар бир жамият аъзосининг вазифаси, шахс тараққиётининг асосидир.

d. ёш авлоднини назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

**5. Ёш авлоднини назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён бу...**

- a) Тарбия;
- b) Ўқиш;
- c) \*Таълим;
- d) Ривожланиш;

**6. Ижод бу...**

a) \*кишининг жараённи самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти.

b) кишининг маданий маънавий неъматлар яратиш борасидаги ҳамда шахсий ва ижтимоий соҳадаги маълум бир мақсад сари қиладиган хатти-ҳаракатлар мажмуаси.

c) болаларни жисмоний томондан тарбиялаш системасида, боғчанинг таълим-тарбия ишида ахлоқий, меҳнат ва эстетик томондан тарбиялаш учун ыаратилган жараён.

d) синсон фаолиятининг асосий шакли, киши ҳаётининг мазмуни, ҳар бир жамият аъзосининг вазифаси, шахс тараққиётининг асосидир.

**7. Илм-фан ва таълим-тарбиянинг асосий вазифаси саналади бу нима?.**

- a) \*Тушунтириш;
- b) Сакраш;
- c) Ёзиб кўрсатиш;
- d) Ўқиб бериш;

## 8. Тушунча бу...

а) \*нарса ва ҳодисаларнинг умумий хусусиятларини ифодаловчи фикр – тафаккур шакли.

б) кишининг жараённи самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти.

с) кишининг маданий маънавий неъматлар яратиш борасидаги ҳамда шахсий ва ижтимоий соҳадаги маълум бир мақсад сари қиладиган хатти-ҳаракатлар мажмуаси.

д) болаларни жисмоний томондан тарбиялаш системасида, боғчанинг таълим-тарбия ишида ахлоқий, меҳнат ва эстетик томондан тарбиялаш учун яратилган жараён.

**9. Болалар теварак-атрофдаги ҳаёт ва табиат билан танишиш, нутқ ўстириш, савод ўргатиш, математика, жисмоний маданият, тасвирий фаолият, мусиқа бўйича энг оддий тасаввур ва билимларни, малака ҳамда кўникма системасини эгаллаб оладилар. Ушбу таълим тарбия жараёни таълимнинг қайси тизимида амалга оширилади?**

а) Умумий ўрта таълимда;

б) Бошланғич таълимда;

с) \*Мактабгача таълимда;

д) Академик лицейларда;

**10. Кун давомида болалар ҳаётини ташкил этишдаги асосий талаблар нечта?**

а) 6 та;

б) \*9 та;

с) 3 та;

д) 5 та;

## 9-амалий машғулот:

### БОЛА ТАРБИЯСИДА БОҒЧА ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ

Ҳозирги ижтимоий ўзгаришлар оилавий тарбия масалаларига, айниқса, оилада фарзанд тарбиясига ҳамда оилалар шароитини яхшилаш, уларни моддий жиҳатдан таъминлашни кучайтиришга алоҳида диққат-эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлашда яслилар ва боғчалар, мактаб-интернатлар ва бошқа шунга ўхшаш муассасалар кенгайтириш орқали оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, мактаблар, болалар ва табиёт муассасаларини қуриш, улардаги шароитни яхшилаш иши мунтазам равишда амалга оширилиб борилмоқда. Давлат болаларнинг ясида, боғчада тарбияланиши, умумтаълим мактабида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида, олий ўқув юртлирида билим олишлари учун сарфланадиган ҳаражатларни йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда.

Шунингдек, оналарга қулайлик туғдириш, уларни моддий шароитларини яхшилаш, бола тарбияси билан шуғулланишини таъминлаш учун катта имкониятлар яратилмоқда. Масалан, мактабгача тарбия муассасалар тармоғини кенгайтиришга ва ундаги моддий ва маънавий шароитни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бола туғилганда биринчи болага, иккинчи ва учинчи болага бериладиган суюнчи пулларини миқдори йилдан-йилга оширилиб бормоқда. Ёш болали оналарга 2 ва ундан ортиқ 12 ёшгача меҳнат таътилларини узайтирилиши, боласи 3 ёшга тўлгунга қадар пулли таътилларни жорий қилиниши ва ўз мутахассислиги бўйича иш стажини сақланиши, ёлғиз оналарга эса ҳар бир боласи учун бериладиган ойлик нафақа пули миқдорининг кўпайтирилиши; оналарнинг болалари билан биргаликда дам олишлари ва даволанишлари учун шарт-шароитларнинг яратилиши, шунингдек, боласини ўзи тарбиялаб, шу билан бирга ишламоқчи бўлган оналарга тўла бўлмаган иш куни, иш ҳафтаси, уйда ишлашлари учун шароит яратилиши, болалар касалланганда уни парвариш учун пул тўланадиган вақтнинг узайтирилиши шулар жумласидандир.

Демак, давлатимиз оила ва оилада фарзанд тарбияси вазифасини юқори баҳолайди ва бу ишни муваффақиятли амалга ошириш учун керакли шарт-шароитларни яратиб беради. Айниқса, оилани мустаҳкамлаш, унинг шароитларини яхшилаш ва кишиларнинг турмуш фаровонлигини оширишга ҳамда оила, боғча, мактаб, меҳнат жамоалари ўртасидаги ало-

қани яхшилаш, ота-оналарнинг болалар тарбияси учун жавобгарлигини ошириш давр талабига айланмоқда. Ота-оналар бола тарбиясига жиддий эътибор бериб ўз болаларини қандай инсонлар бўлиб етишиб чиқишига ва уларда қандай фазилатлар ҳосил қилинишини назардан четда қолдирмасликлари керак. Ота-она боласининг тарбиясини тўғри йўлга қўйиши учун уни яхши билиши ва тушуниши керак. Бунинг учун эса ота-онада педагогик билимлар мужассам бўлиши керак. Бу билимлар ота-оналарнинг болаларни ёш ва индивидуал хусусиятларини ўрганишга, хулқини тўғри таҳлил қилишга, унинг тарбияси учун тўғри йўлни танлашга ёрдам беради. Шунинг учун ота-она бола тарбиясида, энг аввало, педагогик жиҳатларга риоя қилиши муҳим саналади.

Педагогик жиҳатлар булар қайсилар? деган савол туғилиши табиий. Булар,


**Педагогик бошқариш** – турли жараёнларни педагогик ташкилий-методик жиҳатдан уюштириш (болалар фаолиятни бошқариш)

**Педагогик дунёқараш** – таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлари жараёнининг мазмунини, натижаларини белгиловчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими

**Педагогик одоби**— деганда бола билан булган муносабат жараёнидаги меъёрга риоя қилиш, яъни боланинг онгига, қалбига, шахсига таъсир этадиган тарбиявий чораларни, уларнинг ёш-хусусиятларини ва имкониятларини ҳисобга олиб, шароитига қараб танлай билишдир. Педагогик одоби болани тарбиялашдаги моҳирлик бўлиб, буни тарбиячилар сингари ота-оналар ҳам билиши, ўрганиши лозимдир.

Чунки ота-оналар ўз хулқи, феъл атворини ташкил эта билишлари ва боланинг қалбида, онгида нима кечаётганини сеза олишлари муҳим саналади. Инсонни қандай шаклланиши ким бўлиб етишиши аввало, оиладаги тарбияга, ота-онанинг тарбиясига, салоҳиятига, масъулиятлилигига ва бола тарбиясининг умумий қонуниятларини яхши билиб, уларга қандай амал қилишига боғлиқ.

Лекин кўпчилик оилаларда бола тарбияси бўйича жуда мураккаб вазиятлар юзага келмоқда. Бундай вазиятлар ота-оналарнинг педагогик билимлардан хабарсиз эканликлари сабабли юзага келмоқда. Ота-оналарнинг кўпчилиги ахлоқ, ҳуқуқшунослик, психологик ва педагогик билимларни билмайдилар. Бу эса бола тарбиясида нохуш воқеаларга сабаб бўлмоқда. Шундай экан ота-оналарнинг дунёқарашини, тафаккурини ва уларнинг амалий фаолиятини кучайтирувчи, оилада боланинг хулқини ва уларнинг тарбиявий таъсирини таҳлил қилишга ундовчи педагогик билимларни янада кенгроқ тарғиб қилиш муҳим саналади.



Мактабгача тарбия муассасасининг оила билан иш олиб бориш жараёнида аниқ мақсад кўзда тутилиши муҳим саналади. Ота-оналар билан ҳамкорлик асосида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, улар билан боғлиқ бўлган шакл ва усул асосида режали ҳамда изчил ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ана шундай болалар боғчаси ходимларининг ота-оналар ва оилалар билан ҳамкорликдаги ишларининг кенг тарқалган шакл ва усуллари мавжуд; буларга:

а) ота-оналар ва оилалар билан яккама-якка ишлаш. Таълим-тарбия жараёнида бу тур катга аҳамият касб этиб, яхши натижаларни қўлга киритиш имконини беради. Бунда тарбиячи оила ва боланинг шахсий хусусиятларини ўрганиб, тарбиявий жараёнда инобатга олади. Бунинг натижасида тарбиячи ва ота-она ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, дўстлик муносабатлари ўрнатилади;

б) ота-оналар билан жамоа тарзида ташкил қилинадиган ишлар. Булар ота-оналарнинг гуруҳли ва умумий мажлиси, ота-оналар мактаби, анжуманлар, шанбаликлар, (болалар боғчаси ходимларининг ота-оналар билан биргаликда амалий фаолияти) савол ва жавоб кечалари;

в) кўрсатмали ишлар. Ишнинг бу турини: кўргазмалар, фотоман-тажлар, болаларнинг ишларини намойиш қилиш, очиқ эшиклар куни, ота-оналар бурчаги, ота-оналар учун кутубхона, оилавий тарбиянинг турли муассасалари бўйича материаллар солинган папка ва шу кабиларни камраб олади;

г) боланинг оиласини бориб кўриш ва оила аъзолари билан яқиндан танишиш;



д) ота-оналарга педагогик таълим бериш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ота-оналар ва оила билан қамкорликда олиб бориладиган иш шакллариининг айримларини қандай ташкил қилиш усулларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1.Тарбиячининг оилани бориб кўриш. Бола яшаб турган оилани ўрганиши, ота-оналар билан яқин алоқа ўрнатиш ва уларга ёрдам, маслақатлар беришнинг самарали йўлларидадан биридир. Тарбиячи оилага текширувчи сифатида эмас, балки маслаҳатчи, дўст сифатида бола тарбиясига ёрдам берувчи шахс сифатида боради. Тарбиячининг оилага боришидан асосий мақсади бола тарбияланаётган шароитни кўриш ва зарур бўлса, ота- оналарга ёрдам кўрсатишдир. Тарбиячи ҳар бир оилага ҳар гал боришдан аввал, ўз олдида аниқ мақсад қўйиш, қайси мавзуда суҳбатлашишни олдиндан белгилаб олиши лозим. Демак, ота-оналарга бериладиган савол олдиндан пухта ўйланган бўлиши керак. Суҳбат шундай тузилиши керакки, тарбиячи билан ота-она бир-бирларини яхши тушунишлари ва улар ўртасида ишончли алоқа ўнатилиши керак.

2. Ота-оналар билан шахсий суҳбатлар. Оила билан шахсан ишлашнинг кенг тарқалган усулларидан бири суҳбат бўлиб, бу болаларни эрталаб қабул қилиш ва кечқурун жўнатиш пайтида ўтказиш мумкин. Бу суҳбат тарбиячи билан ота-оналарнинг бир-бирлари билан яқинроқ танишларига, уларга боланинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар билан хабардор қилишларига, унинг муваффақияти ва камчиликлари, хулқи, соғлиғидаги ўзгаришларни кузатишга ёрдам беради.

3. Гуруҳий маслаҳатлар ва мажлислар. Гуруҳий маслаҳатлар мавжуд маълумотлардан уларни хабардор қилиш эмас, балки оилавий тарбия тажриба алмашинувини назарда тутаяди. Ота-оналар билан мулоқот қилиш ота-оналарга жамоа бўлиб, гуруҳ бўлиб маслаҳатлар уюштиришнинг мазмунини аниқлашга ёрдам беради. Ота-оналарнинг гуруҳий мажлисида ҳамма гуруҳ болаларининг ота-оналари, параллел гуруҳлар ота-оналари ва катта гуруҳ болаларининг ота-оналари таклиф этилади. Умумий мажлисда ота-оналарни мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ривожлантириш ва тарбиялаш вазифали, шу йилги режалар, ота-оналар кўмитасининг фаолияти, оила тарбиясидаги илғор тажрибалар билан таништирилади. Биринчи умумий мажлис ўқув йилининг бошида ўтказилса, иккинчи умумий мажлис ўқув йилининг охирида ўтказилади. Бунда мактабгача тарбия муассасанинг ўтган йилдаги иш якунлари ҳақида маълумот берилади.

4. Ота-оналар ва мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг биргаликдаги фаолияти. Ота-оналар боғча майдонини кўкаламзорлаштириш, участкадаги жиҳозларни ва қўлланмаларни таъмирлаш, хоналарни


қишга тайёрлаш, соғломлаштириш ишларини ўтказишда ёрдам кўрсатишлари, янги ўхув йилига тайёргарлик вақтида санитария ишларида, болаларни саёхатларга кузатиб боришларида иштирок этишлари лозим. Агар ота-оналар орасида фотосуратчилар, қурувчилар, рассомлар бор бўлса, улар мактабгача тарбия муассасаларига бевосита ёрдам беришлари керак.

5. Ота-оналар учун кечалар ва тўгараклар уюштириш. Мактабгача тарбия муассасаларида ота-оналар ва бошқа оила аъзолари учун ўтказиладиган кечалар мавзули ҳарактерга эга бўлиб, «Бола лой, ота-она кулол», «Бола азиз, одобни ундан азиз» каби мавзуларни танлаш мумкин.

6. Очиқ эшиклар куни. Очиқ эшиклар куни жамоанинг ўз календар йиллик режаси бўйича ҳар бир ёшдаги гуруҳнинг маълум режими бўйича одатдаги меҳнат кунидир. Бундай кунларни йилида 1—2 марта ўтказиш мумкин.

Хулоса шуки, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни оилада тарбиялашни, ота-оналар билан ҳамкорликни бундан кейин янада такомиллаштириш йўлларини излаб топиш, оилавий тарбиянинг ижтимоий тарбия билан алоқасини мустаҳкамлаш.

### “ВЕНН” ДИАГРАММАСИ



### АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ:

Тингловчиларни гуруҳларга бўлиб, қуйидаги мавзудаги муаммоли саволарга фикрларни тақдим этишади.

1. Оиланинг жамиятда тутган ўрнини қандай изоҳлайсиз?

2. Оилада ота-онанинг вазифалари нималардан иборат?

3. Оилада бола тарбияси деганда нимани тушунасиз?

4. Оила ва боғча ҳамкорлигининг аҳамияти.

# ГЛОССАРИЙ

**Адолат** – муайян воқеа-ҳодиса, жараён, шунингдек, шахс ҳатти-ҳаракатларини уларнинг туб моҳиятига кўра ҳаққоний баҳолаш

**Англаш қобилияти** – ўқитувчиларнинг таълим ва тарбия жараёни моҳияти, қонуниятлари, талабаларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, таълим иштирокчилари ўртасидаги муносабат мазмуни, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш шартлари ҳамда кутиладиган натижаларни англашга имкон берадиган индивидуал психологик хусусият

**Артикуляция** (лот. “articulation” < “articulare” – “аниқ талаффуз қилмоқ”) нутқ орган (аъзо)ларининг товуш ҳосил қилишдаги ҳаракатлари ҳолати

**Баҳолаш маданияти** – педагогнинг у ёки бу педагогик воқелик, ҳодиса, жараёнлар бўйича уларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри хулоса чиқариш, оқилона қарор қабул қилиш қобилиятига эгаллигини англатувчи сифат

**Билиш қобилияти** – ўқитувчининг таълим жараёнининг иштирокчилари – талабалар, ота-оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият

**Диапазон** (юнон. “diapason” – “барча (торлар) орқали”) – товуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва қуйи оҳанглар билан белгиланади.

**Дикция** (лот. “diction” – “талаффуз қилиш”) – сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниши

**Жест** (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари) – муайян ҳодиса ёки объектга нисбатан муносабатнинг гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари ёрдамида ифодаланиши

**Ижтимоий компетентлик** – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгаллик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш

**Индивидуал ривожланиш дастури (ИРД)** – ҳар бир шахс ёки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий-амалий ҳарактердаги дастур

**Инновацион компетентлик** – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш

**Интуиция** (лот. “intuition” < “intueri” – “синчиклаб, диққат билан қарамоқ”) – мантиқий боғланмаган ёки мантиқий хулосага келиш учун

етарли бўлмаганда қидирув йўналишлари асосида масалани ечишнинг таркибини бўлган эвристик (унумли ижодий фикрлаш) жараёни

**Компетентлик** – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш

**Касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти** – педагог томонидан мавжуд педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганлигини англатувчи сифат

**Касбий зийраклик** – ўқувчилар руҳий ҳолатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган иштиёқларини тўғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ёки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гуруҳга таъсир кўрсатишда қулай вазиятини танлай билиш

**Касбий компетентлик** – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

**Касбий-педагогик бурч** – мутахассис сифатида ўқитувчи томонидан касбий фаолиятда адо этилиши мажбурий бўлган вазифа

**Маҳорат** (араб. “моҳирлик”, “усталик”, “эпчиллик”) – 1) бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик; 2) бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш; 3) муайян иш, хатти-ҳаракат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

**Методик компетентлик** – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш

**Мимика** (юнон. “mimikos” – “тақлидий”) – юз мускуллари ҳаракатлари орқали шахснинг ўз фикри, ҳис-туйғулари, кайфияти ҳамда мавжуд воқеликка муносабатини ифодалаши

**Мулоқот жараёнида ахборот алмашиш воситалари** – шахслараро мулоқот жараёнида ахборот алмашинувини таъминловчи моддий ва номоддий нарса, омиллар (оғзаки ва ёзма нутқ, паралингвистик ва экстралингвистик тизимлар, мулоқотнинг ташкилий кўлами ва вақти, кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа, белгиларнинг оптик-кинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари))

**Мулоқот** – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари кишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараёни; 2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви

**Мулоқот маданияти** – 1) мулоқот жараёнини ахлоқий меъёрлар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида суҳбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи ва қобилиятига эгаллик; 2) педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири

**Нафас олиш** – 1) организмга ҳаёт бағишловчи физиологик функция; 2) нутқнинг энергия базаси

**Нафас олиш техникаси** – физиологик функция ёки нутқнинг энергия базаси сифатида нафас олишда қўлланиладиган воситалар мажмуи

**Ноёб қобилиятлар** – шахсга хос индивидуал психологик хусусиятнинг шундай тури бўлиб, у жуда кам сонли шахслардагина кузатилади ва кўп учрайдиган психологик ҳодиса саналмайди

**Нутқ аппарати** – нутқни ҳосил қилишда иштирок этувчи органлар.

**Нутқли (ёки товушли) нафас олиш** (фонацион, юнон. “phono” – “товуш”) – нафаснинг нутқ жараёнидаги олиниши

**Нутқ маданияти** – ўз фикрини нутқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

**Нутқ техникаси** – нутқни тингловчи ёки ўқувчига етказишда қўлланиладиган воситалар мажмуи

**Нутқ ҳосил қилувчи органлар** – нутқни ҳосил қилиш жараёнида иштирок этувчи органлар (ўпка, иккита бронх, трахея, кекирдак, бўғиз, ҳиқилдоқ, ҳалқум, тишлар, бурун бўшлиғи, лаблар)

**Пантомимика** – педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавлантиришга имкон беради гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати

**Паралингвистик тизим** (юнон. “pará” – яқин, нем. “linguistik” – тил) – мулоқот таркибида сўзли, назарий маълумотларни сўзсиз воситалар билан биргаликда узатилиши англатувчи тизим.

**Педагогик билим** – болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, таълим ҳамда тарбия жараёнини ташкил этиш асосида шахсни ҳар томонлама камол топтиришга доир тизимланган маълумотлар йиғиндиси

**Педагогик билимдонлик** – 1) педагог томонидан мутахассислик билимларининг пухта эгалланганлиги; педагогнинг билафонлиги; 2) педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, ҳуқуқий меъёр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайёргарлик даражаси

**Педагогик бошқариш** – педагогик жараёнларни ташкилий-методик жиҳатдан уюштириш (талабалар фаолиятни бошқариш; талабалар жамоасини бошқариш)

**Педагогик дунёқараш** – педагог ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлари жараёнининг мазмунини, натижаларини белгиловчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими

**Педагогик ижод** – педагогнинг касбий жараёни самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти

**Педагогик интуиция** (лот. “intuegi” – “синчиклаб, диққат билан қараш”) – педагог томонидан педагогик воқеа-ҳодисанинг моҳиятини, ўқувчи хатти-ҳаракатлари мазмунини тасаввур, эмпатия ва орттирилган тажриба асосида ҳис-туйғу, сезги ёрдамида, зийраклик билан мантиқий далилларсиз бевосита англаш

**Педагогик маданиятга эгалликни ифодаловчи сифатлар** – ўқитувчида касбий хулқ-атвор, одоб, муомала ва хатти-ҳаракат кўникма, малакалар мавжудлигини ифодаловчи сифатлар

**Педагогик маданиятнинг таркибий элементлари** – ўқитувчининг мутахассис сифатида касбий маданияти сифатларини ҳосил қилувчи таркибий элемент (унсур)лар (педагогик лойиҳалаш маданияти; касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти; педагогик дунёқараш; фикрлаш маданияти; ҳис этиш маданияти; баҳолаш маданияти; мулоқот маданияти; ташкилотчилик қобилияти)

**Педагогик маданият** – 1) педагогнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян хулқ-атвор, одоб, муомала ва хатти-ҳаракат кўникма, малакаларини ўзлаштириш даражаси; 2) педагогнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш усул ва воситаларини ўзлаштирганлик, педагогик билимдонлик, такт, техника ва маданиятни намоён қила олишнинг юқори даражаси

**Педагогик мажбурият** – жамият томонидан ўқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлоқий йўл-қўрий, кўрсатмалар мажмуаси

**Педагогик маҳорат** – 1) ўқитувчининг педагогик жараёни ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ва бошқариш қобилияти, кўникма-малакасига эгаллиги; 2) таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндошув, методик билимларни самарали қўллаш олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур; 3) педагог томонидан касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишини таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуи

**Педагогик мулоқот** – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар ҳамда раҳбарият билан уюштирадиган суҳбати

**Педагогик мулоқот маданияти** – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар, раҳбарият билан педагогик одоб ва мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштириладиган суҳбати

**Педагогик мулоқотнинг авторитар услуби** – педагогик мулоқотда ўқитувчининг мутлоқ устунлигини ифодаловчи услуб

**Педагогик мулоқотнинг демократик услуби** – педагогик мулоқотда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ифодаловчи услуб

**Педагогик мулоқотнинг либерал услуби** – педагогик мулоқотда ўқитувчининг эътиборсизлигини ифодаловчи услуб

**Педагогик мулоқот услублари** – ўқитувчилар томонидан педагогик жараёнда таълим иштирокчилари билан мулоқотни ташкил этишда қўлланиладиган усуллар мажмуи (авторитар услуб, демократик услуб, либерал услуб)

**Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури** – педагогнинг индивидуал равишда ўзида у ёки бу касбий-педагогик сифат, БКМ, касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжларига таянган ҳолда ишлаб чиққан шахсий-амалий ҳарактердаги дастури

**Педагогик новаторлик** – педагогик фаолиятда илғор тамойил ёки ғояни асослаш, янги йўл, усул ёки воситаларни тавсия қилиш, уларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган ижодий ёндошув

**Педагогик обрў** – педагогнинг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, шунингдек, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми

**Педагогик одоб** – ўқитувчи олдида унинг ўзига, касбига, жамиятга, болаларга ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчиларига муносабатда бўлишига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар тизими

**Педагогик релаксация** (лот. “relaxatio” – “заифлашиш”, “бўшашиш”) – талабаларнинг ҳиссий фаолияти, руҳий-жисмоний қуввати ва ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш

**Педагогик рефлексия** (лот. “reflexio” – “ортга қайтиш”, “акс этиш”) – педагогнинг шахс онги моҳияти ва вазифаларини, шу жумладан, кадриятлари, қизиқишлари, рағбатлантирувчи омиллар, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсирланиш, хатти-ҳаракатлари ва бошқаларнинг моҳиятини англаб етиши

**Педагогик тафаккурнинг ривожланиш босқичлари** – педагог томонидан касбий фаолиятни ташкил этиш ёки педагогик йўналишда таҳсил олаётган талабаларда ихтисослик БКМнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда тафаккурнинг изчил, қадам-бақадам ривожланиб бориш даврлари

**Педагогик тажриба** – касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида педагог томонидан ўзлаштирилган орттирилган БКМ мажмуи



**Педагогик такт** (лот. “tactus” – “дахл қилиш”, “дахлдорлик”, “ҳис этиш”, “туйғу”) – педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндошиш малакаларига эгаллиги

**Педагогик тафаккур** – педагогик жараён, вазият ва ҳодисалар моҳиятини, шунингдек, улар ўртасидаги муҳим боғланиш ва алоқаларнинг педагог онгида тўлақонли акс этиши, янги ғояларни илгари суриш, янгиликлар яратиш, шунингдек, педагогик жараён, вазият ва ҳодисаларнинг натижаларини башоратлаш; педагог ақлий фаолиятининг юксак шакли

**Педагогик техниканинг воситалари** – педагог томонидан ўқувчиларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига нисбатан субъектив муносабат, алоҳида ҳис-туйғуларнинг маъноли ифодаланишини таъминловчи воситалар (нутқ ва оғзаки бўлмаган мулоқот)

**Педагогик техника** – педагог томонидан ўзлаштирилган алоҳида талаба ва талабалар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали қўллай олиш учун зарур бўлган БКМ йиғиндиси (ўзини ўзи ҳиссий бошқариш, пантомимика, мимика, жест (гавда, қўл, оёқ ҳаракатлари), нутқ техникаси, алоҳида сўз ёки ифодаларни ифодалаш суръати (ритмика))

**Педагогик ҳамдардлик (эмпатия)** – педагогга хос сифат (талабалар, ота-оналар, ҳамкасблар ва раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳиссиётлари, ҳаётини интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуқтаи назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни меъёрда ташкил этилишини таъминлаш; ўзгаларнинг ички ҳолатини, ўй-фикрларини ва ҳис-туйғуларини тушуна олиш; бошқаларнинг бошига тушган кулфат, фалокатлардан қайғуриш; ролларни қабул қилиш – оғир вазиятда бўлган кишиларнинг ўрнига ўзини тасаввур, мушоҳада ёрдамида кўйиб кўрган ҳолда улардаги ижобий ҳис-туйғуларини қайта тиклашга кўмаклашиш; ўзгаларнинг қайғу-аламларидан, кулфатларидан қайғуриш, кўнгилни кўтарувчи, таскин берувчи сўзлар билан оғир вазиятда қолган кимсаларга ижобий таъсир кўрсатиш

**Педагогик қобилиятни ривожлантириш** – фақат педагогларгагина хос бўлган қобилиятларни янада бойитиш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитни яратиш

**Педагогик қобилият** – педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш ва олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган педагогга хос хусусиятлар

**Перцептив-педагогик қобилиятлар** (лот. “perceptio” – ўзлаштириш) – шахснинг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчининг психик ҳолатларининг нозик жиҳатларини тушуна олиш қобилияти

**Ритмика** – айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилиши

**Ритм** (юнон. “rhythmos” < “rjeo” – “оқаман”) – нутқда товушларнинг муайян изчиллик, кетма-кетликда асосида такрорланиб келиши, яъни нутқ вазини ифодаловчи муҳим хусусият

**Руҳий барқарорлик** – руҳий-ҳиссий ҳолат (таъсирланиш)ларнинг давомийлиги ва барқарорлик даражаси

**Товушнинг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги** – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг бежирим, йиғинчоқ ва тебранувчан эканлигини англатувчи хусусият

**Товуш** – чиқарилган ҳавони хиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келадиган ҳодиса, садо, сас

**Фикрлаш маданияти** – педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, келиб чиққан ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиётга самарали татбиқ эта олишини ифодаловчи сифат

**Экстралингвистик тизим** (ингл. “exterior” – “ташқарида”, нем. “linguistik” – “тил”) – гапираётган шахснинг ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқ ҳолда нутқнинг ташкил этилиши (нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва б.)ни ифодаловчи тизим

**Ўзини ўзи баҳолаш (ЎЎБ)** – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши

**Ўз-ўзини ривожлантириш** – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши

**Ўзини ўзи таҳлил қилиш** – педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши

**Ўз устида ишлаш** – шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши

**Тарбиячи нутқи** – педагогнинг таълим-тарбия жараёнида тил воситаларидан фойдаланиши

**Қобилият** – шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият

**Ҳис этиш маданияти** – педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этишини билдиради

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ



## МАХСУС АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т., Ўзбекистон. 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Таълим тўғрисида».
3. И.А.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т., Шарқ нашриёт — матбаа концерни, 1998.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз - Тошкент: Ўзбекистон, 2016.- 56 б.
5. Мактабгача тарбия муассаса тўғрисидаги Низом - 1995.
6. С. Юсупова. Мактабгача тарбия педагогикаси. Ўқув қўлланма — Т.: «Ўқитувчи». 1993.
7. Болалар боғчасида таълим дастури. — Т., 1993, 1999, 2000. Мактабгача тарбия справочниги. — Т., 1974.
8. Справочник по дошкольному воспитанию. — М., 1980.
9. Болалар боғчаси мудиралар учун. - Т., 1989.
10. Болалар боғчасининг катга тарбиячиси. — Т., 1991.
11. Общественное дошкольное воспитание на современном этапе. — М., 1981.
12. Мактабгача тарбия педагогикаси. П. Юсупова. — Т., «Ўқитувчи». 1993.
13. Р.А.Мавлонова, О.Т.Тўраева, У.М.Холиқбердиев Педагогика. — Т., «Ўқитувчи». 2001.
14. А.Минаваров Педагогика. — Т., «Ўқитувчи». 1996.
15. Ю.П.Азларов Болаларни севиш санъати. — Т., 1992.
16. З.Миртурсунов Ўзбек халқ педагогикаси — Т., 1973.
17. Муҳаммад Пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. — Т., 1991.
18. С.Ражабов Педагогика фанининг алломалари — Т., 1991.
19. Астровская. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ахлоқий тарбияси. — Т., «Ўқитувчи». 1977.
20. Я.А.Коменский Буюк дидактика. — Т., «Ўқитувчи», 1975.
21. В.П.Беспалко. Слагаемые педагогической технологии. — М., Педагогика, 1989.
22. К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова. Педагогика тарихи. — Т., «Ўқитувчи». 1996.
23. М.Аҳмедов, О.Шоумаров. Ватан маҳалладан бошланади. Ҳаёт ва иқтисод. 1992.
24. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. — Т., «Ўқитувчи», 1993.
25. И.Саифназаров. Бозор иқтисодиёти ва шахс қамолоти. — Т., 1996.
26. М.Иномова. Оилада болаларнинг маънавий- ахлоқий тарбияси. — Т., Низомий номидаги ТДПУ. Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти. 1999.

27. М.Иномова. Оилада болаларни маънавий- ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш. — Т., «Фан», 1995.
28. Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги концепцияси. — Т., «Ўқитувчи», 1998 .
29. Ўзбекистон педагогикаси антологияси. — Т., «Ўқитувчи» 1995.
30. И.Усмонов. Одобрни ҳаётдан ўргандим. — Т., «Ўқитувчи», 1995
31. Ш. Шодмонова. Мактабгача таълим педагогикаси.— Т., «Fan va technology» 2008.
32. Ш. Содикова. Мактабгача педагогика (Дарслик)(Тўлдирилган қайта нашр) . — Т., 2017.
33. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
34. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчи-ларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
35. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари – Тошкент, 2015.
36. European Commission (2010a): Developing Coherent and System-Wide Inductions Programmes for Beginning Teachers: A Handbook for Policy Makers.
37. Ministère de l’Education Nationale de France (2008): Livre Vert sur L’Evolution du Métier d’Enseignant.
38. Ministère de l’Education Nationale, de l’Enseignement Supérieur et de la Recherche de France (2013): Lancement des Ecoles Supérieures du Professorat et de l’Education – Séminaire Préparatoire, Dossier de Présentation, Lundi 1er juillet 2013.
39. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
40. Иноятлов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. 2012 й. Тошкент, “Илм-Зиё” нашриёти. 12 б.т.
41. Иноятлов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика (нопедгогик олий таълим муассасалари учун). 2013 й. - ТДПУ. 15,25 б.т.
42. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.
43. Нишонова З.Т., Алимова Г.К. Болалар психологияси ва психодиагностикаси Т.: ТДПУ 2017 – 264 б.
44. Дўстмухамедова Ш.А., Нишонова З.Т. ва бошқалар Ёш даврлари ва педагогик психология Т.: Фан ва технологиялар 2013 – 343 б.
45. Шаповаленко И.В. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология): учебник для студентов вузов. – М.: Гардарики, 2007. – 349 с.
46. Ғозиев Э. Ғ. Педагогик психология. –Тошкент: Университет, 2014.- 208 бет.

47. Водопьянова Н.Е., Старченкова Е.С. Синдром выгорания: диагностика и профилактика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2008.

48. Ильин Е.П. Эмоции и чувства. М., 2008.

### Интернет ресурслар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz).

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази: [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz), [www.multimedia.uz](http://www.multimedia.uz).

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

5. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: [www.giy.uz](http://www.giy.uz)

6. Ижтимоий ахборот таълим портали: [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz).

7. <http://www.school.edu.ru> - Umumta'lim portali (rus tilida),

8. <http://www.alledu.ru> - "Internetdan ta'lim" portali (rus tilida),

9. <http://www.rostest.runnet.ru> - Test olish markazi serveri (rus tilida),

10. <http://www.allbest.ru> - Internet resurslari electron kutubxonasi (rus tilida),

11. <http://www.mathtype.narod.ru/> - Online-darsliklar (rus tilida),

12. <http://mschool.kubsu.ru/> - Elektron qo'llanmalar kutubxonasi. Sirtqi matematik olimpiadalar.

13. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

14. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

15. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

16. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

17. [tdpu - INTRANET.ped](http://tdpu-intranet.ped).

18. [Teacher.org](http://Teacher.org), [www.teacher.org](http://www.teacher.org).

19. Career Counselling for Teachers, <http://www.cct-austria.at>.

20. Education Bureau of the Government of Hong Kong, <http://www.edb.gov.hk>.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>	<b>3</b>
<b>НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ</b>	<b>5</b>
<b>1-мавзу.</b> Педагогиканинг назарий-методологик асослари. Миллий педагогиканинг моҳияти	<b>6</b>
<b>2-мавзу.</b> Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мавзуси, услубияти ва баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни	<b>16</b>
<b>3-мавзу:</b> Тарбиячи ва унга қўйилган ҳозирги замон талаблари	<b>27</b>
<b>4-мавзу:</b> Мактабгача ёшидаги болаларнинг ривожланиши ва тарбияси	<b>34</b>
<b>5-мавзу.</b> Болалар жамоаси бола шахсини шакллантиришнинг муҳим шарт- шароитлари	<b>44</b>
<b>6-мавзу:</b> Ақлий тарбия ва таълим	<b>50</b>
<b>7-мавзу:</b> Ахлокий тарбия	<b>60</b>
<b>8-мавзу:</b> Эстетик тарбия	<b>68</b>
<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ</b>	<b>77</b>
<b>1 – амалий машғулот</b> ПЕДАГОГИКАНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ МОҲИЯТИ	<b>78</b>
<b>2 – амалий машғулот</b> ТАРБИЯЧИ ВА УНГА ҚЎЙИЛГАН ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ	<b>85</b>
<b>3 – амалий машғулот</b> МАКТАБГАЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРБИЯСИ	<b>89</b>
<b>4 – амалий машғулот</b> БОЛАЛАР ЖАМОАСИ БОЛА ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ	<b>96</b>
<b>5 – амалий машғулот</b> ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ	<b>99</b>
<b>6 – амалий машғулот</b> МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ	<b>107</b>
<b>7-амалий машғулот:</b> МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ЎЙИН ФАОЛИЯТИ	<b>111</b>
<b>8-амалий машғулот:</b> БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	<b>119</b>
<b>9-амалий машғулот:</b> БОЛА ТАРБИЯСИДА БОҒЧА ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ	<b>126</b>
<b>ГЛОССАРИЙ</b>	<b>131</b>
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	<b>139</b>

**МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА**  
**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й**  
**Қўлланма**

**Тошкент – 2019**

*Muharrir: Lolaxon Qoziboyeva*

*Texnik muharrir va sahifalovchi: Lolaxon Qoziboyeva*

*Dizayner: Ergashboy Matyoqubov*

Bosishga ruxsat etildi 03.01.2019. Format 84x108 1/32.

«Times New Roman» garniturasida ofset usulida bosildi.

Nashr bosma tabog'i 11,5. Shartli bosma tabog'i 11,5.

Tiraji 50. Buyurtma № 27

“ILM – ZIYO ZAKOVAT” nashriёти

Nashriyot litsenziyasi: AI №274. 15.07.2015

«BOOK MEDIA PLYUS» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Toshkent shahri, Cho`pon ota ko`chasi, 28-uy. 100097